Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 15-oktabr, chorshanba | № 83 (7588)

Da'vat

Kitob har qanday bilimning joni va yuragi, har qanday fanning ibtidosidir.

Stefan SVEYG

Ibrat

Olot tumanida yashovchi tadbirkor M.Sharipov o'z hisobidan Chorbog' qishloq fuqarolar yig'ini hududida bolalar uchun sport majmuasi qurib berdi.

ҲАМКОРЛИКДА МАКТАБ ҚУРИЛДИ

Ушбу янги ўқув йилида Хўжаобод туманининг «Дўстлик» ширкат хўжалигида 320 ўринли янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими мутасаддилари тумандаги 32-мактабнинг эски ҳолатини кўришгач, янги мактаб қуриш ҳақидаги ташаббус билан чиқдилар.

Ушбу таълим муассасаси вилоят ҳокимлигига қарашли 162-қурилиш ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан қурилди. Шунингдек, қурилишга «Дўстлик», «Собир Раҳимов», «Ҳамза» ва «Абдулла Қаҳҳор» ширкат хўжаликлари ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар. Ушбу ҳудудда жойлашган «Дилкушод» ва «Қувватмурод» маҳаллалари эса мактаб атрофидаги ободончилик ишларига ёрдам бердилар.

Янги ўқув йилида ўқитувчилару ўқувчилар шодлигига сабаб бўлган ушбу ўқув маскани 190 млн. сўмлик маблағ билан қуриб битказилди ва унинг синфхоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан бойитилди. Ўқувчилар янги ўқув йилини янги мактабда давом эттирмоқда.

Суратларда: янги мактаб ташқи кўринишлари акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА УЙ ВАЗИФАСИНИНГ ЎРНИ

ёхуд унинг қай тарзда ва қанча миқдорда берилиши хусусида

Muhokama uchun mavzu

Таълим мазмунининг муҳим ва ажралмас жиҳатларидан бири умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига бериладиган уй вазифалари юкламасидир. Уй вазифаси жуда кўп ўрганилган масалалар сирасига киради. Чунончи, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг асосий босқичларидан бири бўлган уй вазифаси ҳозирги кун таълимида муаммо даражасига кўтарилди. Чунки ортиқча миқдордаги уй вазифаси ўқувчида ўқув материалларига қизиқишнинг йўқолишига, жисмоний ва ақлий чарчаш, бўш вақт ҳамда жамоатчилик фаолиятларида иштирок этишга хоҳиш бўлмаслик каби салбий таъсирларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Мактабларда ўқувчиларга уй вазифаси беришни фан ўқитувчисининг ўзи ҳал қилади. Агар ўқувчилар уй вазифаси билан кўмиб ташланар экан, унинг самарали бажарилишини кутиш қийин. Назаримда, ортиқча миқдордаги уй вазифаси ўқувчиларни ўқишга ундамайди, балки йироқлатади.

Ўқув жадвалидаги мавжуд ўқув фанининг барчасидан уй вазифа берилади. Бу ўқув фанларини бир неча ўқитувчи ўқитсада, берилган вазифаларни бир киши, яъни ўқувчининг ўзи бажаради. Деярли барча дарсликлар ўқувчининг қўлида бўлса ҳам аксарият фанлардан баъзи ўқитувчилар томонидан конспект ёзиш, дарсликдаги расмларни айнан қайта чизиб келиш, реферат ёзиш каби вазифалар топширилади. Бундан ташқари синфдаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси турлича бўлса-да, уларга бир хил типдаги уйга вазифалар берилади. Бундай топшириқлар болага нима беради? Ўқувчининг қўлида дарслик бўла туриб, уйга вазифа бериш шартмикан? Бизнингча, ўқувчиларнинг иқтидорини ҳисобга олган ҳолда уйга вазифа турли вариантларда берилиши лозим. Шунингдек, ўқув йили давомида бир хил турдаги уйга вазифалар ўқувчини зериктиради. Уй вазифани бола учун қизиқарли бўлган ўйин тарзидаги, амалий бажариладиган, ўқувчига нимадир берадиган вариантларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Уй вазифасидаги бундай муаммоларнинг олдини олиш учун ҳар бир фан бўйича қанча ва қачон уй вазифаси бериш тўғрисида умумий йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак. Бундай йўриқномаларсиз ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларни улгуриб бўлмайдиган иш билан банд қилиб қўядилар. Уй вазифаларини мувофиқлаштириш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳам юкламаларини камайтирган бўларди. Балки, кўп вақт билан оз уй вазифаси бажарилса, унинг самарадорлиги юқори даражада бўлишига эришиларди.

АҚШ таълим департаменти (1998) 4-6-синфлар учун бир кунлик уй вазифаси юкламаси 40 дақиқагача, 7-9-синфлар учун 2 соатгача бўлишини тавсия қилади. Республикамиз таълим тизимида эса бундай мувофиқлаштирувчи ҳужжат ишлаб чиқилмаган.

Маълумки, республикамиз умумий ўрта таълим мактабларининг I-XI-синфларида 10 тадан — 22 тагача ўқув фанлари мавжуд. I-IV-синфларда 10 та ўқув фани бўйича ҳар бир фандан ўртача 20 минутлик уй вазифаси берилса, бир кунлик ўтилган дарс вазифаларининг барчасини бажариш учун камида бир соат вақт сарфлайди. V-XI-синфларда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори. Юқори синфларда 20 та ўқув фани бўйича ҳар куни 6 соатдан дарс бўлганда ҳар бир фандан 25 минутлик уй вазифаси берилса, ўқувчи бир кунда 2 соату 30 минут вақт сарфлайди. Ваҳоланки, фан ўқитувчилари ўқувчиларга 20-25 минутлик уй вазифаси беришмайди. Бунга биргина мисол келтирмоқчиман. Масалан, 8-синф ўқувчисига география фанидан уйга дарсликда берилган харитани оқ қоғозга қайтадан чизиб келиш топширилган. Биргина шу топшириқни бажаришга ўқувчи 2 соатдан кўп вақт сарфлади. Савол туғилади: болада дарсликдаги харитани қайта кўчириб чизиш орқали қандай билим ва кўникма ҳосил бўлди. Дарс жадвалидаги бошқа ўқув фанларидан ҳам ўқувчи уйга топшириқ олган-ку! Тасаввур қилинг, уларнинг ҳар бирини бажаришга ҳам ўқувчи шунчадан вақт сарфласа, унинг бошқа юмушлар учун вақти қоладими?

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг уй вазифасини бажаришдан бош тортишига сабаб бўлган омиллар юқорида таъкидланганидек, турли фанлардан уй вазифалари миқдори ҳаддан ташқари кўп бўлса, унда уларда хоҳиш, қизиқиш йўқолади. Уй вазифасини бажаришга бўлган истакнинг йўқолмаслигига топшириқларнинг ҳам табиати, хилма-хиллиги таъсир кўрсатади. Уй вазифасининг тури агарда: анча қийин, анча осон, зерикарли, бир хил типда бўлса ёки мавзуга боғланмаган бўлса, ўқувчиларга қизиқарсиз бўлади.

Очиғини айтиш лозимки, ҳар бир фанни ўқитишда таълим бериш усуллари тез-тез муҳокама қилинса-да, уй вазифасига методик принципларни қандай қўллаш тўғрисида жуда кам маслаҳатлар берилади. Дарсликларда уй иши учун тузилган яхши материаллар кам бўлса, методик қўлланмаларда уни бажариш тўғрисида йўриқномалар берилмайди. Ҳозирги кунда уй вазифаси амалиётини қайта кўриб чиқиш муҳим масалага айланмоқда.

Мактабдаги таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар томонлама соғлом баркамол авлодни тарбиялаш экан, ўқувчига бўш вақт яратиш биз мутасаддиларнинг бурчимиздир.

Хуллас, мутахассислар, ота-оналар, кенг жамоатчилик ушбу муаммо юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қилиб қоламиз.

Комила УСМОНОВА,
РТМ бош методисти

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «2003 yil hosili paxta xom ashyosini saqlashni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarori matbuotda e'lon qilindi.

136 MILLIONLIK YORDAM

Jizzax engil sanoat kasb-hunar kollejiga Osiyo taraqqiyot banki ko'magi bilan so'nggi rusumdagi kompyuterlar, tele va audio apparaturalar, tikuv va to'quv mashinalaridan iborat 136 million so'mlik o'quv-ishlab chiqarish vositalari keltirildi.

(Davomi 2-betda)

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

ЮНИСЕФНИНГ «2003 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ МОНИТОРИНГИ» ТАДҚИҚОТИ 2-бет

ЎЗИГА БЕК БОҒЧА 3-бет

МАКТАБ ҚАНДАЙ БОЙИЙДИ? 3-бет

ОТАБЕК, КУМУШ ВА ЗАМОНАМИЗ ЁШЛАРИ 4-бет

АЖАЛ СЎҚМОҒИ 6-бет

БОЛАЛИКНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ 7-бет

«АГАТА» СКАНВОРДИ 8-бет

ДАФТАР ЮЗИ

АФИШАЛАР ТАХТАСИМИ?

Ta'kid

Умрнинг болалик деб аталувчи беғубор фаслидан жой олгучи ўқувчилик даври ўз-ўзидан "ўқув", "уқмоқ" маънолари билан чамбарчас боғланиб кетган. Назаримда, "беғубор" калимаси ҳам болалик сўзи билан бехудага ёнма-ён қўйилмайди. Демак, инсоннинг покиза дунёси ўқувчилик йилларида турли таъсирларда қайсидир жиҳатлардан равшанлашади, қайсидир маъноларда аксинча... Чунки, ўша "ўқув", "уқмоқ" одамзотнинг маънан шаклланиш, улғайиш паллаларига сингиб кетади. Бу даврда инсон сезиб сезмай ён атрофидаги муҳит, муносабатлардан умрининг бошқа фаслларидагига нисбатан кўпроқ андоза олиб озиқланади. Руҳан таъсирчан, эргашувчан бўлади. Амалдаги ҳолат, ҳаракатлар, кўз ўнгида гавдаланган борлиқ ундов сўздаги ҳар қандай чорловлардан кучлироқ, кўпроқ таъсир қилади... Зурриёдларимизнинг маънавий комиллиги ҳақида қуйинар эканмиз, четдан қараганда майда-чуйда, эътиборсиз туюлган ҳар бир нуқта ҳақида жиддий мушоҳада юритмоққа бурчлимиз... Қаламга олаётган мавзумиз ҳам ана шу фарз боис туғилгани рост. Эътибор берингa, ўқитувчи берилиб мавзуни тушунтираяпти. Дафтар-китобини ёпиб муаллиминнинг маърузасига қулоқ тутмоқчи бўлган йигитчанинг хаёлини эса дафтар муқовасидаги суратлар "ўғирлайди". У сезиб гоҳ "Киш сонатаси" гоҳ "Эсмеральда" кинонасиллари қаҳрамонлари ҳаётига "кириб" қоришиб боради: "... Нега қизи кетиб қолди? ... Йигит бошқачароқ йўл тутиши керакмиди?..." Миясида юз хил саволлар чарх уради. Орқароқдаги партада ўтирган ўқувчининг қўлига шу тоб ручка тушиб қолади. Секингина дафтари юзидаги қўшиқчи суратини янаям "чиройлироқ" қилмоқчи бўлади. Аввал қош кўзини, сўнгра лабларини бўяй бошлайди... Дарс эса давом этаверади... Хўшрўйгина қизалоқ ҳам нигоҳлари муаллимидаю ўғринча қараш билан дафтари муқовасидаги гўзал актирисага маҳлиё бўлади. Беихтиёр кокилларини бармоғига ўраб қўнғироқ қилишга тутинади. Бу ҳаракатлари ёнидаги дугонасини ҳам бефарқ қолдирмайди. "Пиқ" этган кулгудан бутун синф сергак тортгандек уларга қарайди.

Муҳтарам ўқитувчи, нозик-таъб, хаёллари ҳам боғдан-боғга учиб юрган ўқувчи, бу тахлит ҳолат сизларга бегона эмаслигига аминман! Хўш, болаларнинг хаёлини, дарснинг боришини ким бузди. Дафтарлар муқовасини хилма хил рангдор суратлар билан безаш маънавиятимизга қандай хизмат қилади? Таълим-тарбия тизимига-чи? Дафтарлар юзига турли фильм қаҳрамонлари, кино юлдузлари, санъаткорлар суратини қўйиш билан қандай мантиқ кўзда тутилган? Дафтар — ўқувчининг ҳар нафас қўлига олгувчи ўқув қуроли. У бундайин суратлар билан ҳар он юзлашиб, фикрат дунёсидан улар учун жой ажратиб туриши шартми?!.

Унинг ўрнига буюк аждодларимизнинг суратлари, уларнинг ибратли, билим олишга чорловчи сўзлари битилса бўлади-ку! Хотирамга муҳрланиб қолган: дафтаримнинг бир бурчагига F.Ғуломнинг оддийгина расми ёнига "Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, Билиб қўйки, сени Ватан кутади" деган шеърий байтлари ёзилган бўлар эди. Бу мисралар дилимни ғурурга тўлдирар, ҳар ўқиганимда ўзимда ўқишга, изланишга рағбат сезардим. Бугун эса саҳна учун ясан қилиб, бўяниб, тараниб аж-набийча кийиниб туширилган суратлар учун дафтар муқоваси афишалар тахтаси бўлиб хизмат қилмаяптимикан?! Бу тахлит безатилган муқовалар учун кетган харажат ичидаги варақларидан ошиб тушиши шаксиз. Қарабсизки, дафтар фалон пул! Гап фақат нарх-навода эмас. Сўзимиз бошида қайд этганимиздек, бу суратлар болаларнинг руҳиятига қандай таъсир этиши асосий мунозараталаб масаладир.

Санъат, адабиёт аҳлининг ўқувчилар билан яқинлашиши албатта, жуда яхши. Лекин бу муносабатни жуда гўзал кўринишларда олиб бориш мумкин. Шу ўринда яна бир гап. Бугун маълум маънода камолот поғонасига етган, эл-юрт ҳурматини қозонган кишилар билан улар таҳсил олган мактабларда учрашувлар ўтказиш ҳамма жойда ҳам эътиборга олинаяптими? Жойларда "хизмат кўрсатган" унвонини олишга мушарраф бўлган турли касб эгалари кам эмас. Инсон маънавиятига хизмат қилувчи таъсирли Сўз айта олиб, юракларни ҳаяжонга сола олувчи ёки туриш-турмуши билан ёшларга мактаб бўла олувчи зотлар хизматидан мактаб таълим-тарбиясида фойдалана олаяпмиз, десак айрим жойларда қуруқ гапга айланиб қолади. Ўқитувчи, синф раҳбарлари бу борада бир кўприк мисол қалблардан қалбларга йўл очмоққа бурчли.

Ўқувчи ҳамон бола. Қайси томонга бурсангиз эгилувчи бир ниҳол. Ўқитувчи бир боғбон мисол уни тўғри парваришлаши, қалб меҳри билан турли шамоллардан асраши зарур. Ўқувчи ҳамма нарсадан андоза олувчи ўз номи билан ўқувчи! Унинг қалбига фақат покиза туйғуларни, нигоҳларига ўзбекона, оддий улуғворликни ҳадя этайлик.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

O'qituvchi yon daftariga

QUYOSH ENERGIYASI

Avstraliyaning "Envayromishn" energetika kompaniyasi dunyodagi eng ulkan quyoshli minorani barpo etish niyatida, 2006 yilda tayyor bo'lishi rejalashtirilayotgan ushbu tajriba ikki yuz mingdan ortiq uylarni energiya bilan ta'minlashi mumkinligi ta'kidlanmoqda.

QISQARISH KUZATILMOQDA

Antarktida qit'asi tepasidagi, 2000 yilda eng rekord daraja — 30 million kvadrat kilometrga kengaygan ozon teshigi qisqarib borayotganligi kuzatilmoqda. O'tgan yili ozon teshigi 29, bu yil esa 27 million kvadrat kilometrgacha qisqargan.

MA'LUMOT VA VAZN

Italiyalik shifokorlar o'tkazgan tadqiqot qiziq bir holatni ta'kidlaydi: o'qimagan ayollar vazni ma'lumotli ayollar vazniga qaraganda og'irroq bo'lar ekan. Yana aytilishicha, ayollar 50 yoshgacha semirishlari mumkin va undan keyin ular vaznida o'zgarish deyarli kuzatilmas ekan.

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 15-oktabr, chorshanba | № 83 (7588)

Da'vat

Kitob har qanday bilimning joni va yuragi, har qanday fanning ibtidosidir.

Stefan SVEYG

Ibrat

Olot tumanida yashovchi tadbirkor M.Sharipov o'z hisobidan Chorbog' qishloq fuqarolar yig'ini hududida bolalar uchun sport majmuasi qurib berdi.

ҲАМКОРЛИКДА МАКТАБ ҚУРИЛДИ

Ушбу янги ўқув йилида Хўжаобод туманининг «Дўстлик» ширкат хўжалигида 320 ўринли янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими мутасаддилари тумандаги 32-мактабнинг эски ҳолатини кўришгач, янги мактаб қуриш ҳақидаги ташаббус билан чиқдилар.

Ушбу таълим муассасаси вилоят ҳокимлигига қарашли 162-қурилиш ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан қурилди. Шунингдек, қурилишга «Дўстлик», «Собир Раҳимов», «Ҳамза» ва «Абдулла Қаҳҳор» ширкат хўжаликлари ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар. Ушбу ҳудудда жойлашган «Дилкушод» ва «Қувватмурод» маҳаллалари эса мактаб атрофидаги ободончилик ишларига ёрдам бердилар.

Янги ўқув йилида ўқитувчилару ўқувчилар шодлигига сабаб бўлган ушбу ўқув маскани 190 млн. сўмлик маблағ билан қуриб битказилди ва унинг синфхоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан бойитилди. Ўқувчилар янги ўқув йилини янги мактабда давом эттирмоқда.

Суратларда: янги мактаб ташқи кўринишлари акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЮНИСЕФНИНГ «2003 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ МОНИТОРИНГИ» ТАДҚИҚОТИ 2-бет

ЎЗИГА БЕК БОҒЧА 3-бет

МАКТАБ ҚАНДАЙ БОЙИЙДИ? 3-бет

ОТАБЕК, КУМУШ ВА ЗАМОНАМИЗ ЁШЛАРИ 4-бет

АЖАЛ СЎҚМОҒИ 6-бет

БОЛАЛИКНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ 7-бет

«АГАТА» СКАНВОРДИ 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «2003 yil hosili paxta xom ashyosini saqlashni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarori matbuotda e'lon qilindi.

136 MILLIONLIK YORDAM

Jizzax engil sanoat kasb-hunar kollejiga Osiyo taraqqiyot banki ko'magi bilan so'nggi rusumdagi kompyuterlar, tele va audio apparaturalar, tikuv va to'quv mashinalaridan iborat 136 million so'mlik o'quv-ishlab chiqarish vositalari keltirildi.

(Davomi 2-betda)

Muhokama uchun mavzu

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА УЙ ВАЗИФАСИНИНГ ЎРНИ

ёхуд унинг қай тарзда ва қанча миқдорда берилиши хусусида

Таълим мазмунининг муҳим ва ажралмас жиҳатларидан бири умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига бериладиган уй вазифалари юкламасидир. Уй вазифаси жуда кўп ўрганилган масалалар сирасига киради. Чунончи, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг асосий босқичларидан бири бўлган уй вазифаси ҳозирги кун таълимида муаммо даражасига кўтарилди. Чунки ортиқча миқдордаги уй вазифаси ўқувчида ўқув материалларига қизиқишнинг йўқолишига, жисмоний ва ақлий чарчаш, бўш вақт ҳамда жамоатчилик фаолиятларида иштирок этишга хоҳиш бўлмаслик каби салбий таъсирларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Мактабларда ўқувчиларга уй вазифаси беришни фан ўқитувчисининг ўзи ҳал қилади. Агар ўқувчилар уй вазифаси билан кўмиб ташланар экан, унинг самарали бажарилишини кутиш қийин. Назаримда, ортиқча миқдордаги уй вазифаси ўқувчиларни ўқишга ундамайди, балки йироқлатади.

Ўқув жадвалидаги мавжуд ўқув фанининг барчасидан уй вазифа берилади. Бу ўқув фанларини бир неча ўқитувчи ўқитсада, берилган вазифаларни бир киши, яъни ўқувчининг ўзи бажаради. Деярли барча дарсликлар ўқувчининг қўлида бўлса ҳам аксарият фанлардан баъзи ўқитувчилар томонидан конспект ёзиш, дарсликдаги расмларни айнан қайта чизиб келиш, реферат ёзиш каби вазифалар топширилади. Бундан ташқари синфдаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси турлича бўлса-да, уларга бир хил типдаги уйга вазифалар берилади. Бундай топшириқлар болага нима беради? Ўқувчининг қўлида дарслик бўла туриб, уйга вазифа бериш шартмикан? Бизнингча, ўқувчиларнинг иқтидорини ҳисобга олган ҳолда уйга вазифа турли вариантларда берилиши лозим. Шунингдек, ўқув йили давомида бир хил турдаги уйга вазифалар ўқувчини зериктиради. Уй вазифани бола учун қизиқарли бўлган ўйин тарзидаги, амалий бажариладиган, ўқувчига нимадир берадиган вариантларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Уй вазифасидаги бундай муаммоларнинг олдини олиш учун ҳар бир фан бўйича қанча ва қачон уй вазифаси бериш тўғрисида умумий йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак. Бундай йўриқномаларсиз ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларни улгуриб бўлмайдиган иш билан банд қилиб қўядилар. Уй вазифаларини мувофиқлаштириш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳам юкламаларини камайтирган бўларди. Балки, кўп вақт билан оз уй вазифаси жарилса, унинг самарадорлиги юқори даражада бўлишига эришиларди.

АҚШ таълим департаменти (1998) 4-6-синфлар учун бир кунлик уй вазифаси юкламаси 40 дақиқагача, 7-9-синфлар учун 2 соатгача бўлишини тавсия қилади. Республикамиз таълим тизимида эса бундай мувофиқлаштирувчи ҳужжат ишлаб чиқилмаган.

Маълумки, республикамиз умумий ўрта таълим мактабларининг I-XI-синфларида 10 тадан — 22 тагача ўқув фанлари мавжуд. I-IV-синфларда 10 та ўқув фани бўйича ҳар бир фандан ўртача 20 минутлик уй вазифаси берилса, бир кунлик ўтилган дарс вазифаларининг барчасини бажариш учун камида бир соат вақт сарфлайди. V-XI-синфларда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори. Юқори синфларда 20 та ўқув фани бўйича ҳар куни 6 соатдан дарс бўлганда ҳар бир фандан 25 минутлик уй вазифаси берилса, ўқувчи бир кунда 2 соату 30 минут вақт сарфлайди. Ваҳоланки, фан ўқитувчилари ўқувчиларга 20-25 минутлик уй вазифаси беришмайди. Бунга биргина мисол келтирмоқчиман. Масалан, 8-синф ўқувчисига география фанидан уйга дарсликда берилган харитани оқ қоғозга қайтадан чизиб келиш топширилган. Биргина шу топшириқни бажаришга ўқувчи 2 соатдан кўп вақт сарфлади. Савол туғилади: болада дарсликдаги харитани қайта кўчириб чизиш орқали қандай билим ва кўникма ҳосил бўлди. Дарс жадвалидаги бошқа ўқув фанларидан ҳам ўқувчи уйга топшириқ олган-ку! Тасаввур қилинг, уларнинг ҳар бирини бажаришга ҳам ўқувчи шунчадан вақт сарфласа, унинг бошқа юмушлар учун вақти қоладими?

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг уй вазифасини бажаришдан бош тортишига сабаб бўлган омиллар юқорида таъкидланганидек, турли фанлардан уй вазифалари миқдори ҳаддан ташқари кўп бўлса, унда уларда хоҳиш, қизиқиш йўқолади. Уй вазифасини бажаришга бўлган истакнинг йўқолмаслигига топшириқларнинг ҳам табиати, хилма-хиллиги таъсир кўрсатади. Уй вазифасининг тури агарда: анча қийин, анча осон, зерикарли, бир хил типда бўлса ёки мавзуга боғланмаган бўлса, ўқувчиларга қизиқарсиз бўлади.

Очиғини айтиш лозимки, ҳар бир фанни ўқитишда таълим бериш усуллари тез-тез муҳокама қилинса-да, уй вазифасига методик принципларни қандай қўллаш тўғрисида жуда кам маслаҳатлар берилади. Дарсликларда уй иши учун тузилган яхши материаллар кам бўлса, методик қўлланмаларда уни бажариш тўғрисида йўриқномалар берилмайди. Ҳозирги кунда уй вазифаси амалиётини қайта кўриб чиқиш муҳим масалага айланмоқда.

Мактабдаги таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар томонлама соғлом баркамол авлодни тарбиялаш экан, ўқувчига бўш вақт яратиш биз мутасаддиларнинг бурчимиздир.

Хуллас, мутахассислар, ота-оналар, кенг жамоатчилик ушбу муаммо юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қилиб қоламиз.

Комила УСМОНОВА,
РТМ бош методисти

Ta'kid

ДАФТАР ЮЗИ

АФИШАЛАР ТАХТАСИМИ?

Умрнинг болалик деб аталувчи беғубор фаслидан жой олгучи ўқувчилик даври ўз-ўзидан "ўқув", "уқмоқ" маъноларидан чамбарчас боғланиб кетган. Назаримда, "беғубор" калимаси ҳам болалик сўзи билан бехудага ёнма-ён қўйилмайди. Демак, инсоннинг покиза дунёси ўқувчилик йилларида турли таъсирларда қайсидир жиҳатлардан равшанлашади, қайсидир маъноларда аксинча... Чунки, ўша "ўқув", "уқмоқ" одамзотнинг маънан шаклланиш, улғайиш паллаларига сингиб кетади. Бу даврда инсон сезиб сезмай ён атрофидаги муҳит, муносабатлардан умрининг бошқа фаслларидагига нисбатан кўпроқ андоза олиб озиқланади. Руҳан таъсирчан, эргашувчан бўлади. Амалдаги ҳолат, ҳаракатлар, кўз ўнгида гавдаланган борлиқ ундов сўздаги ҳар қандай чорловлардан кучлироқ, кўпроқ таъсир қилади... Зурриёдларимизнинг маънавий комиллиги ҳақида куйинар эканмиз, четдан қараганда майда-чуйда, эътиборсиз туюлган ҳар бир нуқта ҳақида жиддий мушоҳада юритмоққа бурчлимиз... Қаламга олаётган мавзумиз ҳам ана шу фарз боис туғилгани рост. Эътибор берингa, ўқитувчи берилиб мавзуни тушунтираяпти. Дафтар-китобини ёпиб муаллимининг маърузасига қулоқ тутмоқчи бўлган йигитчанинг хаёлини эса дафтар муқовасидаги суратлар "ўғирлайди". У сезиб гоҳ "Қиш сонатаси" гоҳ "Эсмеральда" киносериаллари қаҳрамонлари ҳаётига "кириб" қоришиб боради: "... Нега қизи кетиб қолди? ... Йигит бошқачароқ йўл тутиши керакмиди?..." Миясида юз хил саволлар чарх уради. Орқароқдаги партада ўтирган ўқувчининг қўлига шу тоб ручка тушиб қолади. Секингина дафтари юзидаги қўшиқчи суратини янаям "чиройлироқ" қилмоқчи бўлади. Аввал қош кўзини, сўнгра лабларини бўяй бошлайди... Дарс эса давом этаверади... Хўшрўйгина қизалоқ ҳам нигоҳлари муаллимидаю ўғринча қараш билан дафтари муқовасидаги гўзал актрисага маҳлиё бўлади. Беихтиёр кокилларини бармоғига ўраб қўнғироқ қилишга тутинади. Бу ҳаракатлари ёнидаги дугонасини ҳам бефарқ қолдирмайди. "Пиқ" этган кулгдан бутун синф сергак тортгандек уларга қарайди.

Муҳтарам ўқитувчи, позиктаъб, хаёллари ҳам боғдан-боғга учиб юрган ўқувчи, бу тахлит ҳолат сизларга бегона эмаслигига аминман! Хўш, болаларнинг хаёлини, дарснинг боришини ким бузди. Дафтарлар муқовасини хилма хил рангдор суратлар билан безаш маънавиятимизга қандай хизмат қилади? Таълим-тарбия тизимига-чи? Дафтарлар юзига турли фильм қаҳрамонлари, кино юлдузлари, санъаткорлар суратини қўйиш билан қандай мантиқ кўзда тутилган? Дафтар — ўқувчининг ҳар нафас қўлига олгувчи ўқув қуроли. У бундайин суратлар билан ҳар он юзлашиб, фикрат дунёсидан улар учун жой ажратиб туриши шартми?!.

Унинг ўрнига буюк аждодларимизнинг суратлари, уларнинг ибратли, билим олишга чорловчи сўзлари битилса бўлади-ку! Хотирамга муҳрланиб қолган: дафтаримнинг бир бурчагига F.Ғуломнинг оддийгина расми ёнига "Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, Билиб қўйки, сени Ватан кутади" деган шеърий байтлари ёзилган бўлар эди. Бу мисралар дилимни ғурурга тўлдирар, ҳар ўқиганимда ўзимда ўқишга, изланишга рағбат сезардим. Бугун эса саҳна учун ясан қилиб, бўяниб, тараниб аж-набийча кийиниб туширилган суратлар учун дафтар муқоваси афишалар тахтаси бўлиб хизмат қилмаяптимикан?! Бу тахлит безатилган муқовалар учун кетган харажат ичидаги варақларидан ошиб тушиши шаксиз. Қарабсизки, дафтар фалон пул! Гап фақат нарх-навода эмас. Сўзимиз бошида қайд этганимиздек, бу суратлар болаларнинг руҳиятига қандай таъсир этиши асосий мунозараталаб масаладир.

Санъат, адабиёт аҳлининг ўқувчилар билан яқинлашиши албатта, жуда яхши. Лекин бу муносабатни жуда гўзал кўринишларда олиб бориш мумкин. Шу ўринда яна бир гап. Бугун маълум маънода камолот поғонасига етган, эл-юрт ҳурматини қозонган кишилар билан улар таҳсил олган мактабларда учрашувлар ўтказиш ҳамма жойда ҳам эътиборга олинаяптими? Жойларда "хизмат кўрсатган" унвонини олишга мушарраф бўлган турли касб эгалари кам эмас. Инсон маънавиятига хизмат қилувчи таъсирли Сўз айта олиб, юракларни ҳаяжонга сола олувчи ёки туриш-турмуши билан ёшларга мактаб бўла олувчи зотлар хизматидан мактаб таълим-тарбиясида фойдалана олаяпмиз, десак айрим жойларда қуруқ гапга айланиб қолади. Ўқитувчи, синф раҳбарлари бу борада бир кўприк мисол қалблардан қалбларга йўл очмоққа бурчли.

Ўқувчи ҳамон бола. Қайси томонга бурсангиз эгилувчи бир ниҳол. Ўқитувчи бир боғбон мисол уни тўғри парваришлаши, қалб меҳри билан турли шамоллардан асраши зарур. Ўқувчи ҳамма нарсадан андоза олувчи ўз номи билан ўқувчи! Унинг қалбига фақат покиза туйғуларни, нигоҳларига ўзбекона, оддий улуғворликни ҳадя этайлик.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat»нинг
махсус мухбири

O'qituvchi yon daftariga

QUYOSH ENERGIYASI

Avstraliyaning "Envayromishn" energetika kompaniyasi dunyodagi eng ulkan quyoshli minorani barpo etish niyatida, 2006 yilda tayyor bo'lishi rejalashtirilayotgan ushbu tajriba ikki yuz mingdan ortiq uylarni energiya bilan ta'minlashi mumkinligi ta'kidlanmoqda.

QISQARISH KUZATILMOQDA

Antarktida qit'asi tepasidagi, 2000 yilda eng rekord daraja — 30 million kvadrat kilometrga kengaygan ozon teshigi qisqarib borayotganligi kuzatilmoqda. O'tgan yili ozon teshigi 29, bu yil esa 27 million kvadrat kilometrgacha qisqargan.

MA'LUMOT VA VAZN

Italiyalik shifokorlar o'tkazgan tadqiqot qiziq bir holatni ta'kidlaydi: o'qimagan ayollar vazni ma'lumotli ayollar vazniga qaraganda og'irroq bo'lar ekan. Yana aytilishicha, ayollar 50 yoshgacha semirishlari mumkin va undan keyin ular vaznida o'zgarish deyarli kuzatilmas ekan.

YUNISEF ma'lumotlariga ko'ra, O'zbekistonda yalpi ichki mahsulotning amaldagi o'sishi 2002 yilda 1989 yilga nisbatan 106,8 foiz (MDH mamlakatlari orasida eng yuqori ko'rsatkich)ni tashkil etdi.

Bo'lg'usi kadr ma'lum ixtisoslikning nazariy jihatlarini kollejda o'rgansa, buning davomi, ya'ni amaliy qismi katta-kichik mehnat jamoalarida namoyon bo'ladi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

KONFERENSIYA

Navoiy davlat pedagogika institutida buyuk alloma Abduxoliq G'ijduvoniy tavalludining 900 yilligiga bag'ishlangan ilmiy-nazariy konferensiya bo'lib o'tdi.

GULLAR KO'RGAZMASI

O'zbekiston Badiiy akademiyasi Markaziy ko'rgazmalar zalida «Landshaft dizayni. Kuz—2003» gullar ko'rgazmasi tashkil etildi.

XALQARO ANJUMAN

Toshkent pediatriya tibbiyot institutida «Bolalar gastroenterologiyasi: bugun va kelajak» mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman bo'lib o'tdi.

IQTISODIY LUG'AT

Iqtisodiy tadqiqotlar markazi tomonidan iqtisodiy ta'lim va rivojlanish loyihasi doirasida ko'p ishlatiladigan besh mingga yaqin iqtisodiy atama hamda iborani o'z ichiga olgan «Iqtisodiy atamalarning o'zbek, rus va ingliz tilidagi lug'ati» chop etildi.

TAQDIMOT

Andijonda AQShlik professor Ros Kempbellning «Agar bolangizni chinakam sevsangiz» kitobining AndDU kafedra mudiri Abdulhay Sobirov tarjimasida o'zbek tilidagi nashri taqdimoti o'tkazildi.

ЮНИСЕФНИНГ "2003 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ МОНИТОРИНГИ" ТАДҚИҚОТИ

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилди.

Тадқиқотда 8 мамлакатнинг тарқалиб кетиши ва уларнинг ҳудудида 27 янги давлатнинг пайдо бўлиши жараёнида улар мураккаб иқтисодий буҳронлар ва низоларни, ижтимоий соҳада мисли кўрилмаган муаммоларни бошидан кечиргани ва аҳолишунослик харитасида ўзгаришлар рўй бергани таъкидланади.

Қиёсий статистик маълумотлар асосида нафақат макроиқтисодий ўзгаришлар суръати, балки амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий жиҳатига ҳам баҳо берилган.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2002 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоиз (МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич)ни ташкил этди. Чехия ҳам худди шундай ўсишга эришган. Айни пайтда Молдовада бу кўрсаткич 38,4 фоиз, Россияда 64,3 фоиз, Қозоғистонда 85,6 фоизни ташкил этган.

90-йиллар охиридан бошлаб Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲнинг барча мамлакатларида миллий даромад ўсиши кузатилмоқда. Шу билан бирга Кавказорти мамлакатларида аҳоли жон бошига нисбатан даромаднинг ўсиш кўрсаткичлари энг пастлиги қайд этилган.

Бироқ, айрим мамлакатларда иқтисодий ўсиш аҳоли ўртасида тенгсизликнинг кучайишига олиб келмоқда. "Жини" коэффициентини қўллаб тадқиқот ўтказган экспертлар Грузияда барча даромадлар аҳолининг ярмидан кам қисмида эканлигини, қолганлар тирикчилик учун ҳеч қандай маблағга эга эмаслигини аниқлади. ("Жини" коэффициентига кўра, агар аҳолининг барча қисми бир хил даромад қилса, "Жини" 0 га тенг, агар ҳамма даромадлар битта субъектнинг қўлида бўлса, "Жини" 1,0 га тенг. Ривожланган мамлакатларда "Жини" ўртача 0,25-0,35 га тенг бўлиб, бу энг мақбул кўрсаткич ҳисобланади).

Россия, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам Грузиядаги вазият юзага келган. Уларда "Жини" 0,512-0,514 даражада. (МДҲ мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткич).

Тадқиқотда аҳоли турмуш даражасида ҳақиқий ўзгаришни таъминлаш учун иқтисодий ислоҳотлар самарали ижтимоий сиёсат билан уйғун бўлиши лозимлиги таъкидланади.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар техник таълимига сарфланаётган давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқори.

Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида болалар, ёшлар, оила, оналик ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган махсус дастурлар ижросининг таъминланаётганлиги туфайли аҳолининг нисбатан ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

1. Ўзбекистонда туғилаётган болаларнинг атиги 4,7 фоизи 20 ёшгача бўлган оналарнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига нисбатан энг яхши кўрсаткичлардан биридир (Полшада - 7,0 фоиз, Венгрияда - 7,4 фоиз, Словакияда - 9,1 фоиз). МДҲ мамлакатларида бу кўрсаткич 8,8 фоиздан (Қирғизистон) 16,3 фоизгача (Молдова) ташкил этади.

2. Ўзбекистонда 20 ёшгача бўлган оналарнинг никоҳсиз бола туғиши Шарқий Европанинг кўпгина давлатларидагига нисбатан уч баробар, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондагидан икки баробар кам.

3. Ўзбекистонда гўдакларнинг ўлими кескин камайди, яъни илгари ҳар 1000 нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич истиқлол йилларида 18,3 нафаргача тушди. Бу Марказий Осиёда энг яхши кўрсаткичдир. Оналар ўртасида ҳам ўлимнинг кескин камайиши кузатилмоқда, яъни ҳар 100 минг ҳомиладор аёлдан 42,8 нафари туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмган бўлса, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида 33,5 нафаргача камайди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич Қозоғистонда 50, Қирғизистонда 43,8, Тожикистонда 45,4 нафарни ташкил этади.

4. Сўнгги 12 йилда Ўзбекистонда абортлар сони уч баробар камайиб, бугунги кунда ҳомилани сунъий туширишни Эстониядагидан 10 баробар, Россиядагидан 15 баробар, Қозоғистондагидан 6 баробар, Туркманистондагидан 2 баробар кам рўй бермоқда.

5. Ўзбекистонда ўлимнинг умумий даражаси 1000 кишига нисбатан 5,3 нафарни ташкил этади, бу Шарқий Европа давлатларидагидан ўртача икки марта, Европа мамлакатларидагидан уч марта кам демакдир.

6. Никоҳнинг бекор қилиниш даражаси сўнгги 12 йилда 1,5 баробар пасайиб, 100 та никоҳга нисбатан 9,2 ҳолатни ташкил этади, бу эса Чехия ва Беларусдагидан 6 марта, Россиядагидан 7,5 марта, Қозоғистондагидан 3 марта, Туркманистон ва Қирғизистондагидан икки марта камдир.

7. Ўзбекистонда мехрибонлик уйларида тарбияланаётганлар 100 минг кишига 34,8 бола тўғри келса, бу кўрсаткич Россия, Украина ва Қозоғистонда 10 баробар кўпдир.

8. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жиноятчиликнинг умумий даражаси учдан бирга камайиб, 2002 йилда 100 минг кишига нисбатан 298 ҳолатни ташкил этди. Шу даврда Россияда жиноятчилик икки баробар ўсди (100 минг кишига 2056 ҳолат тўғри келади). Украина, Молдова ва Қозоғистонда жиноятчилик даражаси Ўзбекистондагидан уч баробар юқори. Вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари Ўзбекистонга нисбатан Россияда 15 баробар, Украинада 10 баробар, Қозоғистонда эса 6 баробардан кўпроқдир.

9. Экологик муаммоларга қарамай, республикамизда сил касали тарқалишининг олди олинди. Қозоғистонда сўнгги 12 йил ичида силга чалинганлар сони икки баробар ўсиб, ҳар 100 минг кишининг 155,5 нафари ушбу касалликка дучор бўлган, Қирғизистонда эса бу касаллик қарийб уч баробар кўпайган, шунингдек, ЮНИСЕФ экспертлари Туркманистон ва Тожикистонда ҳам мазкур хавфли хасталикка учраганлар кўпайиб бораётганлигини қайд этган.

10. Мамлакатимизда 25-39 ёшдаги (энг лаёқатли ёш) эркаклар ўртасида ўлим даражаси МДҲ мамлакатлари ўртасида энг кам кўрсаткични ташкил этади. Россия, Беларус ва Қозоғистонда бундай ҳолат республикамиздагига нисбатан икки баробар кўпдир.

11. Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган соғлом янги авлод 10 миллион 924 минг кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Болгария, Молдова биздан 10 баробар, Венгрия, Чехия, Туркманистон, Қирғизистон 5 баробар, Тожикистон 3 баробар, Қозоғистон икки баробардан кўпроқ орқада. Мамлакат келажаги бўлган ёш фуқаролар сони бўйича биз Украинадан ўзиб кетдик.

(ЎзА)

КИТОБ ЁЗГАН ҚАДРЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти» танловини ўтказиб келмоқда. Бу йилги танловга ижтимоий-гуманитар, табиий-илмий ва ихтисослик фанлари бўйича жами 170 та дарслик ва ўқув адабиётлари келиб тушди. Уларнинг 89 таси олий ўқув юртлари, 56 таси ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва 15 таси умумий ўрта таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчилар томонидан тайёрланган. Мазкур адабиётлар саралаш ҳайъати томонидан 20 та номинация бўйича холисона баҳоланди ва энг кўп балл тўплаганлари уч таълим тури, тўртта фан блоки бўйича ғолиб сифатида тан олинди.

Мукофотли ўринлар қаторида умумий ўрта таълимдан 8 та, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан 11 та, олий таълимдан 21 та дарслик ва ўқув адабиётларини келтириш мумкин. Танлов ғолиблари 1, 2, 3-даражали дипломлар, тегишли пул мукофотлари билан тақдирландилар. Низомга кўра, дарслик ва ўқув қўлланмаси яратган муаллифлар илмий даража ҳамда фахрий унвонлар олишга муносиб.

Tanlov

Зеро, ўқув адабиётини ёзиш ва уни нашрга тайёрлаш осон кечадиган жараён эмас. Демак, китоб муаллифи унинг йўналиши, ҳажми, мазмунидан қатъи назар, халқ учун хизмат қилган ҳисобланади ва у иззат-икромга ҳам лойиқ.

Тантанали маросим Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таъсис этган «Йилнинг энг яхши маъруза матни» танлови ғолибларининг тақдирланишига уланиб кетди. Ғолибларга ҳар бир олий таълим муассасаси илмий кенгаши томонидан «ОЎЮда хизмат кўрсатган ўқитувчи (доцент ёки профессор)» фахрий унвони ҳам берилиши керак. Улар орасида инглиз, рус тилларида маърузалар матни яратган муаллифлар ҳам бор. Математика фанидан инглиз тилида маърузалар матнини яратган Тошкент давлат техника университети доценти Б.Тожибоев айтганидек: «Инглиз тили бўйича дунёда глобаллаштириш кетяпти. Талабалар инглиз, рус тилларини яхши ўзлаштирсалар, ахборотни кўпроқ ва кенгроқ оладилар».

Тақдимот сўнгида олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов танлов ғолибларини қутлар экан, ўзбек олимлари, профессор-ўқитувчиларининг китоблари ҳам интернетга киритилиб, дунёга тарқалиши қанчалар қувончли ҳол эканлигини, «Истеъдод» жамғармаси бу борада ҳамиша кўмак беришга тайёрлигини яна бир бор таъкидлади.

Азиз НОРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТАЪЛИМ БАРЧАГА БИРДЕК

Ўқитувчилик касби машаққатлидир. Сизнинг синфингизда 40 ва ундан ҳам кўпроқ ўқувчилар бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бири алоҳида шахс. Агар синфингизда ногирон ёки яшаш шароити ночор бўлган болалар мавжуд бўлса, бу сизнинг янада кўпроқ меҳнат ва куч сарфлашингизга олиб келади.

Жисмоний, сезиш ёки интеллектуал нуқсонлари бўлган болалар таълим олишда, жамоа ҳаётида иштирок этишда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Улар ташқи кўринишлари бошқаларникига ўхшамаслигидан ўкинишади ва кўпчиликдан тортиниб уйларидан чиқмасликни афзал кўришлари мумкин. Табиийки бундай ҳолат болаларнинг билим олиши, ўсиб-улғайиши, камол топиши учун тўсиқ бўлади. Маҳаллий мактабларга қатнаб ўқиш эса барча болаларда жамиятнинг чин аъзоси бўлишига ишонч уйғотади.

Имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим мактабларида ўқиши учун алоҳида таълим дастурларини ишлаб чиқиш керак.

— Бу жараёнга ота-оналарни жалб қилиш лозим, чунки, улар биринчи ўринда фарзандининг бошқа барча болалар каби таълим олиши мумкинлигини англаб етсинлар.

— Бир синфда икки нафардан ортиқ имконияти чекланган бола бўлмаслиги керак, бу ўқитувчига оғирлик қилади.

— Синфда 40 нафар бола бўлгандан кейин махсус таълимга муҳтож болага алоҳида эътибор керак бўлади, натижада қолган болалар дарсни тушунмасдан қолиши мумкин.

Мана шундай фикрлар асосида, суҳбат, тренинг, баҳс-мунозара каби турли кўринишларда уч кун давом этган республика семинари куни кеча Республика таълим марказида бўлиб ўтди.

Республика таълим маркази ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорлик лойиҳасига кўра ўтказилган "Ногирон болаларни инклюзив таълимга жалб этиш" мавзусидаги мазкур республика семинарида малака ошириш институтлари ўқитувчилари, махсус ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, ташкис маркази вакиллари, имконияти чекланган болалар билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар. Уч кун давом этган семинар чоғида иштирокчилар инклюзив таълим йўналишидаги янги услублар билан танишишди, хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиб, таҳлил қилишди ҳамда Ўзбекистонда бу борада мавжуд тажрибаларни умумлаштирдилар. Анжуманда Таълим маркази қошидаги Ресурс маркази координатори, таълим маркази махсус таълим бўлими бошлиғи Р. Шомақсудова, ЮНЕСКО ваколатхонасининг таълим бўйича вакили К. Каримов, Вокайто университети профессори, ЮНЕСКО эксперти жаноб Д. Митчеллар инклюзив таълим йўналишидаги халқаро тажрибалар ва имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим мактабларида таълим олишида дуч келинадиган муаммолар борасида фикр алмашдилар.

— Мақсадимиз —таълим ҳамма учун халқаро миллий ҳаракат дастури асосида имконияти чекланган болаларни таълимга жалб қилиш билан бир қаторда уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, тиббий, техникавий ва коррекцион (тузатишга оид) ташкилий ва услубий ишларни жойларда тарғибот қилиш, ота-оналар томонидан оилада боланинг илк ёшдан нуқсонини аниқлаш, тегишли мутахассисларга мурожаат қилиб, мактабга тайёрлаш ишларини олиб боришдир. Қисқа қилиб айтганда, биронта ногирон бола таълимдан четда қолмаслиги керак,— дейди Рихсинисо Шомақсудова.

Мазкур семинар республикада инклюзив таълимни тадбиқ этишда ва миллий дастур ғояларини тарғиб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Taqriz

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ЁКИ ЯНГИ МОНОГРАФИЯ ҲАҚИДА

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти сари одимланаётган жараёнда юз бераётган ўзгаришлар ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини бунга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади.

Сўз, олдимиздаги ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа очиқ ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш тўғрисида боряпти. Ҳар бир фуқарони, айниқса, ёшларни очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг фаол иштирокчисига айлантириш, уларни ўқитиш ва тайёрлашга мўлжалланган илмий асарларнинг яратилишини тақозо этарди. Афсуски, фуқаролик жамияти тўғрисидаги бундай илмий-назарий, оммабоп рисола бугунга қадар кам эди. Олий мактаб тизимида қирқ йилдан кўпроқ фаолият кўрсатиб келаётган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, академик М.Шарифхўжаев томонидан **"Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш"** номли биринчи ва мукаммал монография давлат тилида тайёрланиб, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида 2003 йилда чоп этилди. Монография Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи туб ислоҳотларнинг пировард натижасини таҳлил этади. Очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ туб ислоҳий жараёнларни ретроспектив ва перспектив йўналишларда типологик умумлаштиради.

Монографиядаги янгиликлар, хусусиятларни кўриш учун яхшиси келинг, уни биргалашиб варақлаймиз. Мазкур китобнинг икки бўлим, ўн тўртта бобни ўз ичига олгани унинг ноанъанавийлигидан дарак беради.

Бобларо кетма-кетлик, мавзуларо мантиқий боғланиш фуқаролик жамиятининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини янада ойдинлаштирган, уни ҳаётга татбиқ этиш борасида механизм ва услубиётлар ҳақида тушунчалар беришга ҳаракат қилинган.

Биринчи бўлим "Фуқаролик жамияти" (Назарий-тарихий талқин) деб номланган бўлиб, унда "Фуқаролик жамияти — инсон социуминнинг мустақил тизими" (I-боб), "Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари" (II-боб), "Фуқаролик жамиятида ҳокимият ва давлат қурилиши" (III-боб), "Ҳуқуқий давлат моҳияти" (IV-боб), "Ижтимоий тараққиёт устуворлиги" (V-боб), "Фуқаролик жамияти очиқ жамият" (VI-боб) ва "Сиёсий тизим ва сиёсий етакчи" (VII-боб) деб номланган боблар ўз илмий-назарий ечимларини топган.

Мазкур бўлимда фуқаролик жамияти тушунчаси, давлат ва жамият, фуқаро ва фуқаролик, жамият ва фуқаролик жамияти, унинг асосий белгилари, хусусан бундай жамиятнинг сиёсий ва маънавий асослари хусусида чуқур фалсафий мулоҳазалар юритилади.

Муаллиф иқтисодчи олим сифатида асосий эътиборни фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларига қаратади. Чунки, одамларда мулкдорлик ҳиссини тарбиялаш, мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш тоталитар тузумдан озод демократик жамиятга ўтаётган ҳар қандай давлат учун қийин кечишини биз ўз ва жаҳон халқлари тажрибасидан кўриб турибмиз. Муаллиф айни муаммони бугунги ислоҳотлар контекс-тида таҳлил қилади.

Китобнинг иккинчи бўлими: "Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари олис йўл", деб аталган. Унда "Мутафаккир тарих" (I-боб), "Социализмнинг боши берк кўчаси" (II-боб), "Мустақилликнинг дастлабки ўн икки йили ислоҳотлари" (III-боб), "Конституциявий давлатчилик — фуқаролик жамияти асоси" (IV-боб), "Ислоҳотларнинг "ўзбек модели" ва эркинлаштириш имкониятлари" (V-боб), "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари: назария ва амалиёт" (VI-боб) ва "Биринчи Президент" (VII-боб) деб номланган боблар ўрин олган.

Бу қисмда ҳали шу пайтгача фуқаролик жамиятига бағишланган адабиётларда учрамаган янгилик — тезаурус берилган. Тезаурусда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари еттита устувор мақсад-вазифалар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий нуқтаи-назардан илмий асосда ёритилган.

Китобнинг иккинчи қисмида фуқаролар жамияти билан боғлиқ янги, инновацион тушунчаларнинг киритилиши ва изоҳланиши ўта муҳим ижтимоий педагогик ютуқ ҳисобланади. Зеро, тушунчаларнинг ўзгариши — ижтимоий фикрнинг янгиланишига, бу эса — тафаккурнинг янгиланишига, тафаккур ўзгаришидан жамиятда инқилобий ўзгаришлар ясалишига олиб келади.

Учинчидан, китобнинг тили, муаммони ёритиш услубини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда ҳар биримиз гувоҳ бўлаётган ва иштирок этаётган фуқаролик жамиятининг шаклланиш тарихи, илмий-назарий асослари равон баён этилган. Услубда илмийлик, бадиийлик, жозиба муштарак.

Тўртинчидан, китоб ҳозирги кунда Ўзбекистон халқи олдида турган ҳаётий муаммоларни юракдан ҳис этадиган фидоий олим томонидан ёзилгани сезилиб турибди. Муаллиф мамлакатимизнинг эзгу мақсади бўлмиш очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши, уни рўёбга чиқаришдек олийжаноб интилишлар самара келтиришига ишонади.

Китоб таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ривожланишига қизиқадиган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ўйлаймизки, ушбу монография Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши бўйича яратилаётган асарлар қаторидан муносиб жой олади ва у оммаларнинг, айниқса, ёшларнинг билим савиясини оширишга, уларнинг очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги фаолиятига хизмат қилади.

Ё.АБДУЛЛАЕВ,
Ф.КАРИМОВ,
Тошкент Молия институти профессорлари

ИЛК БИТИРУВЧИЛАР ЎЗ СОҲАЛАРИДА

Киши касб-ҳунар эгалламас экан, ҳаётда қоқилиши турган гап. Айниқса, халқимиз йигит кишининг касб-ҳунар эгаллашига катта аҳамият беради. Негаки, у келажакда жамиятга хизмат қилиш билан бирга оиласини ҳам боқиши лозим.

Ана шу мақсадда очилган касб-ҳунар коллежлари пойтахтимизда ҳам анчагина. Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи айрим таълим даргоҳлари сингари мослаштирилган бинода эмас, балки бутунлай замонавий, меъморчиликнинг энг сўнгги анъаналари асосида қурилган янги иншоотда иш бошлади. У очилган 2000 йилда 160 нафар бола қабул қилинган бўлса, кейинчалик йилма-йил ўринлар кўпайтирилиб, ҳозирги вақтда талабалар сони 1500 нафарга етди.

Касб-ҳунар коллежлари ҳақида гапирилганда, уларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ жиҳатлари хусусида суриштирилади. Бу, табиий. Чунки, ҳунар ўрганаётган талабанинг тақдири келажакда худди шундай муассасалар билан боғланиб кетади.

Kasb hunar kolleji + ishlab chiqarish

Тилга олганимиз, юқоридаги коллежда заргарлик, тикувчилик, наққошлик, ўймакорлик, газ таъминоти, ҳисобчилик, умумий қурилиш, дурадгорлик йўналишлари бўйича ўқувчилар 9—11-синф маълумоти бўйича қабул қилинади. Коллеж раҳбарияти таълимни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш масаласига биринчи галда эътибор бериб келаяпти. Буни қандай ва нимадан ташкил этиш керак, деган саволга кўп ҳам ўйланиб ўтирилмади. Бунинг учун айнан шундай йўналишдаги ишлаб чиқариш даргоҳларига мурожаат қилиш лозим эди.

Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида «Фанон», «Малика», «Юлдуз», «Тонг», 12-қурилиш трести, «Уста мусаввир» номи билан юритилувчи бир қанча ҳиссадорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. Коллеж раҳбариятининг таклифлари бу жамиятлар томонидан ижобий қабул қилинди. Шундай қилиб, икки томонлама бир нечта шартномалар 2005 йилга қадар тузилгач, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлана бошлади. Беш йил муддатга тузилган шартномада коллеж билан ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳар томонлама алоқа ўрнатиши ўз аксини топган. Хусусан, кадрларнинг иш билан таъминланиши, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил қилиш, ишчилар билан талабалар учрашувини уюштириш ва ҳоказо.

2003 йилда қурилиш ва миллий ҳунармандчилик йўналишидаги бу коллежни 160 нафар йигит-қиз битириб, диплом олиш бахтига муяссар бўлди. Агар улардан 6 нафари турли олий ўқув юртларига қабул қилинган бўлса, қолганлари таниш манзилларга йўл олишди. Демак, бу коллеж билан ҳиссадорлик жамиятлари ўртасида тузилган шартномалар рўёбидир.

— Таълим, айниқса коллежлардаги таълим ўз-ўзидан амалга ошиб кетавермайди, — дейди биз билан суҳбатда касб-ҳунар таълими ишлари бўйича раҳбар муовини, физика-математика фанлари номзоди Аминжон Мавлонов. — Унинг асл илдизини ишлаб чиқаришдан ажрамай иложимизнинг ўзи. Бўлғуси кадр маълум ихтисосликнинг назарий жиҳатларини коллежда ўрганса, бунинг давоми, яъни амалий қисми катта-кичик меҳнат жамоаларида намоён бўлади. Коллежимиздаги икки хил — ўқув ҳамда ўқув- ишлаб чиқариш амалиётини ҳар томонлама пишиқ-пухта ташкил қиляпмиз. Ўқув амалиёти коллеждаги Корея ва Россиядан келтирилган воситалар асосида, 280—300 соатлик ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти эса май-июнь ойларида ҳамкорларимизга тегишли цех ва лабораторияларда ташкил қилинмоқда. Энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналарининг ўзида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш имконияти ҳам йўлга қўйилган. Ташкилот ва муассасалар буюртмаси асосида ишлашимиз туфайли бир йилда 10—12 миллион сўм маблағ ҳисоб рақамимизга келиб тушади. Бу маблағ эса ишлаб чиқариш усталарини, ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланмоқда. Масалан, йўл карточкалари бериш, курорт-санаторийларга бориб дам олиш, мукофот пуллари билан рағбатлантиришда ўша маблағга таянмоқдамиз.

Таълим билан ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги хусусида кўп гапирилади. Буни аниқ маромга солиб олган даргоҳлар қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи каби ютуқларга эришаверади.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Ixtiyoriy xayriya mablag'lari, bog'chaga kirish badali pul o'tkazish yo'li bilan amalga oshiriladi.

Ma'ruza davomida yaratiladigan muammoli vaziyat mashg'ulot mavzusiga oid bo'lish bilan birga, oldin o'zlashtirilgan bilimlarga asoslangan holda, uning echimini topish imkoniyati ham mavjud bo'lishi zarur.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

ЎЗИГА БЕК БОҒЧА

Шоира Фозилова 1999 йилда Жиззах шаҳридаги 39-«Наврўз» болалар боғчасига ишга ўтдию бошига бир олам ташвиш орттириб олди. Боғча биноси эгаси кўчиб кетган уйдек ҳувуллаб қолган эди. Икки қаватли боғча учун мослаб қурилган бино томидан чакки ўтмаган хона қолмаган. Иситиш тизими мутлақо ишдан чиққанлиги боис тарбиячилар ҳам, болалар ҳам қишда иссиқ кийимларини ечишмас, ҳатто болалар иссиқ кийимда ухлашар эди.

Дастлабки иш боғчанинг иситиш тизимини таъмирлашдан бошланди. Марказий иситиш тизимига уланган қувурлар ёрилиб, ишдан чиққан эди. Бинони алоҳида иситишдан ўзга чора йўқ. Бунинг учун боғчага табиий газ келтириш зарур. Жамоа ходимлари у вақтда ҳомий этиб тайинланган «Жиззахнефтмаҳсулотлари» корхонаси раҳбарларига вазиятни тушунтирди. Ҳомий ташкилот ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда боғчага табиий газ келтириб берди. Саккиз жойга алоҳида иситиш қозонлари ўрнатилди. Хоналар исиши билан боғчага «жон» кириб қолди. Болалар қиш фаслида ҳам енгил кийимда машғулот ўтказиш имкониятига эга бўлишди. Хоналар қайтадан тўлиқ таъмирланди. Чунки ҳар бир хона санитария-гигиена талабларига тўла жавоб бериши керак. Бундай ишларга ихтиёрий ҳомий ташкилотлар ҳам топилди. Вилоят носозликни тиклаш хизмати корхонаси бу борада кенг кўламда ёрдам кўрсатди. Натижада қисқа вақт ичида боғчанинг ҳам ташқи кўриниши, ҳам ички кўриниши ўзгариб кетди. 260 ўринли боғча олдинлари ҳувиллаб ётган бўлса, эндиликда фарзандларининг шу боғчада тарбияланишини орзу қилаётган ота-оналар сафи кун сайин кўпаймоқда.

— Мана шундай имконият ва қулайликларга эга бўлган бинода мактаб-боғча мажмуасини барпо этиш бирдан-бир ниятим эди, — дейди Шоира Фозилова. — Натижада мактабгача таълим муассасаси мактаб-боғча мажмуасига айлантирилди. Ҳозир 1—2-синфларда 54 нафар ўқувчи бўлса, боғча ёшидаги болалар 220 нафарни ташкил этади. Бундан ташқари жамоамизда жами 62 нафар тарбиячи, ишчи-хизматчи меҳнат қилади. 10 гуруҳ ва 2 та синфда таълим-тарбия ишлари давлат талаблари асосида олиб борилаяпти.

2-синф ўқитувчиси Елизаветта Хачатурова ва 1-синф ўқитувчиси Юлия Цой таълим-тарбияни кўнгилдагидек амалга ошириш учун назарий ва амалий маҳоратга эгалар. Ўқувчиларни турли адабиётлар, дарсликлар билан таъминлашга ота-оналар ва ҳомийлар кўмак беришмоқда.

— Бизнинг ота-оналар ва ҳомийлар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкам, — дейди мажмуа директори. — Юқорида таъкидлаганимиз, носозликни тиклаш хизмати корхонаси ҳовлимизга водопровод қувурларида ичимлик суви келтирди. Ҳозирда вилоят ҳокимининг қарори билан ҳомий этиб тайинланган «Уйжойжамғармабанк»нинг вилоят бошқармаси болалар ўйнайдиган ёзги айвончаларни шиферлаб, турли кўргазмалар тайёрлаш учун фанер олиб берди. Хоналарни таъмирлаш учун бўёқ маҳсулотлари ажратди. Ҳомийларнинг ана шундай ҳимматига амалий иш билан жавоб беришга тарбиячиларни даъват этаман. Бунинг учун изланиш, янгилик яратиш учун ҳар қанча меҳнат қилсак арзийди.

Дарвоқе, ана шу изланишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. «Соғломжон — полвонжон» кўрик-танловида жамоа ҳар йили совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Жисмоний тарбия машғулотларида барча тарбияланувчилар бир хил спорт формаси кийиб олганлиги кишини қувонтиради. Бу ҳам ота-оналар, ҳомийлар ҳиммати.

Жисмоний ривожланганлик йўналиши бўйича йил давомида семинар ўтказилади. Бу йилдан бошлаб нутқ ва тафаккурни ривожлантириш бўйича ҳар ойда бир марта доимий ҳаракатдаги машғулотлар йўлга қўйилди. Боғчада асосий эътибор компьютер, инглиз тили, жисмоний тарбия йўналишини такомиллаштиришга қаратилган.

Жамоа ҳозирги бозор иқтисоди шароитидан келиб чиқиб, мактаб-боғча мажмуаси низомида тадбиркорликни ривожлантириш орқали қўшимча сармоя топишга алоҳида аҳамият бераяпти. Ана шу низом асосида пуллик сартарошхона хизмати йўлга қўйилган. Шунингдек, компьютер, жисмоний тарбия, хорижий тиллар бўйича ҳам пуллик тўгараклар ишлаб турибди. Ана шу хизмат турларидан тушган маблағнинг 20 фоизи боғча эҳтиёжи учун ишлатилса, қолган қисми ўқитувчи-тарбиячиларга иш ҳақи сифатида берилади. Тарбиячилар турли юмшоқ ўйинчоқлар ясаб сотишади. Бу ҳам қўшимча сармоя топишнинг ўзига хос усули. Мактаб-боғчада раҳбарларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига бағишланган семинар-тренинг ўтказиш анъанага айланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб-боғчада қўшимча даромадларни кирим қилиш ва ишлатиш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Ихтиёрий хайрия маблағлари, боғчага кириш бадали пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Маъмурият бу ҳақда ота-оналар қўмитасига бир йилда икки марта ҳисобот беради. Мақсад, ҳомий ва ота-оналардан тушган маблағнинг ўз ўрнида ишлатилишини таъминлашдир.

Ҳомийларнинг мактаб-боғчага кўрсатаётган ёрдами ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Хоналарнинг дид билан безатилиши ва таъмирланиши бир хил. Янги кўрпа-ёстиқ жилдлари, чинни идиш-товоқлар ҳомийлар ҳимматининг маҳсули. Байрам тадбирлари ва саёҳатлар ҳам ҳомийлар кўмагида ўтади. Келгусида боғча + мактаб + касб-ҳунар коллежи мақомида иш юритиш орзуси ҳам йўқ эмас. Боғчага келган боланинг келгусида бирор касбни ўрганиб, мустақил ҳаётга қадам қўйишини таъминлаш узвийликдан дарак. Бунинг учун ҳар бир тарбияланувчига махсус карта очилади. Унга боланинг қизиқиши, қобилияти қунт билан ўрганилиб, қайд этиб борилади.

«Орзуга айб йўқ», дейди халқимиз. Бу яхши ниятлар ҳаётда ўз самарасини кўрсатса, ажаб эмас. Ҳозирги шароит тадбиркорликни тақозо этади, — суҳбатимизни давом эттиради Ш.Фозилова. — Биз ҳам мактаб-боғчани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этмоқчимиз. Бунинг учун кредит олишга ҳужжатлар тайёрлаяпмиз. 2002 йилдан бошлаб банкда ўзимизнинг алоҳида ҳисоб рақамимиз бор. Мақсадимиз, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаш. Ўзимизни маблағ билан етарли таъминлашни йўлга қўйиш.

Барча соҳада бўлгани каби таълим-тарбияда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш замон талаби. 39-«Наврўз» боғча-мактаб мажмуаси ана шундай яхши ниятлар билан изланиш олиб бораётган жамоалардан бири. Давримиз учун фаол, ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш уларнинг эзгу нияти.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТЕЛЕКЛУБДА УЧРАШУВ

"Бунёдкор" ёшлар телеклубида Афғонистондаги Мусалло тарихий ёдгорлигида жойлашган Алишер Навоий қабрини тиклаш ва ободонлаштириш мавзусига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрган йўллар бўйлаб ўтказилган халқаро экспедициянинг раҳбари Зокиржон Машрабов иштирок этди. Зокиржон Машрабов Навоий қабрини тиклаш ишларининг аҳамияти хусусида "Бунёдкор" ёшлар телеклуби аъзолари ҳамда журналистларга атрофлича сўзлаб берди.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
ЎзМУ журналистика факультетининг
1-курс талабаси

ҲАР СОҲАДАН ХАБАРДОР

Yil o'qituvchisi —2003

Замонавий ўқитувчи қандай бўлмоғи керак? Дарс беришнинг илғор усулларини қўллай олган, компьютер саводхонлигига эга, ижодий ва эркин фикрлайдиган, намунали кўргазма қуроллари тайёрлай оладиган ўқитувчилар бизда етарлими?

Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида Тошкент шаҳридаги Садриддин Айний номидаги 84-мактабда бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси — 2003» кўрик-танловининг 3-шаҳар босқичини кузатдик. Анъанавий кўрик-танловда Миробод туманидаги 94-мактаб ўқитувчиси Эльвира Алиева, Юнусобод туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси Гулнора Зайниддинова, Шайхонтоҳур туманидаги 180-мактаб ўқитувчиси Неля Халикова, Мирзо Улуғбек туманидаги 187-мактаб ўқитувчиси Насиба Мирсоатова ва Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Тожиевалар беллашишди. Улар ўз фанларини ўқувчилари билан саҳна кўринишлари, ижод намуналари, куй-қўшиқлари орқали тарғиб қилдилар. Кейинги шартлар бўйича Н.Мирсоатованинг мактабни «Шоҳона тахт остонаси» дея улуғлаши, Г.Зайниддинованинг инглиз тилида бурро сўзлаши, Н.Халиковонинг ўзбек тили мумтоз мусиқасига эҳтироми, Э.Алиеванинг аёлларга бағишлаб ёзилган ўз шеърини ўқиши, Д.Тожиеванинг «Қизлар клуби»да олиб бораётган ишлари, педагогик-психологик вазиятдан осонлик билан чиқиб кета олишлари, уларнинг ҳар соҳадан хабардорлиги ҳайъат аъзоларинигина эмас, йиғилган барча ўқитувчиларни мамнун қилди. Гоҳ актёр, гоҳ санъаткор, гоҳ фидойи, билимдон устоз, гоҳ пазанда, гоҳ тўқувчи, гоҳ тикувчи бўлиб намоён бўлаётган бу устозлар замонавий ўқитувчиларнинг вакиллари деб ҳисобланди.

Тошкент ШХТББ бошлиғи ўринбосари Абдуманноп Собиров кўрик-танлов иштирокчиларини қутлаб, уларга қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқ топширар экан, 1-ўрин соҳибаси Г.Зайниддиновага омад тилаб, «Республика босқичида юзимизни ёруг қилади» деб ишонч билдирди.

М.ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

МАКТАБ ҚАНДАЙ БОЙИЙДИ?

ёхуд кичик ва хусусий тадбиркорликни ўрганишнинг таълим жараёнига таъсири

Юрт иқтисодиётини кўтаришда ўрта ва кичик бизнеснинг алоҳида ўрни бор. Зеро ушбу тармоқнинг ривожланиши эл фаровонлигини таъминловчи ўзак бўгин ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасидаги тадбиркорлик ва ишбилармонликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали ишлаши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва айни чоғда мамлакат истеъмол бозорини юқори сифатли товарлар билан тўлдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу Республикамизда қабул қилинган тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга асосан тадбиркорликнинг фаолият соҳалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулиятлари ва вазифаларини ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланганлигида ҳам кўринади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Республика кичик ва ўрта бизнес соҳаси билан шуғулланувчи ишбилармон ва тадбиркорларга талаб янада ошмоқда. Бу Республикадаги Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйди. Улардан бири кичик ва ўрта бизнес учун малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш, уларни замонавий ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришдир. Аммо, замонавий иқтисодий фанлар, айниқса, тадбиркорлик ва бизнес, маркетинг, менежмент, таълим менежменти каби фанлар бўйича ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва илмий-тадқиқот ишларининг камлиги бу соҳадаги ишларни янада кучайтиришга монеълик қиляпти.

Бироқ муаммони ечиш борасида ўрта махсус таълим соҳасида жойларда бизнес мактаби, кичик ва ўрта тадбиркорлик учун касб-ҳунар коллежларида махсус курсларнинг очилиши, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислик (фермер, солиқ божхона ходими, аудит ва ҳоказо)ларнинг киритилиши эътиборга лойиқдир. Ҳозир Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида иқтисодиётга ихтисослашган кўпгина касб-ҳунар коллежлари иш олиб бормоқда.

Тошкент, Самарқанд, Урганч, Тўрткўл ва Андижонда банк коллежлари ҳамда Тошкент аёллар коллежи ташкил қилиниши ҳам шулар жумласидандир.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, бозор иқтисодиётининг барча ички ва ташқи бўгинларини ҳаракатга келтиришнинг имконияти йўқ. Тадбиркорлик фаолиятининг энг кенг тарқалган шакли эса ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес корхоналаридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўп маротаба илгор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган. Энг муҳими, янги педагогик технологияларни, кичик ва ўрта бизнесни ўрганиш, фойдаланишда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар. Таълим ва тарбия жараёнида ҳам кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида диққат қаратилмоқда. Айниқса, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва коллежларда тадбиркорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда сир эмаски, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз фаолиятида кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Бунга, аввало, аксарият тадбиркорларнинг, қолаверса, таълим муассасаси маъмуриятининг ўзи малака жиҳатидан замонавий талабларга жавоб бера олмаслиги, уларнинг ҳуқуқий маданий ва иқтисодиёт асосларини пухта билмаслиги, бизнес режаларини тўғри ишлаб чиқиш, кредит олиш учун ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, ҳисоб-китобни тўғри юритиш, хўжалик шартномаларини тузишда тажриба ва билимининг етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолга барҳам бериш учун зарур иқтисодий ва юридик тушунчаларни профессионал даражада эгаллаган, хўжалик фаолияти нормаларини пухта биладиган тадбиркорлик соҳаси ташкилотчиларини, микрофирмаларини, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, фермер хўжаликларининг бўлғуси раҳбарларини махсус дастур асосида тайёрлашни йўлга қўйиш зарур. Бунда мактаб раҳбарлари ҳам иштирок этса фойдадан холи бўлмайди. Зеро, бугун таълим ўчоқлари ўз моддий техника базаси ривожлантириш учун юқоридан қандайдир кўмак кутиб ўтирмай ички имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ишни ташкил этса ютқазмайди. Чунки таълим ўчоқларида ҳар қандай тадбиркорликни, биринчи галда таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш учун етарлича шароитлар мавжуд.

Бунинг учун аввало, раҳбар ва ташкилотчи-тадбиркорлар тайёрлашга ихтисослашган коллеж ва лицейлар миқдорини аниқлаб, улар учун махсус таълим дастурлари ишлаб чиқиш даркор. Бундай коллеж ва лицей битирувчилари ҳам иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик, кредит ва солиқ соҳасида юридик жиҳатдан зарур билимларга эга бўлсин, шунингдек, комьютер технологияси сирларини эгаллаб замонавий интернет тармоғи, ҳозирги кунда кенг тарқалган "Масофадан ўқитиш" тизимидан самарали фойдалана олсин.

Хулоса қисмида Германиянинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини олиб кўрайлик. Бу мамлакатнинг қисқа вақт ичида Европа иқтисодиётининг устунларидан бирига айланишида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу мамлакатдаги ўқув даргоҳларида илгор педагогик технологияларни ўта ривожланганлигидан кучли малакали мутахассислар етишиб чиққанлиги бунга исботдир.

Шундай экан, биз, педагоглар мамлакатимизда "Кичик ва ўрта бизнес"-ни ривожлантириш учун малакали мутахассисларни тайёрлашда илгор педагогик технологиялардан самарали фойдаланишимиз зарур. Худди шунингдек, кичик ва хусусий бизнес соҳаси учун юқори малакали, билимли бошқарувчилар тайёрлаб бериш каби масалаларга алоҳида урғу бериш зарур.

Ҳ.ХОТАМОВА,
Республика таълим маркази бош мутахассиси

МУАММОЛИ МАЪРУЗА

ўқувчию талабаларни изланишга, фикрлашга чорлайди

Миллий дастурнинг иккинчи — сифат босқичи амалга оширилаётганлиги тайёрланаётган кадрлар сифатини янада ошириш, замон талабига мос бўлган малакали мутахассисларни етиштириш вазифасини қўйди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти эса, фақат китобий билимларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки уларга таянган ҳолда мустақил фикрлайдиган, ишлаб чиқариш ва ҳаётий масалаларга ижодий ёндошиб, уларнинг турли вариантдаги ечимларини топиш ҳамда энг самаралиларини танлаш қобилиятига эга бўлган кадрлар етказишни талаб қилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Таълимнинг янги модели мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантиришга олиб келади".

Таълим тизими олдига қўйилган долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир қатор амалий кўрсатмалар бериб бормоқда. Жумладан. 2002-2003 ўқув йилининг "Таълим сифатини ошириш ўқув йили", деб эълон қилинганлиги, педагогик амалиётга муаммоли маърузаларнинг жорий қилиниши, ана шундай долзарб кўрсатмалардан ҳисобланади.

Муаммоли маърузанинг одатдаги маърузадан қандай фарқи бор? Унинг ўқитиш сифатини оширишдаги аҳамияти нимадан иборат? Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, муаммоли маъруза ўқитувчининг жўнгина (ўз жавоби ўзи билан) баёнидан иборат бўлмай, балки машғулот давомида бир неча (2-3 та) муаммолар қўйилади. Уларга ечим топишда талабалар фаол иштирок этадилар, бунинг натижасида янги ахборотнинг бир қисмини уларнинг ўзлари мустақил излаб топадилар. Ўқитувчи эса, талабаларнинг ижодий фикрлаш жараёнини бошқариб боради. Иккинчидан, талабалар ўқув жараёнидаги суст (пассив) тингловчидан фаол иштирокчига айланадилар. Ўз фикрлари, ғоялари, қарашлари билан машғулотда фаол иштирок этиб, унинг мазмуни ва натижасини янада бойитадилар. Учинчидан, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг фақат хотираси эмас, балки уларнинг кўп вариантли (дивергент) тафаккури ва шахси ҳам ривожланади. Методик жиҳатдан тўғри қўйилган муаммолар талабалар тафаккурини, муаммоларни мустақил ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришнинг калити бўлиб қолаверади.

*Педагогика фанида муаммоли ўқитишнинг — **муаммоли савол, муаммоли вазият, муаммоли масала ва муаммоли топшириқ** шакллари мавжуд. Уларнинг дастлаб иккитаси маъруза машғулотларига кўпроқ мос бўлганлиги учун ана шулар ҳақида тўхталамиз.*

***Муаммоли савол.** Баъзи олимларнинг (Безрукова В.С., Каган В.А.) тадқиқотларида ва амалий кузатишларида таъкидлаганидек, ўқитувчиларнинг талаба(ўқувчилар)га берадиган саволларнинг 80-85 фоизи ўзлаштиришнинг фақат репродуктив даражасидаги жавобларни талаб қилар, уларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантирмас экан. Чунки, бундай саволлар ахборот тавсифига эга бўлиб, уларнинг тайёр жавоблари ўқув адабиётларида ёритилган ёки ўқитувчи уларни тушунтирган бўлади. Демак, тайёр жавоблари манбаларда ёритилмаган саволлар талабалар учун муаммо туғдиради, уларни фикрлашга ундайди, яъни муаммоли савол туғилади. Улар талабаларни — **таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, туркумлаш** каби тафаккурнинг юқори босқичларида фикрлашга ундайди. Жаҳон педагогикасида бундай саволлар "Блум саволлари" деб аталади. "Нима учун?", "Таркибий қисмларга ажратинг", "Энг муҳим хусусиятлари нима?", "Буни сиз қандай ҳал қилган бўлардингиз?", "Ўзаро муносабатларини аниқланг", "Таққосланг" кабилар ана шундай саволлардан бўлиб ҳисобланади. Албатта, бундай саволларни шакллантиришда муайян фаннинг асосий (таянч) тушунчалари ва хусусиятларини назарда тутиш даркор. Масалан, "Янги педагогик технологиялар" фанидан биринчи маъруза Гольбрайт, Т.Сакомото, М.Кларинларнинг "педагогик технология" тушунчасига оид таърифларини мустақил ўзлаштирганларидан сўнг, талабаларнинг "Юқорида қайд қилинган таърифларда педагогик технологиянинг қайси энг муҳим жиҳати яққол кўзга ташланади?" деган савол билан мурожаат қилинади*

***Муаммоли вазият**. Бундай вазият бирор тушунчани англаш ёки бирор хатти-ҳаракатни бажариш учун талабанинг мавжуд билимлари етарли бўлмаганда, яъни билиш ва билмаслик ўртасида номувофиқлик пайдо бўлганда содир бўлади. Маъруза давомида яратиладиган муаммоли вазият машғулот мавзусига оид бўлиш билан бирга, олдин ўзлаштирилган билимларга асосланган ҳолда, унинг ечимини топиш имконияти ҳам мавжуд бўлиши зарур. Бутунлай номаълум бўлган вазият яратилса, талабаларда унинг ечимини топишга қизиқиш пайдо бўлмайди (вақт бекорга сарфланади). Масалан, физикадан ёруғлик дифракциясига оид маърузада қўйидагича муаммоли вазият яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади: ёзув тахтасига ёруғлик манбаи ва экран ҳамда уларнинг оралиғига диафрагма чизилиб (слайд намойиш қилиниб), талабаларга "Экран марказидаги нуқтада ёритилганлик қандай бўлади?" деб мурожаат қилинади.*

Sinab ko'ring

Муаммоли вазиятни яратиш ва ҳал қилишнинг қўйидаги таркиблари мавжуд:

1) муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммони қўйиш;

2) вазият ечимини топиш учун тахминларни олга суриш ва илмий асосланган тахмин (гипотеза)ларни асослаш;

3) муаммоли вазиятни ҳал қилиш;

4) муаммо тўғри ҳал қилинганлигини текшириб кўриш.

Маърузаларда яратилган муаммоли вазиятлар ўқув материалига боғлиқ бўлиш билан бирга, талабаларнинг бўлажак мустақил амалий фаолиятини ҳам акс эттириш зарур. Бунинг натижасида, бир томондан ўқув материаллари ўзлаштирилади, иккинчи томондан эса талабалар фақат китобий билимларга эга бўлиб қолмасдан, бўлажак амалий фаолиятга ҳам тайёрланиб борадилар. Жаҳон педагогикасида бундай вазиятли топшириқлар кейс деб аталади. Гарвард университети (АҚШ) магистр талабалари уларнинг бўлажак амалий фаолиятларига оид 2,5 мингта кейсни ечгандан сўнггина магистр дипломини олиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Муаммони қўйилиши ва унинг ечимини топишда талабаларнинг фаоллик коэффициенти қуйидагича аниқланади (Вергасов В.М.):

— муаммони ўқитувчининг ўзи қўйиб, унинг ечимини ўзи эълон қилганда К=0;

— ўйинли вазият, эшиттириб фикрлаш, фаоллаштирувчи саволларда К=0,25;

— диалог, мустақил иш, мунозара, атайин йўл қўйилган хатоларни тўғрилашда К=0,5;

— муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиб, уни талабалар ҳал қилганда К=0,75;

— муаммони талабаларнинг ўзлари шакллантириб, унинг ечимини ўзлари топганда К=1,0.

Муаммоли маърузалар ўқитувчига бир талай ўзига хос дидактик талабларни қўяди. Ўқув материалини методик таҳлил қилиш (муаммоли савол, вазият, масала ва топшириқларни шакллантириш, уларнинг ечиш усуллари ва тўғри жавоблар вариантларини тайёрлаш). Шу билан бирга, муаммоли маърузаларнинг ўқув жараёнига жорий этилишида таълим сифатининг асосий кўрсаткичи — талабаларнинг мустақил-ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдаги аҳамияти беиҳоядир. Бу эса тайёрланаётган кадрларнинг мамлакатимизда амал қилаётган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатишларини таъминловчи омилдир.

Ғ.ДАДАМИРЗАЕВ,
Наманган муҳандислик-педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори,
Қ.ИШМАТОВ,
институт педагогик инновациялар марказининг бошлиғи

Yaratilgan imkoniyat va sharoitlarga biz bir narsa bilan munosib javob berishimiz lozim, aziz tengdoshlar: a'lo o'qishimiz bilan.

Ko'ngli toza, dili artilgan oynaday shaffof, ilmli inson hech qachon, hech kimga ozor bermaydi.

Bir soatlik dars

ОТАБЕК, КУМУШ ВА ЗАМОНАМИЗ ЁШЛАРИ

Адабиёт — сўз санъати. Шу билан адаб илми ҳамдир. Бадиий асарни мустақил мутолаа қилар экансиз, ундан ўгит, панду насиҳат оласиз. Ёхуд юксак ахлоқ, фазилат эгаси бўлиш ҳаракатига тушасиз. Чунончи, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романини ўқиган фарзанд Отабекдек ориятли, Кумушбибидек иболи бўлгиси келади.

Биз буюк ёзувчининг ушбу асари Қозоғистон Республикасининг Сайрам тумани мактабларида ҳам ўрганилаётгани, асосийси, роман ғояси, ундаги қадриятларимиз моҳияти ўзига хос услублар воситасида ўқувчилар онгига сингдирилаётганидан хурсанд бўлдик. Умуман, Сайрам туманидаги 94-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шоҳида Раҳматуллаеванинг 11-синфда ўтказган "Отабек, Кумуш ва замонамиз ёшлари" мавзусидаги бир соатлик дарси ҳам сиз, азиз муштарийларга маъқул бўлади, деган умиддамиз.

Дарснинг мақсади:

1. Кумуш фожиасининг сабабини аниқлаш. Асардаги воқеаларга, қаҳрамонлар фазилатларига муносабатни далиллар билан исботлаш. Мустақил ва ижодий фикрларини тўғри, равон, эркин, ихчам ва тушунарли тилда ифодалашга ўргатиш.

2. Ўқувчиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш. Ватанга, халққа, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш. Мустақилликнинг қадрига етишни ўргатиш.

Дарс жиҳози: жадваллар, расмлар, букламалар, китоблар, "Ўтган кунлар" кинофильмидан лавҳалар, магниттасмалар, телевизор ва ҳ.к.

Дарс усули: суд дарси, моделли "фикрлаш" дарс босқичи ва Венн диаграммаси билан ишлаш.

Дарснинг бориши: Давомат, дарсга ҳозирлик.

Ўқитувчи: Азиз ўқувчилар! Бугунги дарсимиз севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг таваллуд топганига 109 йил тўлган улуғ кунларга тўғри келди.

Ҳазрат А.Қодирий атиги 44 йил яшади. А.Қодирий адабиётга халқ ғамида куйиб-ёниб кириб келган. Адиб "Кумушни ўлдириб қўйдим" деб йиғлаган эканлар. "Ўтган кунлар" романида адиб тасвирлаган қора булутлар орасида, Ўзбек ойимнинг қора кийим кийиб, таъзия очишида Отабек кўрган қўрқинчли тушида адиб ўзининг аянчли тақдирини юраги сезиб, шунга йиғламадимикан?! Ёзувчи ҳам, романи ҳам азобли, уқубатли кунларни бошидан кечирди. Асар оғир синовлардан ўтиб, абадият мартабасини олди. Адиб асарлари 1956 йилдан бошлаб нашр этила бошлади.

I. Ўтилган мавзуни такрорлаш.

1. Фикрлаш: машғулотнинг мазкур босқичида ўқувчиларни "Ўтган кунлар" романи, романдаги тимсоллар юзасидан ўзлаштирган билим ва тушунчаларини ихчам жумлаларда қуйидаги жадвалга жойлаштириш топшириғи берилади.

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

Мазкур босқичда ишлаш ўқувчиларда ижодий фикрлаш бўйича кўникма ва малака ҳосил қилади.

2. Венн диаграммаси билан ишлаш.

3. Тест топшириқлари билан ишланади.

Ўқувчилар топшириқларни бажаргунларига қадар М.Юсуфнинг адибга бағишлаб яратган "Қодирий бобом" шеъри тингланади.

II. Янги дарс баёни.

Дарсда муаммони ҳал қилиш, суд жараёни вазиятини яратиш асосида қурилади. Ўқувчилар асар қаҳрамони ўрнида бирор ўқувчини асар мазмунига асосланиб саволлар билан ўзларича сўроқ қиладилар. У ўз навбатида саволларга асар қаҳрамони сифатида жавоб беради. Шу тарзда Отабек ва Кумуш фожиасининг сабабчисини аниқлаш муаммосининг ечими қидирилади. Суд қилинаётган ўқувчи асар қаҳрамони тилидан унинг ўрнида ўзини ҳис этиб, масъулият билан жавоб бериши талаб этилади. Суд жараёни қуйидагича ташкил этилади. Суд жараёнида А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидаги Олим понсадбошининг қизи Зайнабнинг ўз кундоши Кумушбибини қасддан ўлдириш иши кўриб чиқилади.

Суд раиси — Ўқитувчи.

Суд жараёнини ўқувчилардан бири олиб боради.

Бошловчи ўқувчи:

— Тошкентлик Юсуфбек хожи ўғли Отабек билан марғилонлик Мирзакарим қутидор қизи Кумушбибининг турмуши фожиа билан якунланади. Кумуш кундоши томонидан заҳарланади. Отабекнинг не-не қийинчиликларни енгиб, қайта тиклаган тотув оиласи барбод бўлди, — деб изоҳ бергач, Зайнабни суд қилишдан аввал М.Юсуфнинг "Зайнаб қўшиғи" шеъри бир ўқувчи томонидан тинглашга таклиф этилади.

Азиз ўқувчилар! Биз ҳозир Зайнабни суд қилар эканмиз, аввал шу мавзумизга оид М.Юсуфнинг "Зайнаб қўшиғи" шеърини тингласак. Шеърдаги фикрлар биз баҳс юритаётган қаҳрамонимиз Зайнаб тилидан айтилаяпти, — дея изоҳ беради. Сўнгра судланувчи ўқувчи Зайнаб суд залига чақирилади.

— Судланувчи, марҳамат қилиб ўзингиз ва бўлган воқеа ҳақида гапириб беринг.

Ўқувчи Зайнаб:

— Мен қайнонамнинг ваъдалаорига ишондим. Кейинчалик у киши ҳам бутунлай кундошим томонга ўтиб олдилар. Мен эса йиғи қучоғида қолдим. Не қилай, менинг айбим нима, ота-она ихтиёрида бўлганимми? Ҳамма келинлар сингари мен ҳам бу хонадонга улкан қувонч ва орзулар билан келган эдим. Ҳамма зиддиятлар кундошим келгандан кейин бошланди. Ҳамма кўнгилсиз воқеаларнинг бош сабабчиси мен бўлиб кўринаман. Кумушнинг ўлимига, Отабекнинг тотув оиласи барбод бўлишига айбдор менман. Лекин мен ҳам инсонман. Мен кундошлик азобига чидай олмаган, яхшилик йўлини топа олмаган, бутунлай ёмонлик йўлини ҳам ҳазм қила олмаган бахтсиз аёлман.

Зайнаб сўзини тугатгач, ўқувчиларга саволлар билан мурожаат қилинади. Муҳокама бошланади:

1. Зайнабнинг иши юзасидан сиз қандай ҳукм чиқарган бўлардингиз?

2. Зайнабнинг айби нимада?

3. Отабек ҳақида қандай фикрдасиз?

4. Кумушнинг Зайнабга муносабати қандай эди?

5. Фожианинг бош сабабчисини ким деб ҳисоблайсиз?

Ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаси тингланади.

Навбатдаги сўз гувоҳ Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлига берилади.

— Мен ота-онамнинг мажбурлаши билан Кумушбиби устига Зайнабни кундош қилиб олишга мажбур бўлдим. Бироқ кундошлик туфайли оиламиз тотувлиги бузилди. Кумушимдан айрилдим. Бу ишларда мен Зайнабни айбдор, деб ҳисоблайман.

Ўқувчилар Отабекка савол берадилар.

1. Зайнабга уйланмасликнинг иложи йўқмиди?

2. Зайнабнинг ёлғизланиб қолишида айбингиз йўқми?

3. Кумушга қилинган муомала ёлғондакам Зайнабга ҳам қилинганда фожиа юз бермасмиди?

Отабекнинг саволларга жавоби тингланади. Бошқалар ҳам муаммонинг ечилиши учун ўз фикрларини баён қиладилар. Отабекнинг ишини муҳокама этадилар.

Бошловчи ўқувчи:

— Биз ҳозир Отабек билан баҳсмунозара юритар эканмиз, М.Юсуфнинг шу мавзумизга оид "Отабек қўшиғи" шеърини тингласак.

Навбатдаги сўз гувоҳ сифатида Ўзбек ойимга берилади:

— Отабекнинг Марғилондан уйланиши менга жуда оғир ботди. Менинг ҳам орзу ҳаваларим кўп эди, ҳаммаси саробга айланди. Мажбурият остида Зайнабга уйлантирдик. Ўғлим Зайнабга совуқ муносабатда бўлди. Ўғлимни Кумушдан совутишга, ажратишга кўп ҳаракат қилдим. Қудаларимиз ва Кумуш Тошкентга келишди. Келинимиз ҳаммамизга ёқиб қолди. Зайнабни бунчаликка боради, деб, сира ўйламаган эдим.

Муҳокама бошланади:

— У айбдор. Ўғли билан маслаҳатлашмасдан иш тутган.

— Йўқ, уни айбдор деб бўлмайди. Ота-она орзуси деганларидек.

— Фожианинг асл сабабчиси Ўзбек ойим деб биламан.

— Биргина Ўзбек ойимнинг айби бор дейиш нотўғри.

Бу каби баҳслар мунозарага айланади.

Навбатдаги гувоҳ Юсуфбек ҳожи:

— Ўғлим Отабекнинг биз бехабар Марғилондан уйланганини эшитиб, хафа бўлмадим. Чунки мен кўзимнинг оқу-қораси, ёлғизгина фарзандимни бахтли яшашини жуда истайман. Мирзакарим қутидор эски қадрдоним, биздан ортиқ бўлса ортиқ, кам жойи йўқ инсон. Улар ҳам ёлғизгина қизини мусофир демасдан ўғлимга муносиб кўрибдилар, раҳмат. Кўнгил орзуси олдида мен ҳам ожизман. Ўғлимдан мингдан-минг розиман. Ақлли, одобли, ҳамма ҳавас қиладиган йигит. Мен келинларимни бирини ортиқ, бирини кам кўрмадим. Онаси қуюшқондан чиқиб кетса, Кумушнинг ёнини олса, қайнона адолатли бўлиши лозим, Зайнаб сиз билан маним орзу-ҳавасимиз эмасмиди, деб насиҳат қилардим. Бизни кексайган чоғимизда ғам ўтида куйдирган Зайнабдек аёлга лаънатлар бўлсин.

Яна муҳокама бошланади:

— Нега кўра-била туриб, Ўзбек ойимга ён босдингиз? Ўғлингиз орзуларига қарши бордингиз?

— Ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

— Ўзбек ойимга қарши турганингизда бу фожиа юз бермасмиди?

Шу тартибда муаммони ҳал қилиш учун муҳокама давом этади ва баҳс бошланади:

— Мен бу фикрга қўшилмайман. Кумушнинг ўлимига Зайнаб сабабчи, деган фикрда қоламан. Ҳар қандай давр ва ҳар қандай шароитда эзгу сифатли киши инсонни заҳарлаб ўлдириш у ёқда турсин, кўнглига ботадиган ёмон сўз ҳам айтолмайди.

— Менимча, фожиага маълум даражада давр ҳам сабабчи, Зайнаб ҳам инсон, бахтли бўлишга ҳаққи бор.

Ўқитувчи:

1. Сиз Кумушнинг заҳарланиши билан боғлиқ парчани қандай номлаган бўлардингиз?

2. Сиз Отабекнинг ўрнида бўлсангиз, Зайнабга қандай чора кўрардингиз?

3. Кумушнинг қабрида ёзилган шеърий парча кимга қаратилган, деб ҳисоблайсиз?

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнида асардаги Кумуш фожиаси бирмунча аниқланади.

Ўқитувчи:

Ўқувчилар юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнида асардаги Кумуш фожиасига анча аниқликлар киритилди. Биз севиб ўқиган, ўрганган романимиздаги севимли, ҳозирги кунгача ўз гўзаллигини йўқотмаган қаҳрамонимиз Кумушбибига бағишлаб севимли шоиримиз М.Юсуфнинг "Кумуш" шеърини бир ўқувчидан тингласак.

III. Хулоса. Ўқитувчи:

— Ҳар бир ўқувчининг мустақил фикр-мулоҳазаларини тингладик. Фожианинг сабабчисини ҳар бир ўқувчи одамийлик жиҳатидан баҳолагани яхши. Мен ҳам ўз фикримни айтмоқчиман. Асосли далилларни асарнинг ўзидан излашга таклиф этаман. Ўзи заҳар бериб, жон талвасасини кузатиб турган инсонни ҳеч ким оқлай олмайди. Яхши инсон ҳатто чумолига ҳам озор етказмайди. Кўнгли тоза, дили артилган ойнадай шаффоф, илмли инсон ҳеч қачон, ҳеч кимга озор бермайди. Инсон мулойим, бошига мусибат тушганда сабр-тоқатли бўлиши керак. Мулойим инсонлар гўзал фикрли, гўзал сўз, гўзал қалб, гўзал одобга эга бўлишади.

Дарс якунида ўқувчилар иштироки изоҳланиб, дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар баҳоланди ва уйга вазифа берилди.

Дарс тафсилотини доцент Туйғуной НИЁЗМЕТОВА оққа кўчирди



Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулчеҳра Мирзаматова ўқувчиларга ушбу фаннинг сир-асрорларини ўргатмоқда.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

— Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зомин туман қўмитасининг йўлланмаси билан пойтахтдаги "Турон" сиҳатгоҳида дам олдим, — дейди 25-мактаб ўқитувчиси Абдуғаффор Тўрамуродов. — Тўғриси, биз ўқитувчилар учун ана шундай сиҳатгоҳларда дам олиш кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Муттасил ақлий меҳнат билан шуғулланаётган касб эгаларига шундай шароит яратилаётганидан хурсандмиз.

Дарҳақиқат, Зомин туманида халқ таълими ходимларини касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган.

Шу йилнинг ўзида 15 киши мамлакатимизнинг сўлим оромгоҳлари "Бўстон", "Чорток", "Чимён", "Ботаника", "Турон"да дам олиб қайтдилар. Шунингдек, кўпгина ўқитувчилар "Зомин" санаториясида, Самарқанддаги "Ибн Сино" сиҳатгоҳида қисқа муддатли дам олишда бўлдилар.

2002-2003 ўқув йилида касаба уюшмаси қўмитасига ишчи ходимлардан ижтимоий ҳимоя йўналишида 58 та ариза тушган. Шундан 32 таси ижобий ҳал этилди. 3 кишига имтиёзли йўлланма берилди. Жами етти нафар пенсионер турли сиҳатгоҳларда дам олиб, даволаниб қайтдилар. Тизимда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгаймоқда. Наврўз байрами арафасида шу соҳада меҳнат қилаётган 20 нафар кам таъминланган оиланинг ҳол-аҳволидан хабар олинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим ногирон, мактабга боролмайдиган болаларга касаба уюшмаси қўмитаси ёрдами билан шартнома асосида ўқитувчиларнинг ана шу болаларнинг уйига бориб ишлаши ташкил этилмоқда. Малакали ўқитувчилар шартнома асосида ногирон болалар билан бевосита уларнинг уйида дарс-машғулотларни ўтказмоқда. Бунинг учун оила-мактаб шартномаси тузилган. Касаба уюшмаси қўмитаси ана шу шартномаларнинг бажарилишини назорат қилаяпти.

— Туманимизда 5245 нафар касаба уюшмаси аъзоси мавжуд бўлиб, улар 97 та умумий бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига бирлашганлар, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зомин туман қўмитаси раиси Эргаш Алламуродов. — Уларнинг асосий қисми ўз меҳнат жойларида ишлаб турибди. 404 нафари пенсионерлардир. Биз ўз фаолиятимиз даврида таълим ходимлари ўртасида турли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан "Уч авлод учрашуви" ташкил этилиб, унда таълим ходимлари спорт мусобақалари уюштирдилар. Бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ва мураббийлар Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилдилар.

А.СОДИҚОВ

АҲОЛИНИ ЎРГАНАДИГАН МАРКАЗ

Xabar

Йигирманчи юз йиллик охири ва йигирма биринчи юз йиллик бошида жамиятда тез суръатлар билан цивилизациялашув юз берди. Жумладан, халқлар ўртасида "демографик портлаш" юзага келди. Дунё аҳли, барча мавжудотлар соҳиби—инсоният нуфузи 6,5 млрд.га етди. Бу кўрсаткич, албатта, қайсидир маънода ҳаммани ҳам ташвишга солиши, табиий. Шу сабабли, бу соҳани ўрганиш, тадқиқ этиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, демография, аҳолишунослик билан шуғулланувчи халқаро жамғармалар ва марказлар тузилди ва тузилмоқда. Республикамизда ҳам бу ишга катта эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети география факультетида "Демография кафедраси" очилди. Кафедранинг, университетда тайёрланаётган барча йўналиш бўйича мутахассисларнинг демографик билимларини шакллантиришда, республикада геодемограф мутахассислар тайёрлашда, демографик муаммоларни ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва демографик ўқув тизимида дастурлар, қўлланмалар яратиш борасидаги ишлари диққатга сазовордир.

Яқинда мана шу кафедра қошида ўқув марказининг очилиши катта воқеа бўлди. Яъни, "Ижтимоий фикр" маркази, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти ҳомийлиги ва ҳамкорлигида "Аҳолишунослик илмий-ўқув маркази" ташкил этилди. Марказнинг ташкил этилишидаги ташаббускорлардан бири "Демография кафедраси"нинг мудири, иқтисод фанлари номзоди Мамлакат Бўриевадир.

Марказ нафақат республикамиздаги, балки жаҳондаги демографик муаммоларни ўрганади, илмий тадқиқот ишларини олиб боради.

Ушбу "Аҳолишунослик илмий-ўқув маркази" халқаро жамғармалар билан ҳам илмий алоқаларни йўлга қўймоқда. Жумладан, БМТнинг Аҳолишунослик маркази, СОРОС жамғармаси, "Экосан" жамғармаси, АҚШнинг Мичиган университети, Туркиянинг Истамбул университетлари билан илмий ҳамкорлик, алоқа ва илмий тадқиқот ишларини яқиндан йўлга қўйишга киришилмоқда.

Мазкур Марказда юқори малакали илмий-педагогик ходимлар, аспирантлар, магистрлар, бакалаврлар ва илмий изланувчилар иштирокида "Демографик жараёнлар ва бандлик", "Ўзбекистон жанубий ҳудудларининг демографик ҳолати ва муаммолари" мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Ma'rifat» мухбири.

ЯНГИ КЛУБ ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунда республикамизда, ҳудудий журналистлар клуби кенг фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Бухоро ва Навоий вилоятлари журналистларини "Репортёр", Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари журналистларини "Мулоқот", Фарғона водийси журналистларини "Ҳамкор" клублари ўз атрофига бирлаштирган. Яқинда улар сафига яна бир журналистлар клуби қўшилди. Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари журналистларининг "Мухбир" клуби иш бошлади. Ушбу клубга Ўзбекистон Миллий матбуот маркази томонидан ажратилган грант Самарқанд вилоятига берилди. Айни кунларда ушбу клуб томонидан "Журналист", "Жамият", "Ҳуқуқ" ахборотномаларини чоп этиш йўлга қўйилган. Ўз ўрнида бу ахборотномаларни интернет тармоғига жойлаштириш ҳам режалаштирилган. Клуб қошида оммавий ахборот воситаларига оид маълумотлар жамланган кутубхона ҳам ташкил этилди.

Шердил РАҲИМОВ

Ўқитувчи деганда кўз ўнгимизда маънавияти юксак, ҳар жиҳатдан ўрнак бўладиган инсон намоён бўлади. У ўз шогирдларини ҳам ана шунга ундайди.

Пойтахтимиздаги 294-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Ирина Маматова ўқувчиларга ўзига хос усулда дарс бериб, ҳар бир шогирди қалбидан жой олади.

Суратда: И.МАМАТОВА 6-«А» синф ўқувчиси Муҳайё Чориева билан савол-жавоб қилмоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



ИЛМСИЗ КЎНГИЛ — ҚАҚРОҚ ЧЎЛ

E'tirof

Илм — ақлнинг чироғи дейдилар. Дарҳақиқат, билим инсоннинг дил ойнасини ёритиб турувчи машъалдир. Бу машъал бир ёндими, у ҳеч қачон сўнмайди ва одамнинг йўлини ёруғ қилишдан тўхтамайди ҳам.

Илм бахтнинг калити ҳамдир. Демакки, илмли, доно инсонларни энг бахтли инсонлар дейишга ҳақлимиз. Илмнинг хосияти, илмли кишиларнинг юксак қадр-эътиборга лойиқ эканликлари тўғрисида улуғ мутафаккир шоир Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Қутадғу билиг" асарида жуда кўп қимматли фикрларини баён этади.

Кимки, илмли ва маърифатли экан, уни агар у ёш бўлса катта деб, камбағал бўлса бой деб ҳисобла дея илмли кишини улуғлайди шоир.

Хўш, илм олиш учун киши нима қилиши керак? Бу оддий саволнинг жавоби ҳам оддий: қунт билан ўқиб-ўрганиш керак. Бунинг учун бугун бизда катта имконият ва бир асосий манба бор: к и т о б. Китобки, у инсонни эзгуликка етаклайди. Мутолааки, у кишининг дунёқарашини кенгайтиради, мушоҳадага чорлайди, ўткир мулоҳазали қилади.

Жонли мавжудот борки, ҳаётда сув билан, ҳаво билан тирик. Инсон юраги эса илм билан обод ва кўркамдир. Илмсиз кўнгил, донишмандлар тилича, қақроқ чўлга ўхшайди. Лекин бунинг бир эзгу йўлиям бор-да! Яъни, бу қақроқ чўлни обод қилиш мумкин. Обод қилиш учун қутубхона аталмиш зиё чашмаларининг сувлари билан лиммо-лим бўлган сеҳрли ҳовуздан тўйиб-тўйиб, чанқоғинг қонгунча сув ичишинг лозим. Бироқ, чанқоғингни қондира оласанми? Йўқ! Бу ҳовуздан қанча кўп сув ичсанг, кўнглинг кўркамлашиб ва ободлашиб боравердию, лекин ҳеч қачон тўймайсан. Борган сари китобга бўлган муҳаббатинг ортаверади.

Менда ана шундай бўлган-да! Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейга ўқишга кирган дастлабки кунларимдаёқ китобга (ўқишга) бўлган муҳаббат туйғусини туйганман. Бу туйғу дилимга ўз-ўзидан кириб қолмаган, албатта. Устозларим, китобхон дўстларим сабабчи бўлишган. Раъно опа, Озода опа, Нафиса опа — булар барчаси ўқувчилар қалбида китобга, умуман ўқишга нисбатан меҳр уйғотувчи инсонлар десам муболаға бўлмайди.

Ихтиёримиздаги замонавий компьютер хонаси, дарслик ҳамда адабий-бадиий, илмий китоблар билан тўла кутубхона, биз ёшларни деб тахт қилиб қўйилган шароитлар учун қанча миннатдор бўлсак, арзийди. Яратилган имконият ва шароитларга биз бир нарса билан муносиб жавоб беришимиз лозим, азиз тенгдошлар: аъло ўқишимиз билан.

Лицейимиздаги кичик фанлар академиясига мен ҳам аъзо бўлганман. Бир кичик илмий иш қилиш мақсадида фойдаланадиган адабиётларни олиш учун лицейимиз кутубхонасига бориб кирар эканман, эшик тепасида ёзилган сатрларга яна бир бор назар ташлайман. Бу пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг муборак каломлари: Бешикдан то қабргача илм изла!

Элмурод НИШОНОВ, ТДПУ қошидаги академик лицейнинг 2-курс ўқувчиси

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Газетамизнинг ўтган сонида хабар қилганимиздек, республикамиз умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфлари учун ўтиш даври "Адабиёт" ўқув дастури асосида нашр этилиши лозим бўлган "Адабиёт" ўқув қўлланмаси кечикканлиги боис, дарсликдаги айрим мавзуларни газетамиз саҳифаларида РТМ тавсияси асосида ўқитувчиларга ёрдам сифатида эълон қилиб бориш режалаштирилган эди. Шунга кўра, дастурда белгиланганидек, 1 соатга мўлжалланган адабиётга Кириш қисми ва халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида 5 соат ўтилиши лозим бўлган "Малика айёр" достони эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Adabiyot o'qituvchilariga yordam

КИРИШ

Инсон кўнгли борлиги, руҳиятга эгалиги билан бошқа жонзотлардан фарқ қилади. Шу вақтга қадар ўтган барча буюк зотлар одамлар кўнглини поклаш, руҳини ғуборлардан тозалашга ҳаракат қилганлар. Инсон кўнгли ва руҳи покизалигига бу қадар катта эътибор қаратилишининг сабаби нимада? Сабаби шундаки, покиза кўнгил ва тоза руҳ эгаси бўлган кишидагина эзгуликка, яхшиликка, олижанобликка майл бўлади. Тоза руҳ ҳамда покиза кўнгил эса, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уларни қарор топтириш, шакллантириш лозим бўлади. Бунинг учун ҳар бир одам тозариш йўлини ўташи, ўзгаларнинг кўнглидаги ҳолатларни илғайдиган даражага кўтарилиши лозим бўлади. Айни шу жараёнда бадиий адабиётнинг зиммасига улкан вазифа ортилгани англашилади. Фақат бадиий асаргина одамга ўзга кишиларни тушуниш, англаш, туйиш имконини беради. Чунки бадиий асарларда бошқа одамларнинг кўнгил манзаралари, руҳият чизгилари таъсирли йўсинда акс эттирилган бўлади.

Бадиий адабиёт инсон руҳидаги нозик товланиш ва ҳиссиётидаги чигал жараёнларни илғаш ҳамда акс эттиришга хизмат қилади. Чинакам бадиий асар инсонни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган ўй-фикрлар, орзу-умидлар, сезги ва кечинмаларни ифодалайди. Дунёда яшаётган одамлар бир-бирларига ўхшамаганларидек, уларнинг қалб кечинмалари ҳам такрорланмасдир. Ўзбек адабиёти — инсон руҳий ҳолатлари маҳорат билан акс эттирилган дурдоналарга бой. Улар ҳозирги авлод руҳиятида, қалбида ҳам ҳаяжон уйғотади, уларнинг маънавий такомилига ҳисса қўша олади. Муҳими, улар кишига фақат маърифат берибгина қолмай, унинг бадиий диди, маънавий камолотига ҳам хизмат қилади.

Маънавиятнинг мавжудлиги инсонни оламдаги бошқа жонзотлардан ажратиб туради. Маънавиятнинг мағзини эса бадиий адабиёт ташкил қилади. Чиқиш — (Шарқ)да бу тушунча, биринчи навбатда, адаб (кўплиги — одоб) билан боғлиқдир. Маълумки, "Адабиёт" атамаси "адаб" сўзидан олинган-дир. Адабнинг маъноси кенг: юриш-туриш одоби, сўзлаш одоби, овқатланиш одоби, муомала одоби ва ҳоказо. Шу жиҳатдан адабиёт одобшуносликдир. Аммо адабиёт одоб ўргатиш билангина чекланиб қолмайди. У бизга инсон ҳаётини, унинг сезгиларини кўрсатиб беради. Унинг қалби, орзу-интилишлари, севинч-армонлари, қайғу-изтироблари, бир сўз билан айтганда, маънавий борлиғини намоён этади. Демак, адабиёт инсоншунослик, руҳшунослик ҳамдир.

Сўзлар бадиий матннинг юзага келишига омил бўлади, аммо ҳар қандай матн ва сўз бадиий адабиётга дахлдор бўлавермайди. Бунинг учун сўз муайян эстетик вазифани бажариши лозим. Шунга кўра ҳам бадиий адабиёт воқеа-ҳодисалар, инсоний кечинмалар, ҳис-туйғуларни баён қилмайди, балки уларни тасвирлайди. Тасвир сўзга таянади. Сўз сеҳр, мўъжиза билан ўзига маҳлиё қилади, ром этади. Шунинг учун гўдак аллага, кичик ёшдаги бола эртакка, катталар бадиий ижоднинг турли кўринишларига ниҳоятда қизиқиб қарайдилар. Уларнинг оламига кириб қолгач, ўзларини ҳам шу оламга мансуб ҳисоблайдилар, чиқиб кетолмайдилар.

Одамлар муайян замон ва маконда яшайдилар, яъни ҳар бир кишининг ҳаёт саналари, туғилиб, фаолият кўрсатадиган жойи, ўз ҳаёти бор. Улар яшаш учун, муайян идеаллар учун курашадилар. Енгадилар, енгиладилар. Биз буни тарих деймиз. Адабиёт инсон фаолиятини ёритар экан, ўз-ўзидан унинг тарихини ҳам яратади. Демак, адабиёт тарих ҳамдир. Биз яшаб турган Туркистон эса, дунёнинг инсон боласи бино бўлган энг қадим тарихий бешикларидандир. Фарғона водийсининг Селунгур ғоридан топилган суяклар бу ерда миллион йил олдин ҳам одам яшаганлигини кўрсатди. "Авесто" китоби давлатчилигимизнинг салкам уч минг йиллик тарихига гувоҳдир. "Девону луғотит турк"ка киритилган "Алп Эр Тўнга марсияси" милоддан етти аср олдинги қудратли Саҳалар давлати ва унинг машҳур саркардаси шаънига битилган йўқлов мадҳиядир. "Кўктурк битиклари", "Ўрхўн-Энасой ёдгорликлари" номлари билан шуҳрат топган обидалар, хусусан, Билга хоқон ва Култигин эътирофлари аждодларимизнинг жангу жадалларга тўла ҳаётидан дарак беради.

Адабиётимизга IX-X асрларда янги исломий руҳ, исломий мазмун кириб келди. Ислом маданияти шаклланди. Имом Бухорийнинг "Ас-саҳиҳ" тўплами башарият маънавиятидаги янги ҳодиса бўлди. Сўнг, X-XII асрларда ҳаётни исломий-туркий идрок этувчи яна бир янги ҳодиса дидактик достончилик майдонга келди. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари бунинг ёрқин намунаси эди. Бу давр илк уйғониш даври эди. XIV асрнинг ўрталаридан адабиётимизда Яқин ва Ўрта Шарқ адабиёти учун хос бўлган муштарак хусусиятлар кучайиб борди. Мумтоз адабиётимизнинг илк босқичи бошланди. Бу йўл-йўналиш туркий маданият ривожининг олтин асри – Навоий даврига олиб келди. Адабиёт мусулмон Ренессанси аталмиш тарихий босқичга кўтарилди.

Адабий ҳаёт ҳам жамият ҳаётига ўхшаб тараққий этадиган бир ҳодисадир. У жамият билан бирга мавжуд бўлади, ундан ажралмайди. Айни вақтда, адабиётнинг ўсиши ўз қонунлари асосида содир бўлади. Шу маънода бадиий адабиётни жамиятнинг кўзгусигина деб қараш тўғри бўлмайди. Бирор адабиётнинг бошдан охир текис ривожланиши мумкин эмас. Бадиий адабиётнинг ҳам авж нуқталари, эниш босқичлари бўлади. 17-19-асрларни мутахассислар адабиётимизнинг нисбатан пасайиш даври деб қарайдилар.

Адабиёт жамият тарихи билан ёнма-ён яшайди. Тарих кишилик жамиятининг тараққиёт босқичларини акс эттиради. Бадиий адабиёт эса халқнинг турли даврлардаги руҳиятини муайян инсон тақдири мисолида кашф этади. Бадиий асарлар инсон кечинмалари билан боғлиқ. Уларда инсоний ҳузур ва алам, шодлик ва қайғу, бахт ва кулфат, ифтихор ва афсус, куюнчаклик ва лоқайдлик каби хилма-хил туйғулар тасвир этилади. Шунинг учун ҳам инсон адабиётга бефарқ, лоқайд қарай олмайди. Ундан ўз маънавиятини бойитиш учун фойдаланади.

Адабиёт ҳаётнинг инъикоси сифатида ҳар қандай ҳодисани акс эттириши мумкин. Бадиий асарларда уруш ва тинчлик, тоғ ва дарёлар, шаҳар ва қишлоқ, инсон ва ҳайвонот дунёси, ўсимликлар олами, ҳатто сукунат ҳам қаламга олинаверади. Аммо буларнинг барчаси инсон қалби, унинг руҳияти, туйғулари, ўйлари, маънавияти билан боғлиқ бўлади. Демак, адабиётнинг марказида ҳар доим инсон туради. Аммо бу ҳар бир асарда инсон образининг қатнашувини шарт қилиб қўймайди. Бадиий асар гул, баҳор, қуш, тош, от, ит, қумурсқа тасвирига бағишланган ҳам бўлиши мумкин. Бироқ бу асарларда ҳам инсоннинг борлиққа бўлган муносабати акс этади. Аслида булар инсоннинг гўзалликка бўлган интилиши билан боғлиқ. Шу маънода, адабиёт эстетик тарбия воситаси ҳамдир, дейиш мумкин. Зеро, у инсон қалбининг гўзалликдан завқ ва баҳра олишига имкон беради. Қабоҳат, разолат, ёвузлик тасвирида эса инсоннинг уларга нисбатан нафрати ифодаланган бўлади. Бунда адабиётга образлилик ёрдам беради. Бадиий асардаги ҳар бир шахс, ҳодиса, тасвирнинг ўқувчини эргаштириши, унинг туйғуларига таъсир кўрсатиши, мувозанатдан чиқариши, унинг кўз ўнгида намоён бўлиши образлиликдир. Унда ўқувчи бадиий матнда қаламга олинган нарсаларнинг сўз билан чизилган суратини кўради. Лекин бу сурат қотиб қолган ҳолатда эмас, балки муттасил ҳаракатда, бир-бири билан қарама-қаршилик ва зиддиятларда намоён бўлади.

Адабиёт жамият билан бирга мавжуд бўлса-да, унинг кўтарилиш ҳамда тушиш босқичлари ҳамиша ҳам жамият тараққиёти поғоналарига мос тушавермайди. Адабиёт ўз қонунлари асосида яшайди. Масалан, Бобур темурийлар салтанати таназзулга юз тутиб, мамлакатни улкан безовталиклар ўз гирдобига тортган, бир сулола ўрнини иккинчиси эгаллаётган пайтда майдонга келди. Юрт эгалари ватандан қувилди. Аммо улар нақадар юксак адабиёт намуналари қолдирдилар! Бобурдан кейин энг йирик ижодкор саналган Огаҳий-чи! У қўҳна Хоразм шуҳрати сўниб, юрт ўз қобиғига ўралиб, дунёдан узилган, Чор Россияси Туркистон сарҳадларини бирма-бир эгаллаб олаётган бир пайтда яшаб ўтди. Лекин шоирдан қолган асарларнинг қиммати қанчалар баланд. Адабиёт тарихини ўрганишда мана шундай ҳолатларни ҳам кўзда тутиш керак бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда туркий адабиёт тарихини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. Исломгача бўлган даврдаги туркий адабиёт.
2. Ислом таъсири давридаги туркий адабиёт. Бу даврнинг ўзи қуйидагича босқичларга ажратилиши мумкин:
   а) илк уйғониш давридаги туркий адабиёт;
   б) уйғониш даври ўзбек адабиёти;
   в) хонликлар даври ўзбек адабиёти.
3. Янги ўзбек адабиёти.

Бадиий адабиёт бугунни кеча ва эрта билан боғлайди. Бу боғланиш шунчаки вақтни эмас, балки инсон руҳияти, тафаккури ва орзу умидларини ифодалагани учун ҳам муҳим маърифий, эстетик, ахлоқий, тарбиявий, коммуникатив ва руҳий аҳамият касб этади. Шу боисдан, қанчалик ўзига хос бўлмасин, бадиий адабиётнинг тараққиётини жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан айри қараб бўлмайди.

Бадиий адабиётнинг мақсад ва вазифалари, йўналиш ва йўриқлари, ундаги бадиий тасвир усуллари, образларнинг маъноларини **адабиётшунослик** фани ўргатади. Бу фан адабиёт назарияси, адабий танқид ва адабиёт тарихи қисмларини ўз ичига олади.

Адабиёт назарияси барча замонларда бунёд этилган ҳамма асарлар учун умумий бўлган илмий-назарий ва эстетик асосларни, бадиий асарларнинг таркибий қисмларини, бадииятнинг қонун-қоидаларини ўрганади. Шунингдек, бадиий асарларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги мавқеини белгилаш, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш, бадиий ижод турлари ва ижодий жараённинг қонуниятларини кўрсатиб бериш билан ҳам адабиёт назарияси шуғулланади.

Адабиёт тарихи эса муайян мамлакатлар ёки халқлар адабиётларининг ривожланиш босқичларини, бирор халқ ёки мамлакат адабиёти вакиллари бўлган буюк санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганади. Адабиёт тарихини ўрганиш нима учун керак? Ҳар бир миллат эгаси, мамлакат фуқаросининг ўз адабиёти, маданияти, тарихини билишга интилиши маънавий камолот талабидир. Халқ адабиёт тарихига оид маълумотларни билиш учунгина эмас, балки миллий адабиётнинг энг яхши намуналари мазмуни, ғояларини тушуниб, шулар воситасида маънавий камол топиш учун ҳам ўрганади.

Адабий танқид ҳозирги адабий жараёнда содир бўлган ўзгаришлар, яратилган асарларни баҳолаш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини, тараққиёт йўналишларини изоҳлаш ҳамда белгилаш билан шуғулланади. Адабиётшуносликнинг ушбу уч соҳаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, улар бир-бирисиз яшай олмайди, бир-бирини тўлдиради, бир-бирини бойитади.

Савол ва топшириқлар

1. Бадиий адабиётнинг жамият ҳаёти билан боғлиқ ва ўзига хос жиҳатлари нимада эканлигини тушунтиринг.
2. Кўп асрлик миллий адабиётимизнинг даврларга бўлиниши сабабларини тушунтиришга урининг.
3. Бадиий адабиётнинг жамият аъзолари маънавиятига кучли таъсир кўрсатиш сабабларини изоҳланг.
4. Бадиий адабиётнинг асосий белгисини кўрсатиб беринг.
5. Адабиётга хос қонуниятларни ўрганишда адабиётшунослик фани қандай ўрин тутади? Адабиётшуносликнинг қисмларини айтинг.

МАЛИКА АЙЁР

(достон)

Xalq og'zaki ijodidan

Гўрўғлининг юртини Чамбил дейди. Чамбил элида Гўрўғли зўравор, қирқ олти сардор, тўрт ярим лак бедовсувор, Соқибулбул деган сайиси бор. Гўрўғлининг зўр деб таърифи кетган, зарбаси тошдан ўтган, қиличининг ишлови етган, теккан омон қолмасин деб заҳарнинг сувин ялатган. Чамбилда давронни суриб ётар Гўрўғли султон.

Қирқ йигит билан, Ҳасан, Авази билан, қанча амалдорлари билан суҳбат қуриб ўтириб:
— Соқижон! Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, — деб чақирди, — Ғиротни минсам, Шакаркўлига борсам, довулни туйиб, кўлга қўшимни солсам, Шакаркўлидан сўна-суқсурни олсам, олиб келиб қирқ йигитга чулон бersам, — деди. Бу сўзни Соқибулбул эшитиб айтди:-Гўрўғлибек! Бу ойни нима ой дейди, сафар ойи дейди. Илгари ўтган азизлар сафар ойида сафар қилиб, омон келмаган экан: улар омон келмаганда сенинг ҳаддингми бу ойда сафар қилиб омон келмак?! — деди.

Кўринг Гўрўғли мардди, ғайрати ғайратга етди, аччиғи чиллаги қишдай муртига чаппа қайтди. "Менинг шаштимни қайтардинг", — деб Соқига қараб ҳар тебранди, ҳар тебранганда қуймучи ерга тўрт элли ботди. Соқибулбул Гўрўғлининг аччиғи келганини билиб, тош таблага қараб бурулиб, Ғиротга жўнаб кетди.

Буёкдан таадди еб келган Соқи, кўнглини хушлади, нархини сўрамасдан Ғиркўк отнинг жиловидан ушлади. Ғирот Соқининг белбоғидан тишлаб олиб ерга бир урди. Соқи боёқиш ўрнидан тўққиз юмалаб турди.

Ёмонлагур, жайратмасам, ёйга чоқлаб отмасам, катта чорак гўшингни бир тангадан сотмасам, ўзимнинг тегишимни ғингқиллатиб ютмасамми — деб кўринг Соқи мардди, қилди сиёсатди, шиқирлатиб сариёйни тортди. Ғирот таппа тушиб ётди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб оқиб кетди, тош таблани тешиб ўтди, от ўзини ўнгаргунча Ғиротнинг жиловини ушлаб, эгарлаб чоқлаб олиб келди, Гўрўғлига тўғри келди. Гўрўғли Ғиротнинг белига миниб бўз тарлон қушини қўлига олиб, Соқига қараб айтди:

Ўзимнинг ҳолимни ўзим билайин,
Зебитчўлга, Шакаркўлга борайин.
Довул туйиб, кўлга қушим солайин,
Соқижон, танингдан бошинг юлайин.

Кўринг Гўрўғли мардди, минди бедов отди, қистаб йўл тортди. Зебитчўлда Шакаркўлга етди. Довул тўйиб, кўлга қушни солиб, сўна-суқсурни уйиб, эгарнинг қошига илиб, қайтиб йўлга тушди. Шундай қаради, чўлда бир қўрғон пайдо бўлди. "Қандай қўрғон экан?" деб Гўрўғли борди. Очиб ичкари кирди. Кирса, олмалар пишиб ётир, тагига тушиб ётир; гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учириб ўтирибди. Уч кўшк, ичкима-ички, зинапоя, зертанг-забартанг, жойлар тузалган, яхши тўшаклар тўшалган, сувлар сепилган, намойишига чини гужумлар тикилган, гужумнинг соясига жинқарча, мусича, мураталибачча жами қушлар йиғилиб, ўртада бир лайлакни созанда қилиб айттириб ўтирибди.

Бу аломатни Гўрўғли кўриб, ҳайрон бўлиб туриб эди, осмондан бир кўк каптар қуюлиб келиб, бир сурҳоил гардон, офатижон, писта даҳан бир ажаб нозанин пари бўлиб турди. Бу парининг жамолига Гўрўғлибек қаради: ирқи олмадай пишган, қора зулфи оч белига тушган, кўрганнинг ақли шошган, жамолига ою кунлар талашган ажаб бир паризод. Буни Гўрўғли кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, ул паризодга қараб, "Асли жойинг, мамлакатинг қаерда?" -деб сўраб турипти.

Давлатимдан шоли- шолдан ўрайман,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
Гул юзли жононим сендан сўрайман,
Бир пари пайкарим, қайдан бўласан?

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон,
Арзимни эшитгин эй, пари -пайкар
Чеҳраси хандоним, қайдан бўласан?

Зарафшон зулфингга урибсан шона,
Хилоли қўлларинг бўябсан қона,
Юсуф каби мени солма зиндона,
Зулайҳо нишоним, қайдан бўласан?

Бошингга кийибсан мурраси тожи
Кўрган одам гул юзингнинг муҳтожи,
Кўзимнинг равшани, бошимнинг тожи.
Ғамзаси пайконим, қайдан бўласан?

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса, мастбўб сайрар булбуллар.
Малойик суратли, гул юзли дилбар,
Ростин дегин, дилбар, қайдан бўласан?

Дардли қул дардимни кимга ёраман,
Айрилиқ ўтига бағри пораман,
Шаҳринг, отинг айтсанг излаб бораман,
Малойик суратли, қайдан бўласан?

Гўрўғли дер жигар-бағримни доғлаб,
Бор умрим юрсам сени сўроғлаб,
Ростин дегин дилбар, қайдан бўласан?

Паризод Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, ўсган элини, соғу сўлини, шаён-шавкатини, манзил-жойини Гўрўғлига баён бериб, бир сўз деб турипти:

Давлатингдан шоли-шолдан ўрасанг,
Кеча кўрган тушни кундуз йўрасанг,
Бир пари-пайкар деб мендан сўрасанг,
Мен ҳам Шаҳри Шабистондан бўламан.

Мен келганман одамзоднинг қастидан,
Изласанг топмайсан ернинг устидан,
Бир мазгилим кун чиқмаган "гўристон",
Мени сўрасанг "гўристон"дан бўламан.

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Истамбулда бир дўстим бор Зулфизар,
Энамнинг отидир парийи Сипар,
Отамнинг отини Қосимхон дерлар,
Шаҳримнинг отини Торкистон дерлар,
Бор, Гўрўғли, Торкистондан бўламан.
Мавж урганда дарёдайин тошарсан,
Ўлмасанг, дунёда узоқ яшарсан,
Уч юз олтмиш асқартоғдан ошарсан,
Ундан сўнгра Қизилқумга тушарсан.

Сўраб борсанг Кўклам тоғдай тоғи бор,
Кўклам тоғда Боймоқдевдай деви бор,
Қистаб юрсанг олтмиш йиллик йўли бор,
Маликада майлинг бўлса сўрай бор.

Сиздай бекдан жонин бормикин аяр,
Келдингми, тўрам деб қулочин ёяр,
Торкистон шаҳрида Малика тайёр,
Албатта, сўрай бор, Гўрўғли номдор.
Бор , Гўрўғли, Торкистондан бўламан.

Бу сўзни Гўрўғлига айтиб, бир аганаб туриб, каптар либосини кийиб, фалакка парвоз қилиб, учиб жўнайберди. Қўш-айвонлари ҳам фалакка равоқ-қўрғонлари билан кўчиб жўнайберди.

Бу аломатни Гўрўғлибек кўриб, хафа бўлиб, сўна-суқсурни чўлга ташлади, қўлидаги бўз тарлон қушнинг жиғовулини олиб, "Бор сен жонивор ҳам, менинг қўлимда қолиб, нима бўласан?" деб бўшатиб қўйиб юборди. Бўз торлон қуш ҳам фалакка учиб кетди. Шунда Гўрўғли Ғиротнинг бошини буриб, Чамбилга қараб йўлга кириб, кўзини ёшлаб, ўзини отнинг ёлига ташлаб, бу сўзни айтиб бораверди:

Жоним Ғирот, молим Ғирот
Сени минган топар мурод,
Дам-бадам еткиз Чамбилга.

Шакаркўлга овга келдим,
Бир пари пайкарни кўрдим
Ёр ишқидан ғамга тўлдим
Ололмасдан энди ўлдим,
Дамба-дам еткиз Чамбилга

Айриликка бағрим доғлаб,
Фироқида қонлар йиғлаб,
Юрсам мен ёрни сўроғлаб,
Дам-бадам еткиз Чамбилга

Жоним Ғирот, молим Ғирот
Еминг кишмиш, тўрванг банот,
Сени минган топар мурод,
Дамба-дам еткиз Чамбилга.

Бу сўзни Гўрўғлибек айтиб, кеч бўлайин деганда, отини терлатиб Чамбилга кириб келди. Соқи қараса, Гўрўғли соғ бориб, саломат келаётир. "Сўна-суқсур овлаб келаман", деб кетган Гўрўғлининг қўлида бўз тарлон қуши ҳам йўқ, сўна-суқсури ҳам йўқ. Отини терлаб, бир ўзи шумпайиб келипти. Муни Соқи кўриб, отнинг жиловини ушлаб, кўнглини хушлаб: —Гўрўғлижон, ўзингнинг ҳолингни ўзинг билганинг қани, майдонли кун Ғиротингни елганинг қани. Шакаркўлда сўна-суқсур олганинг қани, келиб қирқ йигитга чулон берганинг қани, менинг танимдан калламни олганинг қани, бизга сенинг совға-широлға олиб келганинг қани? — деди. Бу сўзни Гўрўғли эшитиб:

— Соқижон, мен ошиб гапирибман. Бу феъ-лимга товба қилибман, — деб Ғиротини Соқига бериб, қирқ эшикли чиллахонасига кириб, хафа бўлиб ётди.

Орадан ҳафта-ўн кун ўтди. Туркман элида дов-жанжали кўпайиб кетди. Гўрўғлининг Аҳмад Сардор отли тоғаси йигитларни йиғиб айтди: — Эй йигитлар! Гўрўғли туркманларнинг беклигини ўхшатолмайди шекилли, мени гиламга солинглар, бардор-бардор қилиб, Гўрўғлининг тахтига миндиринглар. Туркман элининг дов-жанжалини сўрайин, Гўрўғлидан келган бало бўлса кўрайин.

Бу сўзни Авазхон эшитди. Отасини излаб бориб чиллахонага етди. Қараса, отаси нам ерга бағрини бериб ётипти. Отасини бу аҳволда кўриб, ҳолу аҳвол сўраб турипти:

Ота, эшит мен айтган нолишимни,
Сел қилиб тўкарман кўздан ёшимни,
Оч кўзингни, кўтар, отам, бошингни,
Сардор, беклар қилди элда маслаҳат.
Қўлингдан кетмасин Чамбилдай элат!
Бу ётишинг, ота, сенга на ҳожат?
Қўлингдан кетмасин Чамбилдай элат!

Ота, хафа қилма мендай ўғлингни,
Бу ғафлатдан туриб, сўра элингни,
Меҳрибоним, жоним отам, тур энди,
Жоним ота, меҳрибоним, тур энди!

Гўрўғли Авазхонга қараб бир сўз деб турипти:

Авазхон, қулоқ сол айтган тилима,
Қаҳрлансам қиров турар муртима,
Ўзим ўлмай, ким келади юртима,
Болам, менга хабар бергин душманни.

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
Олло менинг ақлу ҳушим олдими?
Бирор юртдан элга душман келдими?
Бирор турли ҳукми равон қилдими?
Шовқунга ирғийди араби тулпар,
Шакаркўлга овга бордим муқаррар,
Ваъда бериб кетди пари зулфақдор.
Ёр ишқидан мен тортарман оҳу зор.
Қандай душман келди элга баякбор?
Душманлардан хабар бергин, Авазжон.

Авазжон Аҳмад сардорнинг иғвосини отасига айтолмади, "Чиллахонадан чиқса, ўзи билиб олар, тоғасининг жазосини берар, чўлда кўрган парини излаб кетиб қолса, лаънати Аҳмад юртни оёқости қилар" деб ўйлади, отасига қараб бир сўз айтди:

Ота, эшит менинг айтган тилимни,
Хизматкор айлагин Аваз ўғлингни,
Опкеб берай ваъда берган ёрингни.

Остимга мингдирсанг қиз белли тулпар,
Шикорқиб отлансам кўп узоқ йўллар,
Олиб келиб берай пари зулфақдор,
То ўлгунча Аваз ўғлинг хизматкор.

Гўрўғли бу сўзни эшитиб, Авазхонга қараб бир сўз деб турипти:

Майдон бўлса сотар эрдинг ширин жон,
Олмасингдан кўяр эрдинг қирмиз қон,
Бу хизматга бел боғлама, Авазжон.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси.
Ботирни ингратар найза яраси,
Бу хизматга бел боғлама, Авазжон
Талаб қилма, Чамбил элнинг сараси.

Шунда Аваз:
Мен йиғлайман аҳволингга зору зор,
Бу хизматга мен борарман, муқаррар,
Шу хизматга, ота, ўзим бормасам,
Отажоним, ўғлим деганинг бекор.

Шунда Гўрўғлибек: — Бу сўзни бежой айтинг, энди ҳарнима бўлса ҳам борасан, — деди Авазжонга. Ота-ўғил чиллахонадан чиқиб келди. Гўрўғли Соқибулбулни чақириб: — Боғда очилган гулим, чаманда булбулим, сўйлар ширин тилим — Авазхон ўғлим, Торкистон шаҳрига — Малика парига бормоқ бўлди. Соқижон, Ғиротни абзаллаб, эгарлаб, чоқлаб Авазжонга олиб келиб бер, —деди.

Соқи Ғиротнинг қошига борса, Ғироти сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, учадиган қушдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай бўлиб, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб ўйнаб турипти. Отга қараб, Ғиротни таъриф қилиб, Соқибулбул бир сўз деб турипти:

Йилқи ичинда ўзинг келган синлисан
Товушқон туёқли, марол беллисан,
Аросат кунида ажаб ҳоллисан,
Гўрўғлининг қимматбаҳо Ғироти

Чу деса ўзасан осмонда қушдан,
Ҳеч камлигинг йўқдир йўрға юришдан,
Сени минган умид қилар бувишдан,
Гўрўғлининг асл тулпар Ғироти.

Гўрўғлибек миниб дарёдай тошди,
Бир кунлари Ирамбоққа етишди.
Ирамбоғда девлар билан савашди.
Шул савашда ёри берган тулпарсан.

Тўрт ярим лак дев чоқ бўлиб от қўйган,
Сени мингган ботир, девни мот қилган.
Шовруб шоҳнинг барно қизин опқочган,
Гўрўғлининг баҳрин очган тулпарсан.

(Давоми келгуси сонда.)

Bolani ko'krak suti bilan oziqlantirish O'zbekistonda boshqa mamlakatlarga nisbatan ancha yaxshi rivojlangan.

"Qushlar olami" to'garagida o'quvchilar tovus, burgut, g'ajir, kaklik kabi qushlarni parvarish qilib, ularni ko'paytirishga harakat qilishayapti.

Qonun va fuqaro

ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(45-мақола)

Аввало, айтиш керакки, мазкур қонун 2 масалани, яъни уй-жой ҳамда хусусийлаштириш билан боғлиқ масалани тартибга солади. Шунинг учун ушбу қонун билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлдиради.

... 1991 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Унда илк бор собиқ шўролар тузумига хос бўлмаган давлат мол-мулкларини хусусийлаштириш масаласи ҳуқуқий тартибга солинди. Сир эмас, шу пайтгача (яъни, ушбу қонунгача) мол-мулклар асосан "давлат(умумхалқ)" мулки ҳисобланарди. Қонун шу боисдан нормаландики, хусусийлаштириш — бу жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир (кейинги таҳрирлар). Ушбу қонуннинг 4-моддаси 4-қисмига кўра, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунларига мувофиқ амалга оширилади(қонуннинг дастлабки таҳририда, ҳозирда бу қисм чиқариб ташланган). Шундай қилиб, 1993 йилнинг 7 майида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Қонун 5 боб, 28 моддадан иборат бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асосларини ва тартибини белгилайди. Бир сўз билан айтганда, қонуннинг асосий мақсади фуқароларга эгаллаб турган уй-жойларига нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини, уни таъминлашга қаратилгандир.

Қонунга кўра, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш деганда, фуқароларга уларнинг ихтиёрига қараб, давлат уй-жой фондининг улар эгаллаб турган ёки янгидан қурилган квартираларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиш, шу жумладан имтиёзли асосда сотиш ёки текинга мулк қилиб бериш тушунилади. Давлат уй-жой фондининг ўзи нима? Давлат уй-жой фонди маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўлиқ хўжалик тасарруфидаги ёки оператив бошқарувида ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш юқорида айтганимиздек, фуқароларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган айрим тоифаларига текинга бериш ёки сотиш йўли билан амалга оширилади. Хусусийлаштирилган турар-жойлар давлат уй-жой фондидан чиқарилиб, якка тартибдаги уй-жой фонди таркибига киритилади.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, фуқароларнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилиши натижасида, уларга квартира товони тўланмаган бўлса, давлат уй-жой фондидан, шунингдек, табиий офатлар оқибатида уйлари бузилиши муносабати билан уларга ёки уларнинг ворисларига текинга берилади.

Хусусийлаштириш объектларига фуқароларнинг ижара шартномаси асосида фойдаланаётган кўп хонали, бир хонали уйлари, янги қурилган уйлардаги квартиралари ҳам киради. Уй-музейлар, меъморий, тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланувчи, ёпиқ шаҳар ва объектлардаги уйлар, умумий ётоқхоналар, белгиланган тартибда яшаш учун яроқсиз деб топилган, хизмат, икки ва ундан зиёд ижарачи яшаб турган бўлса-ю, улардан айримлари хусусийлаштиришга рози бўлмаган квартиралар хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Хусусийлаштириш субъектлари — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида домий яшаб турган (уй рўйхатидан ўтган) Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш фуқароларнинг ўзи истиқомат қилиб турган туман, шаҳар ҳокимига, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ариза бериш билан бошланади. Фуқароларга ушбу турар-жойга эгалик ҳуқуқи турар-жой қиймати тўлиқ тўланган (сотиб олинган) ва ордер олинган пайтдан бошланади. Ордер хусусийлаштирилган уй-жой учун қонуний ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат ҳисобланиб, техник инвентаризация органларида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Хусусийлаштирилган уй-жой — бу мулкдорнинг шахсий мол-мулкидир. У ўз мол-мулкидан ўз хоҳишига кўра, ўз манфаатларини кўзлаб, аммо бошқа шахслар, давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказмасдан фойдаланишга мажбур ҳамдир. Яъни, солиқ ва мажбурий йиғимларни у ўз вақтида тўлаши керак. Ушбу қонун юқоридаги масалаларни тўлиқ қамраб олган.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

КУН ТАРТИБИДА БОЛАЛАР ДИЕТОЛОГИЯСИ

Ҳукумат ва давлат, ота ва онанинг ҳар бир хатти-ҳаракати соғлом авлодни вояга етказиш, келажак эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама ривожланган шахслар қилиб тарбиялашга қаратилмоқда. Соғлом ўсишнинг шартларидан бири эса, шубҳасиз тўғри овқатланишдир.

Куни кеча пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида "Болалар диетологияси ва қўшимча озиқлантириш" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда бир неча масалалар кўрилди.

— Биринчи масала, — деди 2-ТошМИ госпитал ва факультет жарроҳлиги кафедраси профессори Асқар Асроров, — кўкрак сути билан озиқланувчи болаларнинг озуқаларида бўлган камчиликларнинг ўрнини босувчи қўшимча овқатлантириш. Болаларнинг тўғри ва соғлом ривожланишлари учун ана ўша қўшимча овқатларни сифатли ва экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқариш иккинчи масала бўлса, учинчи масала ўзи овқатлана олмайдиган беморларни қўшимча озиқлантиришнинг энг самарали йўлларини излаб топиш ва татбиқ этишдир.

Бу анжуман ташкилотчилари Россиянинг болалар ва беморлар учун қўшимча озуқа ишлаб чиқарувчи "НУТРИТЕК" фирмаси, Ўзбекистонда фаолият юритаётган "Болалар таомлари" Холдинг компанияси, "Жаҳон савдо плус" фирмаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўлди.

Кўпчилик саломатликнинг бош омилларидан бири тўғри овқатланиш эканлигини тушунавермайди. Бир қанча тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳатто шифокорларнинг ўзи ҳам даволик хусусиятига эга бўлган озиқ-овқатлар ҳақида кам маълумотга эга эканлар. Болани кўкрак сути билан озиқлантириш Ўзбекистонда бошқа мамлакатларга нисбатан анча яхши ривожланган. Аммо сўнгги вақтларда кўкрак сути билан озиқланаётган чақалоқлар ҳам қўшимча овқатларга эҳтиёж сезишмоқда. Шундай пайтларда сифатли болалар озуқалари ҳақида ҳақли савол туғилади.

Ташкилотчилар худди мана шу саволга жавоб бериш мақсадида, бир қатор илмий изланишлар асосида ишлаб чиқиладиган болалар маҳсулотларининг кўргазмасини ҳам ташкиллаштиришди. Қатнашчилар турли болалар таомлари, мева шарбатлари ҳамда пюреларидан татиб кўришди.

Анжуманда Россия ва Ўзбекистоннинг болалар шифокорлари, "НУТРИТЕК" фирмаси, "Жаҳон савдо плюс" ҳамда "Болалар таомлари" Холдинг компанияси вакилларидан иборат 150 нафардан ортиқ кишилар иштирок этди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ИНТИЗОМГА ЭЪТИБОР

Сўз бошидаёқ шуни айтиб ўтайликки, Қамаши туманидаги "Биоэкосан" ўқувчилар маркази жамоаси аъзоларининг меҳнат интизомига қатъий риоя қилишлари бизга жудаям маъқул тушди. Мавжуд 11 та тўгарак қатъий жадвал асосида ўз вақтида машғулотларини ўтаяпти. Тўгарак раҳбарлари тасдиқланган режаларга мос кўргазмалар асосида катта тайёргарлик билан ҳар бир машғулотни талаблар даражасида олиб боришаяпти.

— Мавжуд 11 та тўгаракларимизда айни кунда 300 нафардан ортиқ ўқувчилар ўқув машғулотларидан сўнг, бўш пайтларида таълим-тарбия олишаяпти, — дейди "Биоэкосан" ўқувчилар маркази директори Фани Маманазаров. — Барча тўгаракларимиз табиат муҳофазаси мавзусидаги мақсадларга қаратилган. "Экология", "Гулчилик", "Атроф-муҳитни ўрганиш", "Боғбончилик", "Ўсимликшунослик", "Қуёнчилик", "Қушлар дунёси" каби тўгаракларимиз махсус тажриба-синов режалари асосида иш олиб бораяпти. Айтайлик, "Қушлар олами" тўгарагида ўқувчилар товус, бургут, ғажир, каклик каби қушларни парвариш қилиб, уларни кўпайтиришга ҳаракат қилишаяпти. "Гулчилик" тўгарагида узоқ ўлкалардан, ҳатто океан ортидан келтирилган ноёб гуллар парвариш қилинаяпти...

Maktabdan tashqari ta'lim

ТЎГАРАКЛАРДА ИБРАТЛИ ИШЛАР

"ЁШ ЭКОЛОГ"

Табиатшунослик фани муаллими, "Шуҳрат" медали соҳиби, бир неча китоблар муаллифи Содат Остонов раҳбарлик қилаётган тўгарак ана шу ном билан аталади.

— Тўгарагимизда айни кунда 30 нафар ўқувчи иштирок этаяпти, — дейди Содат ака Остонов. — Уларнинг барчаси табиатимизнинг ёш жонкуярлари, изланувчан ва алоҳида иқтидорга эга бўлган болалар...

Қаранг, "Ёш эколог" тўгарагининг ҳар бир аъзосига маҳаллий шароитдан келиб чиқилган ҳолда доимий ишлаш ва кузатиш учун алоҳида-алоҳида мавзулар берилган. Тўгаракнинг ҳар бир аъзоси ўқув йили якунида ўз мавзуси бўйича "реферат" иши ёзиб, кузатув ишларини ҳимоя қилади.

Яхши иш. Нима дедингиз? Гарчи миттигина бўлсада, ишқилиб изланишлар бор-да.

"ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ" КЛУБИ

"Биоэкосан" ўқувчилар маркази раҳбарияти ва тиниб-тинчимас муаллима Муҳаббатхон Ниёзованинг саъй-ҳаракатлари билан марказда "Оилага тайёрлаш" клуби ташкил этилди.

Айни кунда клубда 25 нафар ўқувчи ёшлар ҳаётий ўгитларни ўрганмоқдалар. Улар энг аввало оила деб аталмиш қутлуғ даргоҳнинг шарт-шароитларини, китобларда ёзилмаган қонун-қоидаларини, уй-рўзғор юмушларию таомлар тайёрлашни, меҳмон кутишлару тўй-маърака удумларини, борингки, эртанги катта ҳаётда асқотадиган "икир-чикир"ларни ўрганаяптилар.

— "Оилага тайёрлаш" клубининг машғулотларига шахсан ўзим жуда-жуда қизиқаман. Шу боисдан ҳам ҳар бир машғулотга қатнашишга ҳаракат қиламан, — дейди "Биоэкосан" ўқувчилар марказининг директори Фани Маманазаров. — Мана, олдинги машғулотда "Бешик тўйи ва уни ўтказиш урфлари" мавзусида гап кетди. Баҳсларга бой, қизиқарли машғулот бўлди...

Бундай ўйлаб қарасак, ёшларимизга ўргатиш керак бўлган гапсўзларимиз ҳали жудаям кўп. Бу борада ҳам муаллимларимиз асосий ташаббусни қўлларига олишлари керак, худди Қамаши туманидаги "Биоэкосан" ўқувчилар маркази жамоаси аъзолари сингари. Ахир Ватан остонадан бошланади-ку!

А.ОБИДДИН

МАТБАА СОҲАСИ — XXI АСРДА

Янги, XXI аср ахборот узатиш асридир. Бу борада матбаа йўналишини ахборот узатиш воситаси десак муболаға бўлмайди. Бутун дунё бўйича айнан матбаа соҳаси соат сайин ўзгариб бораётганини кузатиш мумкин. 40 дан ортиқ мамлакатда матбаачи кадрларни тайёрлайдиган 110 та олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот ташкилотларини бирлаштирган матбаа олий ўқув юртларининг Халқаро Ассоциацияси ушбу соҳанинг ривожи йўлида долзарб муаммоларга бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиб келмоқда. Ассоциация уюштираётган конференциялар Сан-Паул, Санкт-Петербург, Штутгарт каби дунёнинг машҳур шаҳарларида ўтказилаётган бўлса, навбатдаги 34-халқаро конференция Осиё қитъасида биринчи марта пойтахтимизда ташкил этилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг маданият саноатида конференцияга Буюк Британия, Германия, Россия, Хитой мамлакатлардан етук мутахассислар, олий ўқув юрти ректорлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар таклиф қилинди.

Anjuman

Институт Марказий Осиёда матбаа саноатига юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган ягона даргоҳдир. У 1996 йилда халқаро матбаа олий ўқув юртларининг ассоциациясига ҳам аъзо бўлган. Яна бир жиҳати 15 нафар талаба ишлаб чиқариш амалиётларини Европанинг етакчи матбаа корхоналарида ўтказдилар. Қувонарли жиҳати шундаки, дунёда матбаа машиналари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича таниқли ҳисобланган "HEIDELBERG" фирмаси билан ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган матбаа ўқув маркази ташкил этилди. Шунингдек, талабалар, аспирантлар ва профессор ўқитувчилар "INTERNET" тизимидан самарали фойдаланмоқдалар, масофадан ўқитиш жорий этилиб, видеоконференциялар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Институтнинг матбаа соҳасидаги халқаро алоқаларини ўрнатишда ассоциация президенти, халқаро илмий-амалий конференция ташкилотчиларидан бири, профессор Хартман Лиебетрутнинг ҳиссаси катта. У институтнинг фахрий профессоридир. Конференция қатнашчилари Самарқанд шаҳрида жойлашган матбаа корхоналари ва маданий-тарихий обидалар билан ҳам танишдилар.

Азиз НОРҚУЛОВ

«БАЛИҚ ЭМАС, ҚАРМОҚ БЕР»

Халқимизнинг "Берсанг балиқ эмас, қармоқ бер" деган дурдона ҳикматида кенг маъно мужассам. Шулардан бири "Меҳнат қилиб, балиқни ўзим топай" ёҳуд "Касб-ҳунар бер, ўз тирикчилигимни ўзим қилай", каби маъноларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Инсониятга касб-ҳунар зарурияти ёки ҳавас Ер юзида Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошқа ҳеч ким бўлмаганида, бамисоли жаннатий еримизда улар зерикиб, тушкин ҳолга тушганларида Оллоҳ уларга "меҳнат" билан шуғулланишни буюрган. Шунда улар зироатчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Шундай қилиб, биринчи касб-ҳунар — зироатчилик бўлган.

Шариатда фарз бўлган амаллардан бири "Дунё тирикчилиги учун одамларга зарур бўлган касб-ҳунар билан шуғулланишдир".

"Илму ҳунарни Хитой (Чин) дан бўлса ҳам, бориб ўрганинглар", "Касбнинг афзали ҳалол савдо ва кишининг қўл меҳнати", "Касбларнинг энг ёмони судхўрликдир... Касби ҳалол, илмига амал қилган киши қандай яхши", деб васият қилганлар жаноби Расулуллоҳ.

Улуғ мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ўзининг "Насойимул муҳаббат" асарида тасаввуф пирлари ва шайхлар ҳам "ҳалол луқма касбига муздирлик қилибдурлар", дейди.

"Марғилон ўз ҳунармандчилиги ва санъаткорлари билан дунёга танилган. Хорижлик меҳмонлари Марғилон ҳунармандчилиги билан танишиб, лол қолаётганини гувоҳи бўлмоқдаман", дейди биз билан ҳамкорликда иш олиб борувчи "Ҳунарманд" уюшмасининг раҳбари Наримон Шокорли фуқароларига эътибор берган. Касб-кору ҳунарини намойиш этишга имкон яратган.

Президентимиз ҳам мамлакатимиз, унинг фуқаролари келажагини кўзлаб, ёш-авлодни касб-ҳунарга тайёрлашга энг муҳим вазифа деб қараётир.

Шу ўринда мен ота-оналарга демоқчиманки, педагогларга, психологлар ва кенг жамоатчиликка ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтиришда, уларга ҳунарли бўлиши учун имконият яратишда биргаликда саъй-ҳаракат қилайлик.

Тоҳиржон УСМОНОВ,
Марғилон шаҳар ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Маркази раҳбари

Ogohlik

АЖАЛ СЎҚМОҒИ

Ҳаёт гўзал! Соғлом турмуш тарзини одат қилган одам доимо яхши кайфиятда бўлишнинг жуда кўп усулларини билади. У ҳеч қачон гиёҳванд оғушига ўзини урмайди. Лекин баъзилар ажал комига кўрабила туриб ўзини ташлайди. Ҳозирда жаҳонда минглаб одамлар ўз қадрлари ва номусларини йўқотиб, гиёҳванд модда деб аталмиш юҳо қулига айланиб қолмоқда. Тиббиёт соҳасида аниқланишича, гиёҳвандлик оқибатида ОИТС каби бедаво касалликлар ҳам юзага келаяпти. Жаҳон бўйлаб тарқалган ва кенг қулоч ёйган бу "офат" бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ўзбекистонда ҳам бундай касалликлар аниқланган.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 1987 йилдан 2003 йилнинг 1 апрелига қадар 1850 нафар фуқаро СПИДга чалиниб, рўйхатга олинди. Уларнинг 56 нафари чет эл фуқаролари, қолган 1794 нафари эса Ўзбекистон фуқаросидир. Улардан 84 нафари вафот этган. Рўйхатга олинганлар орасида ёши 18 ёшдан ошганлар 1841 нафар ва ёшлар эса 9 нафарни ташкил этади. Шулардан 1548 нафари эркаклар, қолган 302 нафари эса аёллардир. Бу касалликни ҳудуд жиҳатдан бўлиб ўрганадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида 923, Тошкент вилоятида 475, Сурхондарё вилоятида 73, Фарғона вилоятида 71, Самарқанд вилоятида 47, Бухоро вилоятида 29, Андижон вилоятида 47, Наманган вилоятида 22, Хоразм вилоятида 20, Қашқадарё вилоятида 17, Сирдарё вилоятида 15, Навоий вилоятида 8, Жиззах вилоятида эса 7 нафар «заҳарланганлар» рўйхатга олинган. Республикамизда айнан мана шу касалликларнинг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар олиб бориляпти. Ҳозирда республика Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан «Эпидемиологик назоратни кўчайтириш» бўйича лойиҳа тайёрланаяпти. Айни пайтда вилоятларимизда ҳам эпидемиологик назорат кучайтирилган. Си-Ди-Си ташкилоти томонидан замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 19 та диагностик лаборатория ўрнатилиши режалаштириляпти ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан БМТнинг наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма лойиҳа доирасида ишонч пунктлари ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Ана шу ишонч пунктларида ҳамма хизматлар жорий қилинган. Энг асосийси бепул ишонч телефонларидир. Бу хизмат 2003 йилнинг 15 мартидан амалга оширилган бўлиб, ҳозиргача кўпгина фуқароларга назарий маслаҳат ва ёрдам берилди. Хизматнинг ҳам асосий ташкилотчиси юқоридаги қўшма лойиҳадир.

Ишонч телефонлари қатор қулайликларга эга ва у турли функцияларни амалга оширади. Ҳар қандай одам ушбу ишонч телефон орқали СПИД касаллигининг қандай йўл билан юқиши, унга қарши қандай кураш олиб бориш лозимлиги ҳақида билиб олиши мумкин.

Мутахассислар ушбу пунктларда ишонч лойиҳаси асосида касалга чалинганларга назарий томондан психологик ёрдам бера олади. Шу билан биргаликда ишонч пунктларининг аниқ манзиллари, улар ҳақида тўлиқ маълумот бериб боришади.

76-85-08 ишонч телефон рақами бўлиб ҳар куни якшанбадан ташқари 9.00 дан 21.00 гача ишлайди.

СПИД касаллигининг отаси бу — гиёҳвандликдир. Азиз ёшлар юқоридаги кўрсаткичлардан ҳам маълум бўляптики, бу йўл — қоронғу йўл. Бу сўқмоққа кирганлар ўзини ажал сари етаклаб боради. Шунинг учун жамоатчилик орасида бу иллатларнинг моҳияти тўғрисида турли-туман тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Улар бу борада аҳоли билан айниқса, ёшлар билан кенг ҳамкорлик олиб бормоқда. Дарвоқе ёшлар орасида турли хил амалий тадбирларни олиб бориш билан биргаликда плакатлар-буклетлар чиқарилмоқда, видеофильмлар ишланмоқда.

Зеро, бизнинг жамиятимизда бу каби иллатларга асло ўрин бўлмаслиги керак.

ВИЧ/СПИД ишонч маркази маълумотлари асосида Дилмурод СОДИҚОВ, тайёрлади.

АКАМНИ ЭСЛАБ...

Биз уни ака дердик. Аслида у бизга тоға бўларди. Чунки, бизнинг туғишган акамиз йўқ эди. Биз у билан бир хонадонда яшаб, катта бўлганимиз учун акадек бўлиб кетган эди. Хонадонимизда ўқимишли киши ҳам шу Алижон акамиз эди. Отам саводсиз, онам бошланғич маълумот билан қолиб кетган эди. Бизлар эса ҳали ёш, эндигина мактаб бўсағасига қадам қўяётган пайтлар эди. Бу — 50-йилларга тўғри келади.

Урушнинг сўнгги йиллари аввал акамизнинг онаси, кейинроқ отаси вафот этади. У синглиси Қўйсиной билан бизнинг ойламиз аъзоси бўлиб қолади. Улар отамнинг тус жияни — синглисининг болалари эди. Отам узоқ йил фарзанд кўрмай, қариндош-уруғларнинг болаларини фарзандликка олиб тарбиялаган. Кейинчалик худонинг каромати билан бизлар туғилганмиз. Отам, онам ака-сингил етимларни бағрига босди, ош берди, кийдирди, ичирди. Улар етимликни кўп билмай ўсдилар. Алижон акамиз ҳам, синглиси ҳам қишлоқ мактабида ўқиди. Бошланғич маълумотни олгандан сўнг, ўқишни биздан узоқроқдаги қишлоқда, Ертепада давом эттирди. Чунки у пайтлар бизнинг қишлоқ Тўқманғитда ўрта мактаб йўқ эди. Оғир уруш йилларида ўқиш ҳам, ишлаш ҳам осон бўлмаган. У давр ёшлари бор қийинчиликларни кўриб ўсган, улғайган. Далада меҳнат қилган, уй юмушларини бажарган.

Алижон Нуралиевнинг ҳаёти ҳам тоға эшигида тарбияланса-да, ўша давр қийинчиликларини четлаб ўтмаган. Машаққатли йиллар "маза"сини тотган, етим-есирлар кўрган кунларни улар ҳам кўрган, бошдан кечирган. Қийинчиликлар қанчалик кўп бўлса-да, Алижон аканинг фикризикри ўқиш билан банд бўлган. Тоғаси Амирқулбобо: "Бизнинг авлоддан ҳам ўқимишли киши чиқсин" деб, унинг юриш-туришидан огоҳ бўлган, ўқишини қузатиб борган. Шу тариқа Алижон Нуралиев Ертепадаги қишлоқ мактабини битириб, Қаршидаги ўқитувчилар тайёрлаш икки йиллик институтига киришга муваффақ бўлади. 1952 йилда институтни битириб, воҳанинг узоқ ва чекка туманларидан бири Китобда ўқитувчилик қила бошлайди.

Xotira

Муаллим учун мактаб — муқаддас жой. Нафақат муаллим учун — мактаб остонасини босган ҳар бир инсон учун у шундай табаррук маскан. Оқ-қорани инсон боласи мактабда танийди. Мактабда одамзот фарзандининг шакл-шамойили шаклланади. Ўқитувчи ўқувчи учун сирли олам бўлиб туюлади. Ҳар бир ўқувчи ҳам ўқитувчи назарида кашф этилмаган янги дунё сифатида намоён бўлади.

Алижон Нуралиев ҳам шундай сирли олам қучоғида қирқ йилдан ортиқроқ яшайди, меҳнат қилади. Бу олам билан бирга бўлишнинг, яшаш ва меҳнат қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам, завқи, шавқи, сурури ҳам бўлади. Шу йилларда маърифат фидойисининг тўлиқ сиймоси шаклланади, характери тобланади.

Ўқитувчи ота-она мисол болаларни тарбиялайди, ўқитади, билим беради. Ёш ниҳол қалбига зиё бағишлайди, эзгулик уруғини сочади, маърифат оламига етаклайди. Ўзининг юриш-туриши, кийиниши, муомаласи ва бошқа шунга ўхшаш ижобий ҳислатлари билан унинг қалбида бир умрлик меҳмон бўлиб яшаб қолади. Ёш авлод учун мактаб ана шундай тимсол белгисидир. Ёруғ жаҳон ва Ватан мисол саждагоҳдир. Абу Носир Форобий айтганларидек, билим, маърифат яхши ахлоқ билан мактабда безанади. Шу боисдан ҳам жамиятимиз мактабга, болаликка, ёш авлодга буюк эҳтиром билан қарамоқда. Ватан тақдирини маърифат ва иқтидорни, ўқитувчи сиймосида кўрмоқда.

Алижон Нуралиевда ҳам халқ ўқитувчисига хос шундай фазилатлар бор эди. Унинг умри ҳам мактабда, нав-ниҳоллар, ёшлар орасида ўтди. У ҳаётдан олган сабоғини, бор истеъдодини улар учун сарфлади. Ўқитувчининг "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланиши ҳам шундан. Ёш авлодни илк бор қўлига қалам тутқазиб, алифбони ўргатган, саводини чиқарган муаллимга нисбатан бизда ҳамиша ҳурмат юксак. Чунки биринчи ўқитувчи ўқувчига нина билан қудуқ қазигандай ҳарф ўргатади, унинг саводини чиқаради, юксак парвозларга ундайди, келажак учун замин ҳозирлайди.

Исмоил АМИРҚУЛОВ

Ehtirom

ШОГИРДЛАР ВА ОИЛА АРДОҒИДА

1913 йилда Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилган Раҳим Бобожонов бахтсизлик туфайли отасидан эрта етим қолди. Болалар уйида тарбияланди. У тиришқоқ ва зукко эди. Кейинчалик у педагогика техникумига ўқишга кириб, "аъло" баҳоларга тамомлади. Олган билимларини мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига ихлос билан ўргатиб, ёшларни саводхон қилиш йўлида бор куч-ғайратини сарфлади. Унинг фан чўққиларини эгаллаш орзуси 1932 йилда ушалди, яъни Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Олий даргоҳда ўзининг тиришқоқлиги, қобилияти ва дўстларга меҳрибонлиги билан ҳурмат қозонди. Университетни муваффақиятли тамомлагач, Фарғона педагогика институтида ўқитувчилик қила бошлади.

Ташкилотчилик қобилияти билан танилган Раҳим Бобожонов Андижон ва Наманган шаҳарларидаги ўқитувчилар тайёрлаш институтларида директор бўлиб ишлади ва ёшларни институтга жалб қилиш, кафедралар ишини тартибга солиш билан шуғулланди. Қилинган меҳнатлари беиз кетгани йўқ. Унинг Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида шогирдлари талайгина.

1960 йилда Андижонда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг филиалини ташкил этишда Раҳим аканинг хизматлари катта бўлди. У филиалга раҳбарлик қилиб, қишлоқ хўжалигига инженер-механиклар ва ирригаторлар тайёрлаб бериш йўлида астойдил меҳнат қилди.

1973 йилда нафақага чиқса-да, дарс беришда давом этди. Меҳрибон устоз ҳозирда оила даврасида, шогирдлари ардоғида.

— Мен ўқитувчилик касби орқасидан обрў-эътибор топдим. Мана, 90 баҳорни кўриб турибман, ҳаётимдан мамнунман, — дейди Раҳимжон ота.

Домланинг фарзандлари, набиралари ҳам оталари изидан бориб, педагоглик касбини давом эттирмоқдалар. Қизлари Шаҳодатхон ва Шоҳистахонлар ҳам ўқитувчи.

Раҳим Бобожонов каби моҳир педагогларимизнинг ҳаёти барчамизга ибрат.

Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

Qachon katta bo'lib, shu gujumning tanasiga quchog'im etarkan, deb o'ylardim.

— G'olib chiqsak, mana bunaqa sovg'alar berisharkan, — dedi "Tashkent Open" doirasida tashkillashtirilgan "Bolalar kuni"da qatnashgan bir bolakay.

КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Шу йилнинг 6-12 октябрь кунлари пойтахтимизда «Тошкент опен» халқаро аньанавий аёллар теннис турнири бўлиб ўтди. Мусобақанинг жуфтлик баҳслари финалида Т.Пучек (Беларус) Ю.Бейгелзимер (Украина) билан биргаликда Хитой вакилалари — Тинг Ли ва Тиан Тиан Сун

жуфтлигини 6:3, 7:6 ҳисобида доғда қолдирди.

Яккалик баҳслари финалида В.Паскуал (Испания) 6:2, 7:6 ҳисобида С.Обата устидан зафар қучиб, мусобақа ғолибасига айланди.

— «Тошкент опен»дек нуфузли турнирда ғолиб чиқиш жуда мушкул, - деди В.Паскуал. - Финалда ғалаба қозониш учун бор маҳорат ва тажрибамни ишга солдим. Ўзбекистонда спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этилишини биламан. Чунки бир неча йилдан буён «Тошкент опен» турнирини зўр иштиёқ билан кузатиб бораман. Ўзимга ёққан мусобақада ғалаба қозонганимдан бахтиёрман. Бу заминда келаси йили ҳам чемпионлик номини ҳимоя қилмоқчиман.

Шундай қилиб, бир ҳафта давом этган турнир поёнига етди. 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган турнир ғолибалари - П.Вартуш (Австрия), А.Гавальдон (Мексика), А.Смашнова (Исроил), И.Тўлаганова (Ўзбекистон), Б.Ламаде (Германия) ва М.Микаэлян (Швейцария) сафига испаниялик Виржиния Руано Паскуаль ҳам қўшилди.

Мусобақалар сўнгида Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоабдурахмонов ва «Тошкент опен» турнири ижрочи директори Шун Ругам Утрапати ғолибаларга турнир совринни ва эсдалик совғаларини топширди.

ИСРОИЛДА ОЛМОС МОЖАРОСИ

Исроил давлати олмос биржаси раисининг биринчи муовини Авраам Трауб полиция томонидан қамоққа олинди. Интерпол орқали Россия томонидан қидирилаётган тадбиркор йирик миқдордаги олмосларни Россиядан ноқонуний олиб чиқиб кетганликда айбланмоқда. Исроилда олмосни қайта ишлаш корхоналари ичида Авраам Траубнинг ширкати ниҳоятда обрўли ҳисобланади. Ишбилармонларнинг "Avraham Traub Diamonds" компанияси йилига 20 миллион долларлик қимматбаҳо тошларни қайта ишлайди ва сотади. Шу пайтгача Исроил тадбиркорлари рус ҳамкорлари билан ҳеч қандай муаммоларсиз иш олиб боришган. Авраам Траубнинг адвокати айтишича, ҳозирча суриштирув ишлари олиб борилмоқда ва Авраам тез орада озодликка чиқади.

ГИТЛЕРНИ ЁҚИБ ЮБОРГАН СС ОФИЦЕРИ ДУНЁДАН КЎЗ ЮМДИ

86 ёшга чиққан собиқ гитлерчиларнинг СС разведка хизмати офицери ва Адольф Гитлернинг шахсий адютанти Отто Гунше дунёдан кўз юмди. Кўп йиллар Гитлернинг шахсий адъютанти бўлиб ишлаган офицер 1945 йилнинг 30 апрель кунларини тез-тез эслаб туради. Отто Гуншенинг айтишига қараганда, уруш ютказилганини тушунган Адольф Гитлер ўз бункерида заҳарли ампулани чайнаб юборган, сўнг эса пистолетни чаккасига қўйиб ўқ узган. Гитлернинг хотини Ева Браун эса фақат ўзига ўқ узган. Бир неча соатлардан сўнг Отто Гунше уларни бункердан олиб чиққан ва яқин атрофдаги чуқурликка ташлаб, ёқиб юборган.

Совет аскарлари Берлинга киргач, Отто Гунше Москвага сўроқ қилиш учун олиб кетилган. Шу билан у Россия турмаларида 10 йил ўтирган. Қамоқдан чиққач эса, Германияга қайтиб келиб осойишта умр кечирган.

ИРОКДА ЯНА БИР ПОРТЛАШ

ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Ироқнинг пойтахтида жойлашган "Baghdad" меҳмонхонаси ёнида қўпорувчилик ҳаракати амалга оширилган. Террорчилик хуружини автоуловни бошқариб, тўғри меҳмонхона ҳовлисига уриб кирган камикадзе эркак содир этган. Кучли портлаш натижасида 7 киши ҳалок бўлган ва 11 киши оғир яралланган. АҚШ офицерининг хабар беришича, автоулов меҳмонхонага етиб бормай портлаган, акс ҳолда ярадорлар ва қурбонлар сони янада кўпроқ бўлиши мумкин эди.

"Baghdad" меҳмонхонасида кўпгина АҚШ ҳарбийлари ва АҚШ разведка хизмати ходимлари яшаган. Жумладан, меҳмонхонада Ироқнинг вақтинчалик ҳукумат аъзолари ҳам жойлаштирилган. Портлаш вақтида меҳмонхона ичида одам кўп бўлмаган.

АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ ИРОКДА 2010 ЙИЛГАЧА ҚОЛИШАДИ

NBC телекомпаниясининг хабар беришича, АҚШ ҳарбийлари Ироқда яна бир неча йил қолишга мажбурлар. Бу ҳақда сенат қўмитаси аъзоси, сенатор Ричард Лугер хабар берди. Сенаторнинг айтишича, АҚШ ҳарбийлари сони бирмунча ўзгариши мумкин. Уларга ишлатиладиган сарф-харажатлар сони ҳам 100 млрд. долларга етиши мумкин. Бир ҳафта олдин Жорж Буш конгрессдан Ироқ ва Афғонистон учун 87 млрд. доллар сўраган. Эндиликда Ироқ масаласи билан шуғулланадиган махсус гуруҳ ташкил этилди. Унинг раиси этиб Кондализа Райз тайинланди. Махсус гуруҳ Ироқда терроризмга қарши кураш, иқтисодиёт, молия ва ОАВ билан шуғулланади.

ЯПОНИЯДА МАШҲУР ШИРКАТ РАИСИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Япония полиция маҳкамаси "Жипангу" ширкатининг бошқарув раисини қамоққа олди. Полиция ахборот хизмати тарқатган маълумотларга қараганда, автоуловлар билан савдо қиладиган корхона Шимолий Кореяга сохта ҳужжатлар орқали баллистик ракеталарни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар сотган. Шу билан бир қаторда Шимолий Кореяга Хитой орқали оғир юкларни тортадиган тигач-машиналар жўнатилган. Ушбу тигачлар баллистик ракеталарни жойдан-жойга тезлик билан кўчиришда жуда қўл келади. Ҳозирда полиция ширкат фаолиятини тўхтатиб қўйган.

ЧИКАГОДА ҲАЛОКАТ

АҚШнинг Чикаго шаҳрида йўловчи поезд изидан чиқиб кетиши натижасида ҳалокатга учраган. Темир йўл ҳалокати натижасида 100 киши тан жароҳати олган. АҚШ темир йўл хизматининг хабар беришича, фақатгина 10 киши шифохоналарга жўнатилган, қолганларига эса воқеа жойининг ўзида тез ёрдам кўрсатилган.

Тўрт вагондан иборат локомотив тўнтарилиб кетган. Ҳозирда текшириш комиссияси иш олиб бормоқда.

Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ
интернет хабарлари асосида тайёрлади.

"ГУЖУМ"НИ КЎРСАМ...

Болалигимни эсласам, кўз олдимда ҳовлимиздаги катта чинор гавдаланади. Хоразмда бундай чинорларни "гужум" дейишади. Бу гужумни Холмат бобомнинг оталари Курёз бобо эккан эканлар. Узоқдан келаётганларга ҳам бизнинг гужум худди кўм-кўк ўрмонзорга ўхшаб кўринар, дилтортар, кўркам манзара ҳосил қиларди. Куз кезлари ҳар куни эрталаб ҳовлимиз тилла ранг барглар-га тўлиб кетарди. Ўйимиз олдида мактаб жойлашгани учунми, кўпчилик ўқувчилар бизнинг гужум манзарасида суратга тушишарди. Гужумнинг катталигидан учта-тўртта болалар қўл бериб қучсак-да, қулочимиз етмасди. Шунинг учун бўлса керак, дунёда бизнинг гужумдан улуғроқ дарахт йўқдек туюларди. Қачон катта бўлиб, шу гужумнинг танасига қучоғим етаркан, деб ўйлардим. Аммо, инсон улғаяверган сари орзулари ҳам катталашиб борар экан. Кейинчалик соясида шодон болалигим ўтган, беш авлоднинг ҳаётига гувоҳ бўлган гужум ҳам қуриди. Унинг бақувват илдизларини суғуриш ҳам қийин кечди. Ҳозир ҳам экологиянинг ёмонлашуви туфайли Хоразмда саноқли қолган гужумларни кўрсам, ўзимни болалик хотираларимга қайтгандек ҳис қиламан.

ШИФОКОР ОЛДИДАГИ БОЛАКАЙ

Тиш шифокорининг қабулида ўтирган бир аёл, унинг ёнидаги келини ва 2-3 ёшдаги ширингина болакай диққатимни тортди. Хонага кириш навбати аёлга келганида, у шифокорнинг "ҳай-ҳайи"га қарамай, неварасини ўзи билан олиб киришини айтди. "Дўмбоғим олдимда ўйнаб, овозини эшитиб турсамгина хотиржам ўтираман, оғриқ ҳам билинмайди", деди. Аёлнинг гапларидан ҳайратга тушдим. Неварасинин олдида бўлса, оғриқ билинмас эканда. Наҳотки?

Ҳа, бизнинг ўзбеклар ана шундай болажон халқ. Невараси, фарзанди кўз олдида ўйнаб-кулиб юрса, хотиржамгина ҳаёт кечиради, ҳар қандай мушкулотни осонгина енгади. Ўзи емай боласига едиради, ўзи киймай, дилбандим ҳамма қатори юрсин, дейди. Нене меҳнатлар билан оёққа турғазгач эса тўй қиламан, уй қураман деб яна олдинга интилади. Қарабсизки, фарзандларининг ширин ташвишларига ўралашиб, умрини ўтказади.

Болалар туғилганиданоқ ўз атрофидагиларга қувончу шодлик келтирадилар. Бу барчага кундек равшан. Вақт ўтиши билан уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, қилиқлари ота-она томонидан "янги кашфиёт" каби қабул қилинади. Бироқ, тинчлик, осойишталик ҳукм сурган юртдагина кичкинтойларнинг болалиги ҳақиқий маънодаги "пошшолик даври"га айлана олади.

ДУНЁ БОЛАЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

Ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали оқиб келаётган ахборотлардан маълумки, дунёнинг нотинч ўлкаларида мактабгача ва мактаб ёшидаги болакайларнинг қўлида ўйинчоқ эмас, совуқ қурол билан улғаяётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Кичкинтой шундай муҳитда ўсаётган экан, унинг орзу-умидлари, ўйлаётган ўйлари, дунёқараши ҳам "заҳарланади". Келажакка бўлган ишончи йўқолиб, инсонларга нисбатан муносабатда совуққон бўлади.

Мактаб— болаларнинг асосий билим ва тушунчаларни оладиган, уларни жамият ҳаётига ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялайдиган маскан. Бизнинг юртимизда барча болалар 6-7 ёшлигидан мактабга отланади ва бу барчамиз учун одатий ҳолат, бундан бошқача бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Ойнаи жаҳонда айни кунларда намойиш этилаётган "Ошин" сериалини томоша қилар эканмиз, ижарачи деҳқонларнинг, умуман кўпчилик камбағал оилалар ўз фарзандларини мактабга юбора олмаганининг, уларга мактабда таълим олиш энг катта бахт саналганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Афсуски, БМТнинг Болалар фонди — ЮНИСЕФ ташкилотининг маълумотларига кўра, хусусан, Сахарадан жанубда жойлашган кўпчилик Африка давлатларида, жанубий Осиёда 50 миллиондан зиёд мактаб ёшидаги қизлар, Ҳиндистон, Покистондаги жуда кўпчилик болалар ўқишга қатнамайдилар. Мактабда таълим оладиганлари ҳам чайлага ўхшаш палаткаларда, шовқин-суронда дарс олишади. Қизлар таълими ҳаракатининг 2001 йилда Угандада ўтказган тадбирлари натижасида африкалик, угандалик, кениялик болалар катталарнинг кўрсатма ва насиҳатларига асосланиб, ўзларида таълим олишга куч ва шижоат топа олишди, кўтаринки кайфиятда ўз фикр ва қарашларига эга бўлишди. Улар ўз кўникмаларини тенгдошлари билан ўртоқлашиш, жамият ҳаётида ўз ўрнини эгаллашга интилиш мақсадида Кампаладаги Болалар парламентига аъзо бўлиб, Жанубий Африка ва Замбияда ўтказиладиган анжуманга қатнашиш учун тайёргарликни бошлаб юборишди. Улар орасида имконияти чеклангган ва ногирон болаларнинг борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тадбирнинг аҳамияти нечоғли муҳимлигини англаймиз. Шукурки, юртимизда бирорта болани таълимдан четда мажбурлаб олиб қолиш ёки ўқишига қаршилик қилиш ҳоллари йўқ. Бизда ҳамма болалар мактабга оппоқ ниятлар, эзгу тилаклар билан қадам қўяди. Илк бора дарсга кириб, ёзиш, ўқишни ўргатган ўқитувчисини устоз деб, бир умр ҳурматини жойига қўяди.

БОЛАЛАРГА ҲАМ ЧАНГ СОЛГАН ИЛЛАТ

Мўйлаби энди сабза урган йигитча биринчи марта наркотик моддаларни атрофидаги кишиларнинг қистови ва "қизиқтириши" натижасида "татиб" кўради. Шу тариқа боши берк кўчага кириб қолгач, 5-7 йилдан кейин унинг умри ҳазон бўлади. Маълумки, бугунги кунда наркомания ва унинг асоратида келиб чиқадиган СПИД фақатгина ўз эгасини қурбон қилиб қолмасдан, минглаб гўдакларнинг ёстиғи-тилишича, аҳвол шу тарзда давом этса, 2010 йилга келиб, Россияда 8 млн. киши гиёҳвандлик балосига йўлиқар экан. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда эса айни дамда СПИД касаллиги билан оғриганлар рўйхатга олинган. Демакки, бизнинг юртимизга ҳам бу иллат чанг солмоқда. Бунга қарши курашиш учун эса оиламизда, маҳалламизда улғаяётган ҳар бир болага тўғри тарбия бериб, юриш-туришидан бохабар бўлмоғимиз даркор. Зеро, оиладаги тарбия фарзанднинг умр йўлини, ҳаёт мазмунини белгилайди.

КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР

БМТ Бош ассамблеясининг 2002 йилда ўтказилган дунё болаларининг аҳволига бағишланган махсус сессиясида 150 давлатдан иштирок этган 400 нафардан ортиқ болалар қатнашишди. Улар ўз ҳудудларидаги муаммоларини, қалбини ларзага солган барча даҳшатли воқеалар, хусусан, урушлар, унда болаларнинг иштироки ва ўлими, табиий офатлар, болаларни эксплуатация қилиш, тери таносил касалликлари натижасида, камбағаллик оқибатида очликдан силласи қуриган болаларнинг аҳволи каби ўзлари гувоҳи бўлган нохушликларни гапириб бердилар. Халқаро ташкилотнинг юксак минбаридан туриб айтилган ҳар бир боланинг нутқи катталар томонидан диққат билан эшитилди, муносабат билдирилди. Уларга жавобан эса болаларга қулай дунёни болажонларнинг ўзлари иштирокида, биргаликда қуришга келишилган эди. Болаликнинг бахтли дамларини гўзалликка, меҳр-муҳаббатга тўлиқ ҳолда ўтказишга бел боғлаган дунё болалари ўз овозига, фикрига эгалар. Улар жамиятни, келажакни қуришда ҳам ўз иштироки билан ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

СЎНГГИ СЎЗ

Мустақил Ўзбекистонимизда миллионлаб келажагимиз ворислари баъзи давлат болаларидан фарқли ўлароқ, ғам нелигин билмасдан, ота-оналари бағрида ўйнаб-кулиб улғаймоқдалар. Ота-онасининг, бобо-бувисининг дардига малҳам бўлиб, уларнинг "менинг ўғлим катта бўлса, Алпомиш қомат бўлади, бизни машиналарда олиб юради, қизалоғим улғайса, фалон ўқишга киради, бизнинг оиламизга раҳматлар ёғдиради" деган эзгу ниятларини қулоғига қуйиб, қалбини яхшиликка ошуфта қилиб тарбия топишмоқда. Ҳар бир кичкинтой болалигини бир умр эсда қолувчи ёркин онлар оғушида ўтказсин!

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

БОЛАЛИКНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ

Biz va dunyo

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МИТТИ ЮЛДУЗЛАРИ

— Ғолиб чиқсак, мана бунақа совғалар беришаркан, — деди "Tashkent Open" доирасида ташкиллаштирилган "Болалар куни"да қатнашган бир болакай.

Хабарингиз бор, пойтахтимиздаги Тошкент теннис маркази кортларида аёллар ўртасида ўтказилган "Tashkent Open" ниҳоясига етди. Умуман олганда, мукофот жамғармаси 140000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур турнир ўз одатига хилоф иш тутмаган ҳолда бир қатор иқтидорларни кашф этгани, шубҳасиз. Саралаш беллашувларидан асосий турга йўлланма олган россиялик Людмила Скавронскаяни турнир кашфиёти деб аташ мумкин.

"Tashkent Open" турнири доирасида хайрли тадбирлар, турли кўнгилочар томошалар ўтказиш анъанага айланган. Айниқса, дастурдан ўрин олган "Болалар куни", унда иштирок этадиган болажонлардан ташқари, катталаринг ҳам ўзига жалб этди. Сайилгоҳ майдонида ўтказилган бу тадбирга эрталабдан йигирма нафарга яқин кичкинтой иштирок этиш учун келишди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, болалар байрами Ўзбекистон теннис федерацияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 1995 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Мазкур лойиҳани ташкил этишдан мақсад, мамлакатда болалар спортини ривожлантириш, айниқса спортнинг жозибали тури саналмиш теннисни оммалаштириш асосий мезон қилиб олинган. Бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг. "Соғлом авлод", "Она ва бола" давлат дастурларини бу ишларнинг дебочаси деб қарасак, ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси"нинг тузилиши эса юқоридаги хайрли ишларга уланиб кетди. Айни пайтда жамғарма юртимизнинг турли бурчакларида қатор лойиҳаларни амалга ошириб, мақсадлари йўлидан оғишмай бормоқда.

"Болалар куни"да пойтахтимиздаги теннис клублари тарбияланувчилари иштирок этди. Бир нарсани эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон теннис юлдузлари асосан пойтахт тарбияланувчилари сафидан чиқмоқда. Бугунги кунда мазкур лойиҳа ўз атрофига беш минг нафарга яқин тарбияланувчини бирлаштирди. Лойиҳа кашфиётларидан бири бўлган Влада Яхшибарова Аёллар теннис ассоциацияси турнирларида иштирок этишни бошлади.

Сайилгоҳга Иванна Исроилова ва Оқгул Омонмуродовалар ҳам ташриф буюриб, болалар қувончига шерик бўлишди. Тадбирда масхарабоз ва теледўмбоқчаларнинг иштироки тарбияланувчилар қувончини янада оширгани, табиий. Барча қатнашчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Фазлиддин САТТОРОВ

КИК-БОКСИНГЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Мароканд темир йўл депоси спорт залида 1985-87 йилларда ҳамда 1988-90 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида кик-боксинг бўйича вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Ушбу мусобақада вилоятимизнинг барча туман, шаҳарларидан ташриф буюрган ёш кик-боксингчилар билан бирга қўшни Жиззах шаҳридан ҳам спортчилар иштирок этдилар.

Байрамона безатилган спорт саройида вилоят ғолиблиги учун қизиқарли ва шиддатли кечган жанглардан сўнг ўз вазн тоифаларида қуйидаги ёш кик-боксингчилар ғолиб ва совриндор бўлдилар.

Умуров Феруз, Усмонов Эргаш, Аҳмедов Камол — биринчи ўринни эгалладилар.

Жабборов Жавоҳир, Хонкелдиев Фурқат, Хаджаев Жаҳонгир — иккинчи ўринни эгалладилар.

Болтаев Феруз, Хабушев Илдор, Гайниддинов Эдик, Рустамов Феруз, Тагиев Жасур — учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндор кик-боксингчиларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар бўлими (раиси Фахриддин Ашуров), мусобақа ҳомийлари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

Ғолиб ёш кик-боксингчиларни мусобақага ака-ука мураббийлар жаҳон чемпиони Алишер Тўхтамишев ва Грециядa ўтказилган Жаҳон биринчилиги ғолиби, халқаро тоифадаги спорт устаси спортчи мураббий Мамат Тўхтамишев ва мураббий Ҳусан Мардоновлар тайёрладилар.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг корпоратив таълим тармоғи бўйича асосий дастлабки маълумотлар:

1) Олий ўқув юртларнинг умумий сони 63 та, шу жумладан 33 таси Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг сони 862 та, шу жумладан 121 таси Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган.

2) Алоқа канали видео тасвирларни ва аудио маълумотларни узата оладиган бўлиши лозим.

3) Тармоқнинг лойиҳасида "охирги миля" имкониятлари ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Қўшимча маълумотлар учун 139-42-66 телефон орқали Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!

Сизларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги "БИЗНЕС МАРКАЗИ" да Олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрлов бўлимимизга ўқишга таклиф қиламиз. Бизнинг тайёрлов бўлимимизда барча фанлар бўйича машғулотлар ташкил қилинган бўлиб, дарсларни университетимизнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўрта маълумот олиш дастури доирасида, тестлар асосида олиб борадилар. Машғулотлар куннинг II-ярмида 15.00 дан 18.00 гача ўтказилади, яъни сизда куннинг I-ярмида ишлаш ёки ўқиш имкони бўлади.

- ✔ Ўқиш муддати 9 ой.
- ✔ Пул тўлаш нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- ✔ Машғулотлар 2003 йил 22 октябрдан бошланади.
- ✔ Қўшимча маълумотлар учун тел: 55-55-68 55-50-77 56-75-00

Манзил: Низомий номидаги ТДПУ, Асосий бино, "БИЗНЕС МАРКАЗИ" бўлими, 1-25 хона.

Bayraming muborak ey, dorulfunun,
Navqiron yigitdek turibsan mag'rur.
Ne-ne buyuklarga ilm ulashding,
Shu bois qo'yningda halovat, surur.

Baribir, bir kun emas-bir kun har bir qilingan yaxshi amal, ezgulik, har bir gapirilgan gap odamzotning o'ziga qaytib kelishini Aziza yurak-yurakdan his qildi.

Ko'ngil bitiklari

СЕНГА ВАТАН!

Куррамизда янгроқ овозим,
Шул ҳаётда энтикар созим.
Туганмасдир айтсам дил розим,
Ватан дилда ифтихор, ғурур,
Куйлагайман сени бир умр.

Юлдузингдек чақноқ кўзлари,
Зўр меҳрингдан ял-ял юзлари,
Барчин мисол тўкис қизларинг.
Юртим дилда ифтихор, ғурур,
Куйлагайман сени бир умр.

Тунда тонгдек сеҳрли алла,
Само узра қўшиқ ва ялла.
Озод юртим, яшнагин, гулла,
Юрагимга ҳамоҳанг ғурур,
Куйлагайман сени бир умр.

ХОТИРА

Ёзлар ўтиб, яна келса ёз,
Қаро зулфга ораласа оқ.
Қалдирғоч қош, наштар киприклар
Йиллар оша сийракланган чоғ.

Чақмоқ кўзлар, жоду қарашлар
Вазминликни касб қилса ўзга.
"Менинг бувим" — дея талошлар
Севинч ёшини қалқитса кўзга.

Йил зарбидан илвираган жон
Интиқ майса мисол бўй чўзса.
Юрагимдан оқаётган қон
Зурриётим рўйхатин тузса.

Ҳаёт тўкис, бахтим беармон
Деганларим муҳайё бўлса,
Мижиқланган орзулар дилгир,
Толейим-ку қайтадан кулса.

Қанотларим пўлатдан мағрур,
Фарзандларим суянч тоғ бўлса.
Ҳаёт ташлаб ўз ошиғини,
Иккаламиз қуда ҳам бўлсак.

Лек хотира қатма-қатидан
Милт этади, ўша бир учқун.
Шу учқун-ку қалб яралаган,
Чандиқлари юракда тутқун.

СЕН КЕТАРСАН...

Бугун сен кетарсан, хайр-хўш энди,
Елкамга оламан оғир бир юкни.
"Хайр-хўш" сўзининг ҳар нафасида
Сезаман сўз кўрмас яширин ўкинч!

Бугун сен кетасан. Сақламайман кин,
Оппоқ туйғуларим этаман ҳамроҳ.
Лабимда сезаман аччиқ май талхин,
Ўкинма, азизим сенда йўқ гуноҳ.

Бугун сен кетарсан мардликни сийлаб,
Ёлғизлик боғида юраман беҳол.
Минг йиллик чинорнинг бағрига ўйиб,
Меники бўлади тиллари бийрон.

Бугун сен кетасан юракда ғулу,
Мен каби ҳижронда қолганлар камми?
Ёлғизлик девони мунчалар сулув,
Бунчалар фахрли ажрнинг таъми?

Раҳбар МАМАТҚУЛОВА,
Жиззах туманидаги
28-мактаб ўқитувчиси

ҚУТЛОВ

ЎзМУ таваллуд топган кунига бағишлайман

Байраминг муборак эй, дорулфунун,
Навқирон йигитдек турибсан мағрур.
Не-не буюкларга илм улашдинг,
Шу боис қўйнингда ҳаловат, сурур.

Миллатим фахрисан, даргоҳинг олий,
Илми толибларнинг жону дилисан.
Меҳру саховатлар айладинг жорий —
Сен зиё маскани баҳри билимсан.

Бағрингда мавж урар илм уммони,
Донишманд, файласуф фарзандларинг бор,
Довруғинг қуршади бутун дунёни,
Дунё талъатингга бўлди-ку иқрор.

Буюк орзуларинг бор эрур чиндан,
Бу кун сени қўллар жумлаи жаҳон.
Ҳали Навоийлар чиқар бағрингдан,
Беруний, Синолар бағрингда ниҳон.

Нафақат ўзбекка, Шарққа машъалсан,
Суюб куйлар бўлсам битмас достонсан.
Илму фан чўғини сарбаланд этган
Ўзбекистон ичра Ўзбекистонсан.

Мудассир САИДАЗИМОВ,
ЎзМУ доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

Ҳурматли инглиз тили мухлислари!

31 августдан эътиборан, Ўзтелерадиокомпаниянинг халқаро телеканалида "Инглиз тили курси" намойиш этилаяпти. Ушбу кўрсатув "American Councils", АҚШ элчихонаси ҳамда "UzPAK" билан ҳамкорликда тайёрланган. Дастур 20 та кўрсатувдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан (Урганч, Бухоро, Фарғона, Тошкент) АҚШда таҳсил олиб келган инглиз тили муаллимлари янги методикани қўллаб, дарс олиб борадилар. Талабалар ролида АҚШда ўқувчилар дастури бўйича ўқиб келган тошкентлик йигит-қизлар иштирок этишган. Курс якунида 2004 йилнинг 11 январь куни энг фаол талабалар АҚШ элчихонаси томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланадилар.

Курс саволлари "Ma'rifat" газетаси ҳамда www.dl.uz интернет сайтида ҳар ҳафта эълон қилиб борилмоқда. Марҳамат, олтинчи ва еттинчи дарс саволларини ёзиб олинг:

1. What types of school are there in the USA?
2. What are the similarities and differences in schools in Uzbekistan and the USA?
3. What is the difference between work, job, and profession?
4. What is the difference between a wage and salary?

Жавобларингизни Тошкент 700011, Навоий 69, ТВ-4 «Инглиз тили курси» дастурига ёки uztv-4@uzpak.uz манзилига юборишингизни мумкин.

КУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

ЧАРХПАЛАК

Hikoya

— Мана овқатларингиз, энди еттинчисини ҳам туғинг, — дея аччиқланганидан юзлари қизариб кетган Азиза холасининг қўлига егуликлар тўла халтани узатди. Ва индамай кетиш ўрнига яна қўшиб қўйди. — Сизга шунча туғиб зарилми, ҳали ҳаммаси кичкина бўлса. Ойим ҳам худди ўзи кўпайишгандек, азонлаб безовта бўладилар. Майли яхши қолинг, мен дарсга кеч қоляпман.

Унинг бу гапларини Гулчеҳра айбдордек эшитиб турди. Азиза ўзи айтган мана шу гаплар холасининг кўнглига оғир ботишини ўйламади, холам хафа бўлади, деб парвойига ҳам келтирмади.

Мана шу Гулчеҳра холасининг катта-кичик беш нафар фарзанди бор эди. У болалар ювош, катталарнинг гапига кирадиган, бир жойга ўтқазиб қўйса, жимгина ўтирадиган болалар эмасди. Шу қадар тўполончи, ерга урса кўкка сапчийдиган эдики, агар улар Азизаларникига келса, Азиза болаларни уришавериб жағи толарди. Шундай пайтларда «Э, хола буларингизга қарасангизчи, ҳаммаёқни ивирситиб юборди, ҳалигина тозалаб, супуриб-сидирган уйларимни остин-устин қилди. Бундоқ болаларингизни уришмайсиз ҳам, улар нимани хоҳласа ўшани қилавераді» дея ёзғириб қоларди.

Азизалар туғруқхонага яқин маҳаллада туришади. Шунинг учун қариндош-уруғларидан кимдир болали бўлса, унга яна битта иш кўпаяди. Ойиси Гулбаҳор шундай беғубор, сахий, қўли очиқ, ҳамманинг дарди учун куйиб-пишадиган аёл бўлганлиги учун кимнидир кўпайишганини эшитиб қолса, ўша қариндоши уйига кетгунича туғруқхонага озиқ-овқат ташийди. Туғруқхонага у нарсаларни бир ўзи олиб борса ҳам майли, туққанларга нарса олиб бориш доимо кичик фарзандлари — Азиза билан Наримоннинг чекига тушади. Наримон опасидан кўра камгапроқ бола бўлганлиги учун ойиси тайёрлаб берган нарсаларни индамай олиб бориб, ташлаб келади. Азиза эса «нимага энди биз уларга овқат олиб боришимиз керак, ўзини уйидан овқат келади-ку, сиз шунақасиз, нарсаларни аяшни билмайсиз, овқат олиб борган идиштовоқларимиз ҳам кейин қайтиб келмаяпти» дея бир талай эътирозларни билдириб, кейин олиб кетарди.

Кечқурун Гулчеҳра холасининг эри Қосим ака уларникига кириб, «опа, яна кўпайишдик, ўғил» деганида Азиза ухлаб бўлган эди. Гулбаҳор хола жуда-жуда суюнди, ана, синглисининг икки ўғлига учинчиси шерик бўлибди. Илоҳим умри билан, ризқи билан берган бўлсин. Шу заҳотиёқ суюнчисига битта кўйлак олиб чиқди. Қариндош-уруғлар ҳам ажойиб. Кимдир туғруқхонага тушиши билан биринчи бўлиб улардан суюнчи олишга киришади.

Эрта билан уйқудан уйғонган Азиза ойисининг ошхонада уймалашаётганлигини кўриб, «яна бирорта қариндошимиз кўпайишибди, шекилли» деб ўйлади ва:

— Ассалому алайкум ойижон, яхши ётиб турдингизми? Яна ким болали бўлибди? Ошхонага азонлаб кириб олибсиз? — дея сўради.

— Ҳа, Гулчеҳра холанг ўғилли бўлибди, кечқурун поччанг келиб айтиб кетди. Мактабга кетаётганингда холангга овқат ташлаб ўтасанда. Шунинг учун шошилиб ётибман.

— Холам яна туғибдими, бештаси етмас эканми? Тавба. Шу синглингиз ҳам эринмасаканда туғавериб, — деди норозилигини яширмасдан. — Кошки болалари ақлли, ҳушли бўлса. Ҳаммаси бир-биридан ўтган безори. Яна битта безорини кўпайтирибди-да.

— Унақа дема. Ҳамма бола ҳам шўх, безори бўлади-да. Ўзларинг ҳам мўмин-қобил бўлмагансизлар. Энди бизникида ёш бола бўлмаганлиги учун уларнинг тўполончилиги сизларга билиниб қоляпти.

Азиза ювиниб-тараниб, истар-истамас онаси қўлига тутган сумкани кўтариб йўлга тушди. Шу нарсаларни Наримон олиб борса ҳам бўладику, аммо унинг ўқиши тушдан кейин бошланади. Тушда бу иш Наримоннинг чекига тушади.

Лекин Азиза холасининг болаларини ёмон кўрмасди. Беш нафар бир-биридан ширин болакайлар шовқин қилмаса, жимгина ўтириб ўйнаса Азиза улар билан қўшилишиб ўйнарди. Айниқса, холасининг катта қизи Дилфузани кўчаларга олиб чиқиб ўйнатиб ҳам келарди. Кўзлари қоп-қора, кулча юзида кулдиргичи бор қизалоқ бир зумда ҳаммага ёқиб қоларди. Азиза уни қўғирчоқ деб ўйларди.

Йиллар ўтди. Гулчеҳра холаси бошқа туғмади. Унинг ўғил-қизлари ҳам катта бўлиб қолишди. Азиза мактабни тамомлади, шифокор бўлиш ниятида тиббиёт олийгоҳида ўқиди. Турмушга чиқди. Турмуш ўртоғи оилада ягона фарзанд бўлганлиги боис, жуда ҳам болаларни яхши кўрар экан. Бир куни, «Иккита бола кўрсак етади», деган гапи учун Азизани урмоқдан бери бўлди.

— Пул топаётган, сизни едириб-ичираётган менман. Худо берганича болали бўламиз. Мен болаларни яхши кўраман. Ҳар куни ишдан келганимда беш-олти нафар кичкинтой чуғурлашиб олдимга чиқиб турса, овқатланаётганимда, телевизор кўраётганимда бири тиззамда, бири елкамда яна бири ўнг томонимда ўтирса, ўғилларим кечқурунлари мен билан «той-той» ўйнаса, бунинг нимаси ёмон. Мен худди шундай яшашни яхши кўраман. Шунинг учун иккита-битта деб хомтама бўлманг.

— Ҳа, уларни едириб-ичириш, кийинтириш, катта қилиб, ўқитиш-чи? Жуда қийналиб кетасиз-ку?

— У ёғидан хавотир олманг. Ўттиз иккита тишни берган Аллоҳ ризқни ҳам беради. Ҳаммаси ўз ризқи, умри билан туғилади. Бўптими?

Эрининг бу гапларига Азиза жавоб бера олмай қолди. Биринчи фарзандлари қиз бўлди, иккинчиси ҳам. Учинчи яна қизалоқ. Энди Неъматжон ўғилли бўлгунингизча туғаверасиз, дея шарт қўйди. Тўртинчи фарзандлари ҳартугул ўғил бўлди. Азизанинг фарзандлари орасидаги ёш икки-уч йилдан кўп эмасди. У кўпинча болалари шовқин-сурон кўтариб тўполон қилса ёки бирор нима олиб беринг, дея хархаша бошласа, Гулчеҳра холасини эсларди. Холаси ҳам болаларини шундай катта қилган экан-да.

Бир куни уникига Гулчеҳра холасининг катта қизи Дилфуза келиб қолди. Дилфуза ҳам негадир Азизани яхши кўрарди. Кичиклигиданоқ Азизанинг кетидан қолмас, унинг тароғи борми, лаб бўёғи борми ҳаммасини бир-бир ишлатиб кўрмаса туролмас, Азизанинг чиройличиройли кўйлакларини гарчи ўзига катта бўлса ҳам кийиб кетиб қолаверар эди. Мана, у ҳам катта қиз бўлди. Олий ўқув юртида ўқияпти. Азиза опасини соғинганда келаверади. Ҳар келганида «Биз ҳам шунақа кичкина эдик. Ҳаммамиз чуғурлашиб юрардик. Биласизми, Азиза опа сиз бизни ёмон кўрардингиз. Қачон уйингизга борсак, «уйни ҳозиргина йиғиштирган эдим, тўзитиб юборибсан, эндигина идишларни ювиб қўйган эдим, яна овқатланасанми, ҳали ювиб қўйилган кўйлагинг қуригани йўқ-ку, яна уст-бошингни кир қилдингми?» дея уришаверардингиз. Ойимга ҳам «мана буларингизга қарасангизчи, дафтарларимга чизиб ташлабди, қаламимни синдириб қўйибди, сиз болаларингизга индамайсиз, шунинг учун улар гапга кирмас, қулоқсиз бўлиб қолган» деб у кишини хафа қилардингиз», дея хотираларга берилиб кетарди. Азиза ҳам ўзининг инжиқликларини эслаб кулиб ўтираверарди.

Бу сафарги келишида Дилфуза ётиб қолди. Иккаласи туни билан гаплашиб чиқишди.

— Азиза опа, семириб қолибсизми, — деди бир пайт Дилфуза.

— Ҳа, нимагадир кейинги ойларда семиряпман. Кўп овқат еяётган бўлсам керак-да.

— Ҳа, поччам яхши боқаётган бўлса майли, лекин ...

Дилфуза ҳомиладорга ўхшаяпсиз, дейишга ийманди. Унинг жим бўлиб қолганини сезган Азиза:

— Яна битта туғмоқчиман, нима дейсан, туғсам бўлаверармикан? — дея Дилфузадан тортинибгина маслаҳат сўради.

— Ҳа, поччамга яна битта ўғил керак бўлса, туғаверинг, олтинчисини ҳам туғинг, — деди.

Азизанинг устидан кимдир бир челак муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Бу дунёни бежиз чархпалак дейишмас экан-да. Гарчи Дилфуза бир замонлар ўз онасига айтилган гапларни эшитмаган, билмаган бўлса-да, негадир ўзи сезмаган ҳолда Азиза опасига қачонлардир ўзи тилга олган «танбеҳ»ни айтиб юборди. Барибир, бир кун эмас-бир кун ҳар бир қилинган яхши амал, эзгулик, ҳар бир гапирилган гап одамзотнинг ўзига қайтиб келишини Азиза юрак-юракдан ҳис қилди.

МУРОДЛИ ДИЛ

ЭНГ ҚИММАТ...

ЭНГ ҚИММАТ СОАТЛАР

1.728 деталлардан ташкил топган "Патек Филипп" компанияси 1989 йил 9 апрелда ишлаб чиқарган "Калибр-89" соатининг нархи "Габабург Фельдман" аукцион савдосида 3,15 млн доллар баҳоланиб сотилган. (Женева)

• • •

"Патек Филипп" компанияси 1939 йили ишлаб чиқарган "Калатрава" қўл соати 1996 йил 10 апрелда Женевада ўтказилган "Ким ошди" савдосида 1,78 млн долларга сотилган.

ЭНГ ҚИММАТ ЖОМАДОН

"Луи Вуиттон" фирмаси ишлаб чиқарган 4 та бир хил жомадон (нархи 601.340 доллар баҳоланган, дунёда энг қиммат жомадон саналади.

ЭНГ ҚИММАТ БОТИНКА

Марказий Африка империяси императори фельдмаршал Жин Фидер Бокасса ўзига бир жуфт марварид ва қимматбаҳо безакли туфли буюртма бериб тиктирган. У Парижнинг "Бермутти" модалар уйида тикилган. Туфлининг нархи дунёда энг қиммат бўлиб, 1977 йил "Кимошди" бозорида 85.000 доллар баҳоланган эди.

ЭНГ ҚИММАТ АВТОРУЧКА

1988 йили турли қимматбаҳо тошлар билан безатилган "Ангмон" ручкасини (600 та қимматбаҳо тошлардан ясалиб, унга бир йил усталар ўз маҳоратларини, санъатларини сарф қилишган) Япония коллекционерларидан бири "ким ошди" бозорида 218.007 долларга сотиб олгани тарихда маълумдир. У жаҳонда энг қиммат ягона ручкадир.

КИНОФИЛЬМ УЧУН ЭНГ ҚИММАТЛИ СЦЕНАРИЙ

1939 йили АҚШда Кларка Гейблнинг "Шамол олиб кетган" сценарийси АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида 1996 йил ўтказилган "ким ошди" бозорида кўп эмас, оз эмас 244.500 долларга сотилган бўлиб, сценарийлар тарихида энг қиммат сценарий ҳисобланади.

ЭНГ ҚИММАТ ПИРОГ

Жаноб герцог ва герцогина Виндзорскийлар никоҳ тўйидан (17 феврал 1998 йил) қолган ғоят безатилган, беназир мазали пирогнинг кичик бир бўлаги "Сотбис" "ким ошди" бозорида АҚШнинг Калифорния штатида яшовчи жаноб Бенжамин Иму ва унинг хотини Амаандега 29.900 долларга сотилган энг қиммат пирог ҳисобланади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

"АГАТА" СКАНВОРДИ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ



Xullas...

ХУШБЎЙ ҲИД ТАРАТУВЧИ СОАТЛАР

«Дам» берсангиз маълум вақтгача чиқиллаб вақтни кўрсатадиган соатлар бор. Батарея билан юрадиган соатлар эса ҳозирги вақтда жуда оммалашган.

Италия савдо дўконларида сотувга чиқарилган соатлар ҳаммасидан ҳам ғаройиб. Харидор уни қўлига олиши билан атрофга хушбўй ҳид таралиб кетади. Бунга, энг аввало, соат йиғишни ўз «хобби»сига айлантирган ишқибозлар қизиқиб қолишди. Улар ўз уй-музейларида хушбўй ҳид таратувчи бундай соатларнинг бўлишини хоҳлашгани учун дарҳол харидга киришиб кетишди. Қарабсизки, бу оддий харидорларга ҳам таъсир қилиб, сотувдаги соатлар тез-тез сотила бошлади.

Римнинг марказий савдо дўконларига ҳам соатларнинг катта партияси келтирилди. Лимон, малина, смородина, атиргул, сирен ҳидини таратувчи девор соатлари сотувида катта навбат. Эҳ-ҳе, турнақатор тизилишиб турган одамларни кўрсангиз эди... Маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси эса ҳеч бир харидорга маълум эмас.

Чиндан ҳам ёқимли ҳид соатга қандай ўрнашиб қолар экан?

НА РУБЛ, НА «ТУЛКИ»

Ростовлик фирибгар ишонувчан қарияни боплаб «тушириб» кетди. Қандай қилиб дейсизми?

Неклинов туманидаги Садка қишлоғида яшовчи бир кам саксон ёшда бўлган онахонникига «кетворган» аёл кириб келди. Тагида машина. У ўзини банк ходими деб таништирди. Яқин орада Россия билан Белоруссия бирлашиб, умумий пул бирлиги ўрнатилади. 1 октябрдан бошлаб янги пул чиқади. Кимдаким шунга қадар рубларини алмаштиришга улгурмаса, додини Худога айтиб қолаверсин.

Кампир банк ходимасининг гапларига лаққа ишонди. Ким ҳам катта пули ҳавога учишини хоҳлайди? Онахон қишга кўмир сотиб олиш учун йиғиб қўйган пулларини ҳалиги аёлнинг олдига келтириб қўйди. «Банкка борсангиз, навбатда тураверіб, вақтингиз кетади. Яхшиси, мен сизга алмаштириб олиб келиб бераман» деган гап пенсионерга маъқул тушди.

Шундай қилиб, унинг 13 минг рубли қўлдан кетди. Маккора аёл унда шубҳа уйғотмаслик учун ёлғондакам тилхат қолдирган. Муддат эса бир ҳафталик.

Мана, бир ойдирки, на рубл, на «тулки»дан дарак бор.

БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН

Дунёдаги энг бўйи узун аёл Хитойнинг Хунан провинциясида яшовчи Цзен-Цзинляндир. 56 ёшида унинг бўйи 2,49 метр эди. Шифокорлар унинг умуртқа поғонаси нормал ҳолатда бўлишига шубҳа билдиришарди.

Цзен хоним энди бўйи узунлиги бўйича йўлда қолиб кетадиган бўлди. Чунки Американинг Мэриленд штатидаги Сэнди Аллен деган қизнинг бўйи 2 метру 317 мм.га етди. Қизча туғилиши билан деярли ҳар дақиқада 5-10 см.дан ўсган шекилли, 10 ёшга етганида бўйи 1 метру 905 мм.ни ҳосил қилар эди. Ҳозир эса у 209,5 кг вазнда.

«Чикаго сан» газетаси, шифокорлар бундай паталогиянинг пайдо бўлиш сабабларини тополмай овора эканлиги ҳақида хабар беради.

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-925.
Тиражи 19852. Г. 1 2 3 4 5 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Назокат ХОЛМЕТОВА,
Навбатчи:
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —21.00